

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ФАРМАЦЕВТИКА ИНСТИТУТИ
ФАРМАЦЕВТИКА ИШИНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ КАФЕДРАСИ

ФАРМАЦЕВТИКА ИШИНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ ФАНИ БЎЙИЧА
ЎҚУВ-УСЛУБИЙ МАЖМУА



Тошкент - 2016

Тузувчилар: Фармацевтика ишени ташкил қилиш кафедраси мудир,
ф.ф.н. доцент Ш.З.Умарова
Фармацевтика ишени ташкил қилиш кафедраси доценти,
б.ф.н. З.Ш.Хидоятова
Фармацевтика ишени ташкил қилиш кафедраси катта
ўқитувчиси М.Я.Саидова
Фармацевтика ишени ташкил қилиш кафедраси доценти в/б
М.Н.Зияева
Фармацевтика ишени ташкил қилиш кафедраси ассистенти
Н.А. Азимова

Такризчи:

Исламова М.З. Фармацевтлар малакасини ошириш факультети
“Фармация” кафедраси катта ўқитувчиси

Асадов С.И. “Дори –Дармон” АК ишлаб чиқаришни
мувофиқлаштириш бошқарма бошлиғи, ф.ф.д.

Ўқув-услугий мажмуа Тошкент фармацевтика институтининг соҳа услубий
кенгашининг 2016 йил 15.06.даги 15-сонли қарори билан нашрга тавсия
қилинган

Соҳа услубий кенгаш раиси

Тожиев М.А.

Ўқув услубий мажмуа МУК да кўриб чиқилди ва тасдиқланди
2016 йил _____даги _____-сонли баённома

Келишилди: Марказий услубий кенгаш раиси

МУНДАРИЖА

1.	Ишчи дастур	5
2.	Силлабус	19
3.	Фанни ўқитишда фойдаланиладиган интерфаол таълим методлари	23
4.	Назарий машғулот материаллари.....	25
4.1.	Ўзбекистон Республикасида Соғлиқни сақлаш ва фармацевт ика хизматини ривожлантириш асослари.....	25
4.2.	Ўзбекистон республикасида дорихоналарни очиш тартиби.....	29
4.3.	Дорихона муасссаларига фармацевтик фаолиятига лицензия бериш.....	34
4.4.	Турли мулкчиликдаги дорихоналар ишини ташкил қилиш.....	38
4.5.	Дори; воситалари рецептсиз савдосини ташкил қилиш.....	46
4.6.	Дорихонада рецептура бўлими ишини ташкил қилиш.....	50
4.7.	Дорихоналарда рецептларни қабул қилиш рецептларни таксировка қилиш.....	53
4.8.	Дорихонада рецептларни экспертиза қилиш ва дори воситаларини бериш.....	57
4.9.	Дорихона шароитида дори воситаларини тайёрлаш.....	60
4.10.	Дорихонада дори воситалари сифатини назорат қилиш ишларини ташкил қилиш.....	65
4.11.	«Дорихона заҳиралар бўлими ишини ташкил қилиш, лаборатория ва қадоқлаш ишларини ҳисобга олиш».....	68
4.12.	Фармацевтика хизматини назорат рухсатнома тизими.....	71
4.13.	“Даволаш профилактика муассасасининг дорихонаси ишини ташкил қилиш”.....	77
4.14.	Дори воситаларига бўлган эҳтиёж ва талаб истикболини аниқлаш.....	81
4.15.	Фармацевтик логистика тизими.....	84
4.16.	Фармацевтика бозорида улгуржи савдо фаолиятини ташкиллаштириш.....	88
4.17.	Дорихонада гиёхванд дори воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорлар муомаласи.....	92
4.18.	Марказий осие ва мдх давлатларида .фармациянинг ривожланиш тарихи.....	95
5.	Амалий машғулот материаллари.....	98
5.1.	Ўзбекистон Республикаси соғлиқни Сақлаш ишлари ва фармацевтика хизматини ривожлантириш асослари.....	98
5.2.	Ўзбекистон Республикасида дорихона очиш тартиби.....	100
5.3.	Дорихона муассасаларига фармацевтик фаолият учун лицензия бериш.....	102

5.4.	Турли мулкчилик шаклидаги дорихоналар ишини ташкил қилиш.....	105
5.5.	Дори воситалари Рецептсиз савдосини ташкил қилиш.....	108
5.6.	“Дорихоналарда рецептура бўлими ишини ташкил қилиш.....	107
5.7.	Дорихоналарда рецептларни қабул қилиш, рецептларнинг таксировкаси, рецептларни экспертиза қилиш ва дори воситаларини бериш.....	112
5.8.	“Дорихоналарда рецептларни экспертиза қилиш ва дори воситаларини бериш.....	114
5.9.	“Дорихона шароитида дори воситаларини тайёрлаш.	116
5.10.	“Дорихона шароитида тайёрланган дори воситаларини сифатини назорат қилиш”	118
5.11.	“Дорихона захиралар бўлими ишини ташкил қилиш. лаборатория қадоклаш ишларини ҳисобга олиш.....	120
5.12.	“Фармацевтика хизматини назорат рухсатнома тизими.....	122
5.13.	“Даволаш профилактика муассасасининг дорихонаси ишини ташкил қилиш”	124
5.14.	“ДПМ дорихоналарида фармацевтика амалиёти”	126
5.15.	“Фармацевтик логистика тизими”.....	127
5.16.	“Фармацевтика бозорида улгуржи савдо фаолиятини ташкиллаштириш”	128
5.17.	“Дорихонада гиёҳванд дори воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорлар муомаласи”.....	130
5.18.	“Хорижий мамлакатларда дорихона ишини ташкил қилиш”	132
6.	Кейслар банки.....	133
7.	Мустақил таълим мавзулари.....	139
8.	Тестлар.....	141
9.	Глоссарий.....	336
10.	Адабиётлар рўйхати.....	338

1.ИШЧИ ДАСТУР

Кириш

ФИТҚ фани Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш ишлари ва Фармацевтика хизматини ривожлантириш асослари, дорихона муассасаларига фармацевтик фаолият учун лицензия бериш тартиблари, турли мулкчилик шаклдаги дорихоналар, уларнинг бўлимлари, дорихона шароитида дори воситаларини тайёрлаш ва сифатини аниқлаш, Фармацевтика хизматини назорат рухсатнома тизими, фармацевтика бозорида улгуржи савдо фаолиятини ташкиллаштириш, дорихонада гиёҳванд дори воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорлар муомаласи ва хорижий мамлакатларда дорихона ишини ташкил қилиш ҳақидаги маълумотлар билан таништиради.

2016-2017 ўқув йили учун ишлаб чиқилган ўқув услубий мажмуада Shane P. Desselle, David P. Zgarrick. Pharmacy Management Essentials for All Practice Settings. – Mc Grow Hill Medical.- 2011. – P.652 хорижий адабиётнинг “Applications in Hospital Pharmacy Practice” мавзусидаги боб маълумотларидан фойдаланиб “Даволаш профилактика муассасаларида Фармацевтика амалиёти” мавзуси киритилди.

Фаннинг мақсади ва вазифалари

Фанни ўқитишнинг мақсади - келажаги буюк Ўзбекистонга малакали ва билимдон мутахассисларни етказиб бериш, яъни талабаларга Ўзбекистон Республикасида Соғлиқни сақлаш ишлари ва Фармацевтика хизматини ривожлантириш асослари, дорихоналар ишини ташкил қилиш, дорихоналарда рецептларни қабул қилиш ва улар асосида дори воситаларини бериш, дорихона шароитида дори воситаларини тайёрлаш ва сифатини назорат қилиш ишларини ташкил этиш.

Ушбу фаннинг вазифалари шу фанга оид назарий ва амалий билимларни ўргатишдан иборат. Яъни юқорида таъкидланган масалалардан ташқари дорихона муассасаларига фармацевтик фаолият учун лицензия бериш, дорихонада захиралар бўлими ишини ташкил қилиш, фармацевтика хизматини назорат рухсатнома тизими, даволаш профилактика муассасасининг дорихонаси, дори воситаларига бўлган эҳтиёж ва талаб истиқболини аниқлаш, фармацевтика бозорида улгуржи савдо фаолиятини ташкиллаштириш каби долзарб муаммоларни талабаларга ўргатиш.

Фан бўйича талабаларнинг билими, кўникмаси ва малакасига қўйиладиган талаблар

Фармацевтика ишини ташкил қилиш фанини ўзлаштириш жараёнида амалга ошириладиган масалалар доирасида

Талаба:

- Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимининг ташкилий тузилиши; турли мулкчилик шаклидаги дорихоналар ишини ташкил этиш

ва рецептура, захиралар, тайёр дори воситалари ва рецептсиз савдо бўлимлари ишини юритиш, рецептлар асосида дори воситаларини тайёрлаб бериш ва назорат қилиш, дори воситаларига бўлган эҳтиёжини аниқлаш, фармацевтика хизматини назорат рухсатнома тизими, даволаш-профилактика муассасалари дорихонаси ишини ўрганиши, фармацевтик савдо корхоналарида логистик тизим ва дорихона омборхоналарда дори воситаларини қабул қилиш, сақлаш, қадоқлаш ва тарқатишни билиши керак.

Талаба:

- Дорихоналарда дорихона мудир, фармацевт технолог, фармацевт – аналитик ишини ташкиллаштириш ишлари ҳақида кўникмаларга эга бўлишлари лозим.

Булар билан бир қаторда :

- адабиётлар билан мустақил ишлаш бўйича
- товарларни қабул қилишда ҳужжатларни расмийлаштириш ва истеъмолчиларга етказиб беришда малакаларига эга бўлиши керак.

Фанни ўқитиш бўйича тавсиялар

Фанни ўқитишни ташкил этиш шакллари: диалог, мунозара, мулоқот, ҳамкорлик ва ўзаро ўрганишга асосланган коллектив ва кичик гуруҳлар.

Фанни ўқитиш даврида педагогик жараёни жадаллаштириш мақсадида замонавий педагогик технологиялар, ахборот воситалари, компьютер, интернет тизимидан кенг фойдаланиш кўзда тутилган. Ўқув жараёни муаммоли маърузалар ўқиш, машғулотларни савол-жавоб тарзида қизиқарли ташкил қилиш, илғор педагогик технологиялардан мультимедиа воситаларидан фойдаланиш, ундайдиган, ўйлантирадиган муаммоларни улар олдида қўйиш, талабчанлик, талабалар билан индивидуал ишлаш, эркин мулоқот юритишга, илмий изланишга жалб қилиш асосида олиб борилади.

Фанни ўтказиш бўйича қўйидаги концептуал ёндошувлардан фойдаланилади: шахсга йўналтирилган таълим, тизимли ёндошув, ҳамкорликдаги таълимни ташкил этиш, муаммоли таълим, компьютер ва ахборот технологияларини ўқув жараёнида қўллаш, ўқитиш усуллари ва техникаси (маъруза (кириш, мавзуга оид, визуаллаш), муаммоли таълим, кейс-стади, пинборд, парадокс ва лойхалаш усуллари, амалий ишлар).

Ўқитиш воситалари: ўқитишнинг анъанавий шакллари (дарслик, маъруза матни) билан бир қаторда – компьютер ва ахборот технологиялари.

Коммуникация усуллари: талабалар билан оператив тескари алоқага асосланган бевосита ўзаро муносабатлар.

Тескари алоқа усуллари ва воситалари: кузатиш, блиц-сўров, жорий ва яқунловчи назорат натижаларини таҳлили асосида ўқитиш диагностикаси.

Бошқариш усуллари ва воситалари: ўқув машғулоти бошқичларини белгилаб берувчи технологик карта кўринишидаги ўқув машғулотларини

режалаштириш, қўйилган мақсадга эришишда ўқитувчи ва талабанинг биргаликдаги ҳаракати, нафақат аудитория машғулolari, балки аудиториядан ташқари мусақил ишларининг назорати.

Мониторинг ва баҳолаш: амалий машғулотларда ҳам бутун курс давомида ҳам ўқитишнинг натижаларини режали тарзда кузатиб бориш. Курс охирида тест топшириқлари ёрдамида талабаларнинг билимлари баҳоланади.

Фаннинг ўқув режадаги бошқа фанлар билан боғлиқлиги ва узвийлиги

Мазкур фаннинг мазмуни ўқув режадаги “Дори турлари технологияси”, “Фармацевтик кимё”, “Фармакология”, “Фармакогнозия”, “Фармацевтика иқтисодиёти”, “Фармацевтик менежмент” ва бошқа фанлар билан узвий боғланган ҳолда педагогларнинг касбий педагогик тайёргарлик даражасини орттиришга хизмат қилади.

“Фармацевтика ишини ташкил қилиш” фани бўйича соатлар

тақсимооти:

Фармация (дорихона муассасалари иши), Клиник фармация, Касб таълими йўналиши бўйича

т/ р	Мавзулар номи	Жами соат		Маъ уза	Амали й машғу лот	Мустақил таълим	
		Фармация (турлари бўйича)	Касб таъли м			Фармац ия (турлари бўйича)	Касб таъли м
1	Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Фармацевтика хизматини ривожлантириш асослари	10	10	2	4	4	4
2	Ўзбекистон республикасида дорихоналарни очиш тартиби	11	10	2	4	5	4

3	Дорихона муассасаларига Фармацевтика фаолияти учун лицензия бериш	10	9	2	4	4	3
4	Турли мулкчилик шаклидаги дорихоналар ишини ташкил қилиш	10	9	2	4	4	3
5	Дори воситалари Рецептсиз савдосини ташкил қилиш	10	10	2	4	4	4
6	Дорихоналарда рецептларни қабул қилиш ва уларнинг таксировкаси.	10	10	2	4	4	4
7	Дорихоналарда рецептларни экспертиза қилиш ва дори воситаларини бериш	10	10	2	4	4	4
8	Дорихона шароитида дори воситаларини тайёрлаш	10	10	2	4	4	4
9	Дори воситалари сифатини назорат қилиш ишларини ташкил қилиш	10	9	2	4	4	3
10	Дорихона захиралар бўлими ишини ташкил қилиш. Лаборатория қадоқлаш ишларини ҳисобга олиш.	10	10	2	4	4	4
11	Фармацевтика хизматини назорат рухсатнома тизими	10	9	2	4	4	3
12	Даволаш профилактика	11	10	2	4	5	4

	муассасасининг дорихонаси						
13	Даволаш профилактика муассасаларида фармацевтика амалиёти	10	9	2	4	4	3
14	Дори воситаларига бўлган эҳтиёж ва талаб истиқболини аниқлаш.	10	9	2	4	4	4
15	Фармацевтик логистика тизими	10	10	2	4	4	4
16	Фармацевт ика бозорида улгуржи савдо фаолиятини ташкиллаштириш	10	10	2	4	4	4
17	Дорихонада гиёҳванд дори воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорлар муомаласи	10	9	2	4	4	3
18	Марказий Осиё ва Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигида фармациянинг ривожланиш тарихи	10	9	2	4	4	3
Жами		182	172	36	72	74	64

НАЗАРИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ

1- мавзу: Ўзбекистон Республикасида Соғлиқни сақлаш ишлари ва Фармацевтика хизматини ривожлантириш асослари

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш ишларини ташкил қилиш принциплари, Ўзбекистон Республикаси тиббиёт ва Фармацевтика фаолиятини бошқариш, Соғлиқни сақлаш ва Фармацевтика фаолиятини хизматини бошқарувчи ташкилотнинг асосий вазифалари ва функциялари, Ўзбекистон Фармацевтика саноати давлат акциядорлик (Ўзфармсаноат) концерни ва «Дори-Дармон» акциядорлик компаниясининг ташкилий тузилиши ва уларнинг асосий вазифалари.

2- мавзу: Ўзбекистон Республикасида дорихоналарни очиш тартиби
Ўзбекистон Республикасида дорихоналарни очиш, қонун асосида Фармацевтика фаолияти билан шуғулланиш учун махсус лицензия олиш қоидалари. Лицензия ҳайъати таркиби, вазифалари.

3- мавзу: Дорихона муассаларига Фармацевтик фаолият учун лицензия бериш.

Лицензия ҳақида тушунча, унинг олиш тартиби ва шартлари. Фармацевтик фаолиятга лицензия олиш учун зарур бўлган ҳужжатлар тўплами, шартнома битими. Лицензияловчи органдаги эксперт комиссия таркиби ва низоми.

4- мавзу: Турли мулкчилик шаклидаги дорихоналар ишини ташкил қилиш.

Дорихона муассасаларининг номланиши, турлари ва уларни жойлаштириш (Хусусий, маъсулияти чекланган жамият ва акциядор) ишини ташкил қилиш, тартибларини, улар иш фаолиятларини ҳамма йўналишлари. Дорихона шахобчалари, уларнинг вазифалари, дорихона хоналарининг таркиби, уларни фаолият турига қараб жиҳозланиши, дорихоналарнинг ташкилий тузилиши ва дорихона ходимлари лавозимларининг номланиши ва уларга тегишли бўлган буйруқлар.

5- мавзу: Дори воситалари рецептсиз савдосини ташкил қилиш

Халқаро амалиётида дори воситаларининг туркумланишини асосий принциплари. Туркумлаш шакллари. АТС туркумланиш тизими. ОТС-воситалар тизими. Рецептсиз сотиладиган воситаларга қўйилган асосий талаблар, ишлаб чиқарувчи фирмалари ва ривожланиш истиқболлари. Дори воситаларини рецептсиз бериш ва дорихона ассортименти. Рецептсиз дори воситаларининг савдоси, жиҳозланиши, санитария ҳамда техник меъёрларга мос бўлиши.

6- мавзу: Дорихоналарда рецептларни қабул қилиш ва уларнинг таксировкаси.

Дорихоналарда рецептларни қабул қилиш. Рецептларни ёзиб бериш тартибларини ва рецепт бланкалари хиллари, уларни шифокор томонидан ёзилганда йўл қўйиладиган хатоликларни, рецептда ёзилган дори воситаларининг нархини аниқлаш, миқдорий ҳисобда турувчи дори воситалари муомаласи билан ишлаш ва расмийлаштириш ҳужжатлари билан.

7- мавзу: Дорихоналарда рецептларни экспертиза қилиш ва дори воситаларини бериш

Рецептларни экспертиза қилиш қоидалари. Рецептларни қайд этиш дафтарида расмийлаштириш ва улар асосида дори воситаларини бериш тартиби.

8- мавзу: Дорихона шароитида дори воситаларини тайёрлаш

Дорихонанинг асосий вазифалари, дорихонанинг қурилиш майдонидаги хоналар, асептик блок, асептик хона, дори воситаларининг ташқи беазаги. Дорихона шароитида дори воситаларини тайёрлаш, дорихонанинг моддий техника базаси, асбоб ускуналари ва ходимларига бўлган талаблар. Дорихонага тегишли санитар қонун-қоидалар ва меъёрлар (Сан-Пин).

9- мавзу: Дорихона шароитида тайёрланган дори воситаларини сифатини назорат қилиш ишларини ташкил қилиш

Дорихона шароитида тайёрланадиган дори воситаларининг сифатини назорат қилиш, уларни тегишли тартибда расмийлаштириш ва беморларга бериш ишларини ташкил қилиш. Дорихона шароитида тайёрланадиган дори воситаларининг сифатини назорат қилиш, уларни тегишли тартибда расмийлаштириш ва беморларга бериш ишларини ташкил қилиш.

10- мавзу: Дорихонада захиралар бўлими ишини ташкил қилиш. Лаборатория қадоқлаш ишларини ҳисобга олиш

Дорихонада захиралар бўлимининг ишини ташкил қилиш, лаборатория ва қадоқлаш ишларини ҳисобга олиш. Захиралар бўлими ходимлари орасида штатлар ва вазифаларни тақсимланиши. дорихонанинг захиралар бўлимида дорихона стандартлари, ярим фабрикатларини тайёрлашни ўргатиш, дорихонага ва даволаш профилактика муассасаларига дори воситаларини тарқатиш тартиблари.

11- мавзу: Фармацевтика хизматини назорат рухсатнома тизими

Дори воситалари ва тиббий техника сифатини назорат қилиш Бош бошқармаси, унинг асосий вазифалари, бўлимлари, Ўзбекистон Республикаси фармацевтика хизматининг назорат рухсатнома тизимининг шаклланиш босқичлари. Фармакология, Фармакопея, Гиёҳванд воситалари назорати қўмиталари ва илмий услубий ва ахборот , фармацевтик назорат бўлими ва сертификатлаштириш сектори ҳақида ахборотлар.

12- мавзу: Даволаш профилактика муассасасининг дорихонаси ишини ташкил қилуш

Даволаш профилактика муассасаси дорихонасининг ишини ташкил қилишининг ўзига хослигини, дорихона биносига қўйилган талаблар ва ундаги асбоб-ускуналардан фойдаланиш қоидалари, дорихона

муассасасидан дори воситалари ва тиббий буюмларни бериш тартиби, ҳисоб ва ҳисобот хужжатларини расмийлаштириш тартибларини ва даволаш-профилактика муассасаларининг доимий фаолиятдаги хайъат вазифаларини ҳар тарафлама ўргатиш, шифохона дорихонасига қўйиладиган асосий талабларни уқтириш мақсад қилиб қўйилган.

13- мавзу: Даволаш профилактика муассасаларда фармацевтика амалиёти

Шифохона дорихонасини бошқарувчи фармацевт юқори савияга эга бўлиши, беморларга дори воситалари ҳақидаги ишончли ахборотларни тушунтириб бериши лозим. Фармацевт тиббиёт ходимлари билан ҳамкорликда даволаш муолажалари сифати ва сиёсатини таъминлаши керак. Дорихонани ҳуқуқий ваколатли фармацевт бошқариши лозим. Дорихона клиникада фойдаланиладиган барча фармацевтик маҳсулотларни қабул қилиши, тарқатиши ва уни назоратга олиши шарт.

Америка соғлиқни сақлаш тизими фармацевтларининг уюшмаси фармацевтик амалиёт стандартлари рўйхатини ишлаб чиққан.

14- мавзу Дори воситаларига бўлган эҳтиёж ва талаб истиқболини аниқлаш

Аҳолини ва соғлиқни сақлаш муассасаларини, дори воситаларини истеъмолини шакллантирувчи омиллар, эҳтиёж, талаб, истеъмол, таклиф тушунчалари, эҳтиёжни аниқлаш усуллари.

15- мавзу: Фармацевтик логистика тизими

Дори воситаларининг муомаласи соҳасида логистик ёндашуви, товар ҳаракатининг каналлари, савдо тармоғининг асосий турлари. Улгуржи Фармацевтик ташкилотлар фаолияти.

16- мавзу: Фармацевтика бозорида улгуржи савдо фаолиятини ташкиллаштириш

Фармацевтика бозорида улгуржи савдо фаолиятини ташкиллаштириш. Дорихона омборларида товарлар ҳаракатини ташкил этиш, дори воситаларини ва тиббиётда ишлатиладиган буюмларни сақланиши тиббий буюмларни қабул қилиш, сақлаш ва тарқатиш тартиблари.

17- мавзу: Дорихонада гиёҳванд дори воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорлар муомаласи.

Гиёҳванд дори воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорлар рўйхати, уларга оид Ўз РССВнинг буйруқлари, ЎзРВМнинг қарорлари

18-мавзу: Марказий Осиё ва Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигида фармациянинг ривожланиш тарихи

Абу Бакр Ар-Розий, Абу али ибн Сино каби олимларнинг ишлари, Улуғ Октябр социалистик революцияга қадар Туркистон ўлкасида фармация ва тиббиёт тарихи, Қирғизистонда XIX-асрнинг охири ва XX асрларда фармация ва тиббиётнинг ривожланишини Қозоғистонда Октябр революцияси ғалаба қозонгунча ва ундан кейинги даврларда фармация ва тиббиётнинг тарихи. Россия Федерацияси, Украина, Қозоғистон ва бошқа мамлакатлардаги фармациянинг ривожланиш тарихи.

Амалий машғулотларнинг тавсия этиладиган мавзулари.

Мавзуларнинг қисқача мазмуни

1- амалий машғулот: Ўзбекистон Республикасида Соғлиқни сақлаш ишлари ва Фармацевтика хизматини ривожлантириш асослари

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш ишларини ташкил қилиш принциплари, Ўзбекистон Республикаси тиббиёт ва фармацевтика фаолиятини бошқариш, Соғлиқни сақлаш ва фармацевтика хизматини бошқарувчи ташкилотнинг асосий вазифалари ва функциялари, Ўзбекистон фармацевтика саноати давлат акционерлик (Ўзфармсаноат) концерни ташкилий тузилиши. «Дори-дармон» акциядорлик компаниясининг, ташкилий тузилиши ва уларнинг асосий вазифалари

2- амалий машғулот: Ўзбекистон Республикасида дорихоналарни очиш тартиби

Ўзбекистон Республикасида дорихоналарни очиш, қонун асосида Фармацевтика фаолияти билан шуғулланиш учун махсус лицензия олиш қоидалари. Лицензия хайъати таркиби, вазифалари.

3-амалий машғулот: Дорихона муассаларига Фармацевтик фаолият учун лицензия бериш.

Лицензия ҳақида тушунча, унинг олиш тартиби ва шартлари. Фармацевтик фаолиятга лицензия олиш учун зарур бўлган ҳужжатлар тўплами, шартнома битими. Лицензияловчи органдаги эксперт комиссия таркиби ва низоми.

4- амалий машғулот: Турли мулкчилик шаклидаги дорихоналар ишини ташкил қилиш.

Дорихона муассасаларининг номланиши, турлари ва уларни жойлаштириш (хусусий, маъсулияти чекланган жамият ва акциядор) ишини ташкил қилиш, тартибларини, улар иш фаолиятларини ҳамма йўналишлари. Дорихона шахобчалари, уларнинг вазифалари, дорихона хоналарининг таркиби, уларни фаолият турига қараб жиҳозланиши, дорихоналарнинг ташкилий тузилиши ва дорихона ходимлари лавозимларининг номланиши ва уларга тегишли бўлган буйруқлар.

5- амалий машғулот: Дори воситалари рецептсиз савдосини ташкил қилиш

Халқаро амалиётида дори воситаларининг туркумланишини асосий принциплари. АТС туркумланиш тизими. ОТС-воситалар тизими. Рецептсиз сотиладиган воситаларга қўйилган асосий талаблар, ишлаб чиқарувчи фирмалари ва ривожланиш истикболлари. Дори воситаларини рецептсиз бериш ва дорихона ассортименти. Рецептсиз дори воситаларининг савдоси, жихозланиши, санитария ҳамда техник меъёрларга мос бўлиши.

6- амалий машғулот: Дорихоналарда рецептларни қабул қилиш, рецептларнинг таксировкаси.

Дорихоналарда рецептларни қабул қилиш. Рецептларни ёзиб бериш тартибларини ва рецепт бланкалари хиллари, уларни шифокор томонидан ёзилганда йўл қўйиладиган хатоликларни, рецептда ёзилган дори воситаларининг нархини аниқлаш, миқдорий ҳисобда турувчи дори воситалари муомаласи билан ишлаш ва расмийлаштириш ҳужжатлари билан.

7- амалий машғулот: Дорихоналарда рецептларни экспертиза қилиш ва дори воситаларини бериш

Рецептларни экспертиза қилиш қоидалари. Рецептларни қайд этиш дафтарида расмийлаштириш ва улар асосида дори воситаларини бериш тартиби.

8- амалий машғулот: Дорихона шароитида дори воситаларини тайёрлаш

Дорихонанинг асосий вазифалари, дорихонанинг қурилиш майдонидаги хоналар, асептик блок, асептик хона, дори воситаларининг ташқи безаги. Дорихона шароитида дори воситаларини тайёрлаш, дорихонанинг моддий техника базаси, асбоб ускуналари ва ходимларига бўлган талаблар. Дорихонага тегишли санитар қонун-қоидалар ва меъёрлар (Сан-Пин).

9- амалий машғулот: Дорихона шароитида тайёрланган дори воситаларини сифатини назорат қилиш ишларини ташкил қилиш

Дорихона шароитида тайёрланадиган дори воситаларининг сифатини назорат қилиш, уларни тегишли тартибда расмийлаштириш ва беморларга бериш ишларини ташкил қилиш. Дорихона шароитида тайёрланадиган дори воситаларининг сифатини назорат қилиш, уларни тегишли тартибда расмийлаштириш ва беморларга бериш ишларини ташкил қилиш.

10- амалий машғулот: Дорихонада захиралар бўлими ишини ташкил қилиш. Лаборатория қадоклаш ишларини ҳисобга олиш

Дорихонада захиралар бўлимининг ишини ташкил қилиш, лаборатория ва қадоклаш ишларини ҳисобга олиш. Захиралар бўлими ходимларининг вазифаларни тақсимланиши. Дорихонанинг захиралар бўлимида дорихона стандартлари, ярим фабрикаларини тайёрлашни ўргатиш, дорихонага ва даволаш профилактика муассасаларига дори воситаларини тарқатиш тартиблари.

11- амалий машғулот: Фармацевтика хизматини назорат рухсатнома тизими

Дори воситалари ва тиббий техника сифатини назорат қилиш Бош бошқармаси, унинг асосий вазифалари, бўлимлари, Ўзбекистон Республикаси Фармацевтика хизматининг назорат рухсатнома тизимининг шаклланиш босқичлари. Фармакология, фармакопея, гиёҳванд воситалари назорати кўмиталари ва илмий услубий ва ахборот , фармацевтик назорат бўлими ва сертификатлаштириш сектори ҳақида ахборотлар.

12- амалий машғулот: Даволаш профилактика муассасасининг дорихонаси ишини ташкил қилиш

Даволаш профилактика муассасаси дорихонасининг ишини ташкил қилишининг ўзига хослиги, дорихона биносига қўйилган талаблар ва ундаги асбоб-ускуналардан фойдаланиш қоидалари, дорихона муассасасидан дори воситалари ва тиббий буюмларни бериш тартиби, ҳисоб ва ҳисобот ҳужжатларини расмийлаштириш тартиблари ва даволаш-профилактика муассасаларининг доимий фаолиятдаги ҳайъат вазифалари , шифохона дорихонасига қўйиладиган асосий талаблар.

13- амалий машғулот: ДПМ дорихоналарида фармацевтика амалиёти

Шифохона дорихонасини бошқарувчи фармацевт юқори савияга эга бўлиши, беморларга дори воситалари ҳақидаги ишончли ахборотларни тушунтириб бериши ҳақидаги маълумотлар. Фармацевтнинг тиббиёт ходимлари билан ҳамкорликдаги даволаш муолажалари сифати ва сиёсати. Дорихонани ҳуқуқий ваколатли фармацевт бошқариши лозимлиги. Дорихона клиникада фойдаланиладиган барча фармацевтик маҳсулотларни қабул қилиши, тарқатиши ва уни назоратга олиши тугрисидаги ахборотлар.

14-мавзу машғулот: Дори воситаларига бўлган эҳтиёж ва талаб истиқболини аниқлаш

Аҳолини ва соғлиқни сақлаш муассасаларини, дори воситаларини истеъмолини шакллантирувчи омиллар, эҳтиёж, талаб, истеъмол, таклиф тушунчалари, эҳтиёжни аниқлаш усуллари.

15- амалий машғулот: Фармацевтик логистика тизими

Дори воситаларининг муомаласи соҳасида логистик ёндашуви, товар ҳаракатининг каналлари, савдо тармоғининг асосий турлари. Улгуржи Фармацевтик ташкилотлар фаолияти.

16- амалий машғулот: Фармацевтика бозорида улгуржи савдо фаолиятини ташкиллаштириш

Фармацевтика бозорида улгуржи савдо фаолиятини ташкиллаштириш. Дорихона омборларида товарлар ҳаракатини ташкил этиш, дори воситаларини ва тиббиётда ишилатиладиган буюмларни сақланиши тиббий буюмларни қабул қилиш, сақлаш ва тарқатиш тартиблари.

17- амалий машғулот: Дорихонада гиёҳванд дори воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорлар муомаласи.

Гиёҳванд дори воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорлар рўйхати, уларга оид Ўз РССВнинг буйруқлари, ЎзРВМнинг қарорлари

18- амалий машғулот: Марказий Осиё ва Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигида фармациянинг ривожланиш тарихи

Абу Бакр Ар-Розий, Абу али ибн Сино каби олимларнинг ишлари, Улуғ Октябр социалистик революцияга қадар Туркистон ўлкасида Фармация ва тиббиёт тарихи, Қирғизистонда XIX-асрнинг охири ва XX асрларда фармация ва тиббиётнинг ривожланишини Қозоғистонда Октябр революцияси ғалаба қозонгунча ва ундан кейинги даврларда Фармация ва тиббиётнинг тарихи. Россия Федерацияси, Украина, Қозоғистон ва бошқа мамлакатлардаги фармациянинг ривожланиш тарихи.

ЎҚИТИШ ШАКЛЛАРИ

“Фармация фанларини ўқитишда илғор таълим технологиялари” модулини ўзлаштириш жараёнида педагогик жараёни жадаллаштириш мақсадида замонавий педагогик технологиялар, ахборот воситалари, компьютер, интернет тизимидан фойдаланилади. Маърузалар илғор педагогик технологиялардан ва мультимедиа воситаларидан фойдаланган ҳолда савол-жавоб тарзида, талабаларни ундайдиган, ўйлантирадиган муаммоларни улар олдида қўйиш, эркин мулоқот юритишга, илмий изланишга жалб қилиш асосида олиб борилади.

Амалий машғулотлар илғор педагогик технологиялардан ва мультимедиа воситаларидан фойдаланиб, талабаларни ундайдиган, ўйлантирадиган муаммоларни улар олдида қўйиш, талабчанлик, талабалар билан индивидуал ишлаш, эркин мулоқот юритишга, илмий изланишга жалб

қилиш, замонавий фармация фанлари муаммоларига доир кейслар тузиш, улардан амалиётда қўллаш билан тизимли, фаолиятга йўналтирилган ва диалогик ёндошув, ҳамкорликда, кейс-стади ва муаммоли таълим асосида олиб борилади.

Шунингдек, амалий машғулотлар ўрганилаётган муаммо ечимлари бўйича таклиф бериш, эшитиш, идрок қилиш ва мантиқий хулосалар чиқариш мақсадида давра суҳбатлари, муаммолар ечими бўйича далиллар ва маълумотларни тақдим қилиш, эшитиш ва муаммолар ечимини топиш қобилиятини ривожлантириш учун баҳс ва мунозаралар, блиц-сўровлар ёрдамида амалга оширилади.

БАҲОЛАШ МЕЗОНИ

Талабалар ОН дан тўплайдиган балларнинг намунавий мезонлари

т/р	Кўрсаткичлар	ОН баллари	
		Максимал	1-ОН
1	Саволларга тўлиқ жавоб берилганлиги, мисоллар билан ёритилганлиги	8	7-8
2	Саволларга жавоб бериши, тасаввурга эга бўлиши	7	6
3	Саволларга тўлиқ жавоб берилмаганлиги, қисман мисоллар билан ёритилиши	6	5

Талабалар ЖН дан тўплайдиган балларнинг намунавий мезонлари

т/р	Кўрсаткичлар	ЖН баллари	
		максимал	1-ЖН
1	Дарсларга қатнашганлик ва ўзлаштириш даражаси. Амалий машғулотлардаги фаоллиги, амалий машғулот дафтарларининг юритилиши ва тўлиқлиги	50	41-50
2	Талабаларнинг мустақил таълим топшириқлари ни ўз вақтида ва сифатли бажарилиши. Мавзулар бўйича уй вазифаларини бажарилиши.	40	32-40
3	Ёзма назорат иши ёки тест саволларига берилган жавоблар.	31	28-30
4	Жавоб берилмаганда	27	0-27

Якуний назорат “Оғзаки” шаклида белгиланган бўлса, у ҳолда якуний назорат 30 баллик “Оғзаки” вариантлари асосида ўтказилади.

т/р	Кўрсаткичлар	ЯН баллари	
		максимал	Ўзгариш оралиғи
1	Фан бўйича якуний оғзаки иш назорати	30	0-30

2. СИЛЛАБУС

«ФИТҚ» фани бўйича доцент Умарова Шахноз Зиятовнанинг

**2015/2016 ўқув йили учун мўлжалланган
СИЛЛАБУСИ**

Фаннинг қисқача тавсифи					
ОТМнинг номи ва жойлашган манзили:	Тошкент фарматсевтика институти			Ойбек кўчаси, 45	
Кафедра:	Фармацевтика ишини ташкил қилиш кафедраси			“фармация” факултети таркибида	
Таълим соҳаси ва йўналиши:	5510500 – Фармация 5111000 – Касб таълими	Бакалавриат босқичининг фармация ва касбий таълим йўналишлари талабалари учун мўлжалланган			
Фанни (курсни) олиб борадиган ўқитувчи тўғрисида маълумот:	Доцент Умарова Шахноз Зиятовна	e-mail.ru:	Umarova_shakhnoz@mail.ru		
Дарс машғулотларини ўтказишнинг вақти ва жойи:	Ўқув бўлими томонидан ишлаб чиқилган жадвал асосида институт ўқув биноларида 127-хона, 78-хона 67хона, 73хона	Курснинг бошланиши ва давом этиш муддати:	Бакалавриат таълим йўналиши ўқув режасига мувофиқ олтинчи семестрда		
Индивидуал график асосида профессор-ўқитувчининг талабалар билан ишлаш вақти:	Хафтанинг душанба, чоршанба ва жума кунлари соат 14.00 дан 15.00 гача				
Фанга ажратилган ўқув соатларининг ўқув турлари бўйича тақсимооти	Аудитория соатлари			Мустақил таълим:	74(64)
	Маъруза:	36	Амалий		
Фаннинг бошқа фанлар билан узвий алоқаси (пререквизитлари) :	”Дори турлари технологияси”, “фармакология”, “Фармацевтика иқтисодиёти” “фармацевтик менежмент”				

**«ФИТҚ» фани бўйича доцент Хидоятова Зулфия Шарифовнанинг
2015/2016 ўқув йили учун мўлжалланган**

СИЛЛАБУСИ

Фаннинг қисқача тавсифи						
ОТМнинг номи ва жойлашган манзили:	Тошкент фармацевтика институти			Ойбек кўчаси, 45		
Кафедра:	Фармацевтика ишини ташкил қилиш кафедраси			“фармация” факултети таркибида		
Таълим соҳаси ва йўналиши:	5510500 – Фармация 5111000 – Касб таълими		Бакалавриат босқичининг фармация ва касбий таълим йўналишлари талабалари учун мўлжалланган			
Фанни (курсни) олиб борадиган ўқитувчи тўғрисида маълумот:	б.ф.н., доцент Хидоятова Зулфия Шарифовнанинг		e-mail:		Зулфия@rambler.ru	
Дарс машғулотларини ўтказишнинг вақти ва жойи:	Ўқув бўлими томонидан ишлаб чиқилган жадвал асосида институт ўқув биноларида 2-хона 127-хона, 71-хона, 74-хона, 78-хона		Курснинг бошланиши ва давом этиш муддати:		Бакалавриат таълим йўналиши ўқув режасига мувофиқ олтинчи семестрда	
Индивидуал график асосида профессор-ўқитувчининг талабалар билан ишлаш вақти:	Ҳафтанинг душанба, сешанба, чоршанба ва шанба кунлари соат 14.00 дан 15.00 гача					
Фанга ажратилган ўқув соатларининг ўқув турлари бўйича тақсимооти	Аудитория соатлари			Мустақил таълим:		74(64)
	Маъруза:	36	Амалий	72		

**«ФИТҚ» фани бўйича катта ўқитувчи Саидова Мамлакат
Ядгаровнанинг 2015/2016 ўқув йили учун мўлжалланган**

СИЛЛАБУСИ

Фаннинг қисқача тавсифи						
ОТМнинг номи ва жойлашган манзили:	Тошкент фармацевтика институти			Ойбек кўчаси, 45		
Кафедра:	Фармацевтика ишини ташкил қилиш кафедраси			“фармация” факултети таркибида		
Таълим соҳаси ва йўналиши:	5510500 – Фармация 5111000 – Касб таълими		Бакалавриат босқичининг фармация ва касбий таълим йўналишлари талабалари учун мўлжалланган			
Фанни (курсни) олиб борадиган ўқитувчи тўғрисида маълумот:	Катта ўқитувчи., Саидова Мамлакат Ядгаровнанинг		e-mail:		Мамлакат@rambler.ru	
Дарс машғулотларини ўтказишнинг вақти ва жойи:	Ўқув бўлими томонидан ишлаб чиқилган жадвал асосида институт ўқув биноларида 8-хона 128-хона, 74-хона		Курснинг бошланиши ва давом этиш муддати:		Бакалавриат таълим йўналиши ўқув режасига мувофиқ олтинчи семестрда	
Индивидуал график асосида профессор-ўқитувчининг талабалар билан ишлаш вақти:	Ҳафтанинг душанба, сешанба, чоршанба ва шанба кунлари соат 14.00 дан 15.00 гача					
Фанга ажратилган ўқув соатларининг ўқув турлари бўйича тақсимооти	Аудитория соатлари				Мустақил таълим:	74(64)
	Маъруза:	36	Амалий	72		
Фаннинг бошқа фанлар билан узвий алоқаси (пререквизитлари):	”Дори турлари технологияси”, “фармакология”, “Фармацевтика иқтисодиёти” “фармацевтик менежмент”					

«ФИТҚ» фани бўйича ассистент Азимова Нозима Акромовнанинг

**2015/2016 ўқув йили учун мўлжалланган
СИЛЛАБУСИ**

Фаннинг қисқача тавсифи						
ОТМнинг номи ва жойлашган манзили:	Тошкент фарматсевтика институти			Ойбек кўчаси, 45		
Кафедра:	Фармацевтика ишини ташкил қилиш кафедраси			“фармация” факултети таркибида		
Таълим соҳаси ва йўналиши:	5510500 – Фармация 5111000 – Касб таълими		Бакалавриат босқичининг фармация ва касбий таълим йўналишлари талабалари учун мўлжалланган			
Фанни (курсни) олиб борадиган ўқитувчи тўғрисида маълумот:	Асс.Азимова Нозима Акрамовна		e-mail:		Nozima1187@mail.ru	
Дарс машғулотларини ўтказишнинг вақти ва жойи:	Ўқув бўлими томонидан ишлаб чиқилган жадвал асосида институт ўқув биноларида 67хона, 73хона		Курснинг бошланиши ва давом этиш муддати:		Бакалавриат таълим йўналиши ўқув режасига мувофиқ олтинчи семестрда	
Индивидуал график асосида профессор-ўқитувчининг талабалар билан ишлаш вақти:	Ҳафтанинг душанба, чоршанба ва жума кунлари соат 14.00 дан 15.00 гача					
Фанга ажратилган ўқув соатларининг ўқув турлари бўйича тақсимооти	Аудитория соатлари			Мустақил таълим:		74(64)
	Маъруза:	36	Амалий	7 2		
Фаннинг бошқа фанлар билан узвий алоқаси (пререквизитлари):	”Дори турлари технологияси”, “фармакология”, “Фармацевтика иқтисодиёти” “фармацевтик менежмент”					

**3. ФАННИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТРЕФАОЛ
ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ.**

“Кейс-стади” методи



Кейс-стади интерактив таълим методи сифатида талабалар томонидан энг афзал кўриладиган методлар қаторига кирмоқда. Ушбу технология асосан фармацевтика фанларидан дарс берувчи ўқитувчи ва талабаларнинг умумий интеллектуал ва коммуникатив салоҳиятини ривожлантиришга қаратилган.

Бунинг сабаби сифатида ушбу метод талабаларга ташаббус билдириш, назарий ҳолатни ўзлаштиришда ҳамда амалий кўникмаларни шакллантиришда мустақилликка эга бўлиш имкониятини беришида кўриш мумкин. Ўз навбатида вазиятларнинг анализи (таҳлили) талабаларнинг касбий шаклланиш жараёнига кучли таъсир ўтказа олиши, уларнинг касбий жихатдан “ўлғайишига” хизмат қилиши, таълим олишга нисбатан қизиқиш ва ижобий мотивациянинг шакллантириши алоҳида аҳамиятга эга. Кейслар методи ўқитувчининг тафаккур тури сифатида, алоҳида парадигма кўринишида гавдаланиб, ижодий салоҳиятни ривожлантириш, ноанъанавий тарзда фикрлаш имкониятини беради.

“Кейс методи” ни амалга ошириш босқичлари

Иш босқичлари	Фаолият шакли ва мазмуни
1-босқич: Кейс ва унинг ахборот таъминоти билан таништириш	• якка тартибдаги аудио-визуал иш; • кейс билан танишиш(матнли, аудио ёки медиа шаклда); • ахборотни умумлаштириш; • ахборот таҳлили; • муаммоларни аниқлаш
2-босқич: Кейсни аниқлаштириш ва ўқув топшириғни белгилаш	• индивидуал ва гуруҳда ишлаш; • муаммоларни долзарблик иерархиясини аниқлаш; • асосий муаммоли вазиятни белгилаш
3-босқич: Кейсдаги асосий муаммони таҳлил этиш орқали ўқув топшириғининг ечимини излаш, ҳал этиш йўллари ишлаб чиқиш	• индивидуал ва гуруҳда ишлаш; • муқобил ечим йўллари ишлаб чиқиш; • ҳар бир ечимнинг имкониятлари ва тўсиқларни таҳлил қилиш; • муқобил ечимларни танлаш

4-босқич: Кейс ечимини ечимини шакллантириш ва асослаш, тақдимот.	• якка ва гуруҳда ишлаш; • муқобил вариантларни амалда қўллаш имкониятларини асослаш; • ижодий-лойиҳа тақдимотини тайёрлаш; • якуний хулоса ва вазият ечимининг амалий аспектларини ёритиш
--	---

Кейс. Шифокор рецепти асосида бериладиган дори воситалари ва шифокор рецептсиз бериладиган дори воситалари йўриқномалари билан танишинг. Сиз қандай фарқларни аниқладингиз? Расмийлаштириш ва қадоқлашда уларнинг ўзига хос томонларини аниқланг

“Ассесмент” методи

Ушбу “Ассесмент” лардан маъруза машғулотларида қатнашчиларнинг мавжуд билим даражасини ўрганишда, янги маълумотларни баён қилишда, семинар, амалий машғулотларда эса мавзу ёки маълумотларни ўзлаштириш даражасини баҳолаш, шунингдек, ўз-ўзини баҳолаш мақсадида индивидуал шаклда фойдаланиш тавсия этилади. Шунингдек, ўқитувчининг ижодий ёндашуви ҳамда ўқув мақсадларидан келиб чиқиб, ассесментга қўшимча топшириқларни киритиш мумкин.



Тест

Sertifikatlashtirish sektorining vazifalari nimadan iborat?

!1
tibbiy texnika buyumlari va dori vositalariga muvofiklik sertifikatini berish



Nazorat analitik laboratoriyasining optik xonasida qanday o'lchov asboblari bo'ladi?



Uzfarmsanoat "Davlat aktsiyadorlik kontsernining vazifasi?"



"Dori-darmon" AKning tarkibi ?

4. НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАР

1-мавзу: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВА ФАРМАЦЕВТИКА ХИЗМАТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ АСОСЛАРИ

Режа:

1. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги вазифалари.
2. “Дори-дармон” акциядорлик компанияси.
3. “Узфармсаноат” давлат акциядорлик концерни ва унинг вазифалари.

Таянч иборалар: *компания, концерн, уюшма, вазирлик.*

1.1. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг вазифалари:

- давлат буюртмасини тузади ва давлат тиббиёт муассасаларида дори воситалари, тиббий буюмларнинг асосий турлари мавжуд бўлиши устидан назоратни таъминлайди;
- белгиланган тартибда фармацевтика фаолиятини лицензиялашни амалга оширади;
- Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати томонидан белгиланган тартибга мувофиқ, айрим тоифадаги шахсларга дори воситаларининг имтиёзли берилишини таъминлайди;
- лаборатория, ишлаб чиқариш ва дорихона амалиёти учун хос бўлган стандартларни тасдиқлайди;
- миллий фармакопеяни тасдиқлайди;
- дори воситалари ва тиббий буюмларнинг сифати назорат қилинишини, улар рўйхатдан ўтказилиши, стандартлаштирилиши ва сертификацияланишини таъминлайди;
- наркотик, захарли, психотроп, радиофармацевтик (радиоактив), кучли таъсир этувчи дори воситалари ва этил спиртини сотиш, сақлаш, ҳисобга олиш, уларнинг захираларини ҳосил қилиш тартибини белгилайди;
- дори воситалари ва тиббий буюмларнинг давлат реестрини юритади ҳамда вақти-вақти билан эълон қилиб боради;
- дори воситаларининг зарарли таъсирини тасдиқловчи фактлар мавжуд бўлган тақдирда уларни тайёрлаш, ишлаб чиқариш, олиб келиш ва сотишни тўхтатиб қўяди. Тадбиркорлик субъектлари фаолиятини тўхтатиб қўйишга олиб келадиган дори воситалари тайёрлаш ва ишлаб чиқаришни тўхтатиб қўйиш суд тартибида амалга оширилади.



1.2. “Дори-дармон” акциядорлик компанияси.

- «Дори-дармон» давлат акциядорлик компаниясининг вазифалари:
- Ўзбекистон Республикаси аҳолисини сифатли дори-дармон ва тиббиёт буюмлари билан таъминлаш;
- маркетинг тадқиқотлари ўтказиш ҳамда ҳаётий муҳим бўлган асосий дори-дармонлар ва тиббиёт буюмларига шу жумладан наркотик ва ҳисобда турадиган психотроп препаратларга буюртмаларни шакллантириш ҳамда тузиладиган шартномалар асосида республика соғлиқни сақлаш тизими муассасаларининг уларга бўлган эҳтиёжини таъминлаш;
- Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тасдиқланадиган рўйхат бўйича давлат резервининг дори-дармонлар ва тиббиёт буюмларига эҳтиёжларини қондиришни таъминлаш;
- “Дори-дармон” акциядорлик компанияси таркибига кирадиган дорихона муассасалари фаолиятини мувофиқлаштириш мавжуд фармацевтика маҳсулотлари ресурслари тўғрисидаги ягона республика ахборотлар тизимини яратиш: дори-дармонлар ва фармацевтика препаратлари билан таъминлашни ташкил этишга инвестицияларни жалб қилиш, илғор технологияларни жорий этиш.



“Дори-дармон” АК республикадаги барча фармацевтика корхоналари ва хорижий фирмалар билан ҳамкорлик қилади. Бир неча йиллардан бери компания ижтимоий касалликларни даволашда қўлланиладиган дори воситалари билан Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг даволаш-профилактика муассасаларини таъминлаш бўйича давлат

дастурининг асосий ижроچиси ҳисобланади.

Компания томонидан республика аҳолиси ва ДПМ ларни сифатли ва самарали дори воситалари билан таъминлашни янада яхшилаш борасида доимий изланишлар амалга оширилмоқда.

Компанияда “002 хизмати” ташкил этилган бўлиб шу телефон рақам орқали Тошкент шаҳрида жойлашган компаниянинг дорихоналарида мавжуд дори воситалари ва тиббиёт буюмлари тўғрисида тўлиқ маълумот олиш мумкин. “Дори-дармон” АК томонидан хомийлик ишлари ҳам йўлга қўйилган.



1.3. “Ўзфармсаноат” давлат акциядорлик концерни ва унинг вазифалари

Ўзбекистон Республикасида фармацевтика саноатини комплекс ривожлантириш дастурини амалга ошириш мақсадида ЎЗР ВМ қарорига асосан “Ўзфармсаноат” давлат акционерлик концерни (ДАК) тузилди.

«Ўзфармсаноат» ДАК вазифалари

сифатида қуйидагилар белгиланди:

- юкори сифатли дори воситалариларини яратиш ва татбиқ этиш
- ишлаб чиқариш технологиясини ва хизмат кўрсатиш тизимини такомиллаштириш
- хом ашё базасини ривожлантириш
- хорижий инвестицияларни жалб этиш асосида янги корхоналарни ташкил этиш
- мавжуд ишлаб чиқариш корхоналарини қайта жихозлаш.

Қарорда белгиланган вазифаларнинг бажарилиши республикамизнинг маҳаллий фармацевтик саноатини ривожлантиришни таъминлади. Бу ривожланишга ички имкониятларни сафарбар қилиш ва хорижий инвестицияларни жалб қилиш асосида эришилди. Республикамиз мустақилликка эришишидан олдин биттагина фармацевтик ишлаб чиқариш корхонаси мавжуд бўлган бўлса, 2000 й. да корхоналарнинг сони 30 га ва ҳозирги пайтда уларнинг сони юздан ортиғини ташкил этмоқда.

Белгиланган мақсадларга эришиш учун ва “Ўзфармсаноат” концернининг илмий ишлаб чиқариш потенциали сифатида фармацевтика корхоналари, илмий тадқиқот институтлари ва ташқи иқтисодий фаолият фирмаларини ўз ичига олган тузилмавий бўлимлар шакллантирилди.

Республика ҳукумати томонидан миллий фармацевтика саноатини ривожлантириш дастури ишлаб чиқилди. Ушбу дастур доирасида ГМП (Гоод Мануфастуринг Прастисе) талабларига жавоб берувчи янги корхоналар яратиш, маҳаллий хом ашё материалларидан фойдаланиш ва хорижий сармояларни жалб этиш кўзда тутилмоқда.

“Ўзфармсаноат” концерни томонидан “Дори воситалари ва тиббий буюмларни ишлаб чиқаришни ва импортини ўрнини босишни

кенгайтиришнинг тармоқ дастури” ишлаб чиқилди. Дастурда фармацевтика саноатини келгусида янада ривожлантириш бўйича чора-тадбирлар комплекси кўзда тутилган бўлиб, уларнинг асосий йўналишлари қуйидагилардан иборат:

– замонавий дори шакллари ишлаб чиқаришни таъминлаш мақсадида амалдаги корхоналарни модернизациялаш ва реконструкция қилиш;

– замонавий дори препаратларини ишлаб чиқарувчи янги корхоналарни ташкил этиш;

– маҳаллий ва хориждан келтириладиган хом ашёлар асосида субстанциялар ҳамда дори препаратларини ишлаб чиқаришни ташкил этиш;

фармацевтика маҳсулотларини ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш.



Назорат саволлари

1. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигига изох беринг
2. “Дори-дармон” акциядорлик компаниясининг функциялари
3. “Ўзфармсаноат” давлат акциядорлик концерни ва унинг вазифалари.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 20 май 2005 йилдаги “Дори-дармон” давлат акциядорлик уюшмасини “Дори-дармон” акциядорлик компаниясига айлантириш тўғрисида” ги 131-сонли қарори.
2. Салихбаева У.С. “Дори-дармон” акциядорлик компанияси мустақиллик йилларида. Ўзбекистон Фармацевтик хабарномаси №3, 2006 йил, 17-18 бет.
3. Юнусов Б.М. Ўзбекистон Фармацевтика саноати – мустақиллик даврида. Ўзбекистон Фармацевтик хабарномаси №3, 2006 йил, 18-20 бет.
4. www.minzdrav.uz
5. www.uzpharmsanoat.uz

2-мавзу: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ДОРИХОНАЛАРНИ ОЧИШ ТАРТИБИ

Режа

1. Лицензиялаш кенгаши ишини тартибга солувчи меъёрий ҳужжатлар.
2. Лицензиялашнинг асосий вазифаси
3. Лицензиялашнинг асосий тамойиллари
4. Давлат лицензиялаш тизимининг асосий таркибий қисмлари
5. Ўзбекистон Республикасида Фармацевтика фаолиятини лицензияладиган турлари.
6. Лицензия талаблари ва шартлари.
7. Лицензияловчи органга тақдим этиладиган ҳужжатлар.

Таянч иборалар: *лицензия, лицензия тамойиллари, лицензия битими, лицензия талаблари ва шартлари.*

лицензияловчи орган фармацевтика фаолиятининг ҳар бир турига лицензиялар реестрини алоҳида юритади. Унда қўйидагилар кўрсатилиши керак:

- а) лицензиатлар тўғрисидаги асосий маълумотлар;
- б) лицензияладиган фаолият тури амалга ошириладиган манзил, иш телефони, факс;
- в) лицензияларнинг берилган санаси ва тартиб рақами;
- г) лицензияларнинг амал қилиш муддати;
- д) лицензияладиган фаолият тури;
- е) лицензияларни қайта расмийлаштириш асослари ва санаси;
- ж) лицензияларни бекор қилишнинг асослари ва санаси.

лицензиялар реестридан маълумот берилганлиги учун энг кам ойлик иш ҳақининг ярим миқдоридаги тўлов лицензияловчи орган ҳисоб рақамига ўтказилади.

2.1. Лицензиялаш кенгаши ишини тартибга солувчи меъёрий ҳужжатлар.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 7 апрел 2010 йилдаги ПҚ - 1319-сонли «Тибиёт ва Фармацевтика фаолиятини лицензиялашни тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори

ЎзР ССВ нинг 2010-йил 11-июндаги 182-сонли “Фармацевтика фаолиятини лицензиялаш тартибини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги буйруғи.

ЎзР ВМ нинг 13-май 2010-йилдаги 91-сонли “Фармацевтика фаолиятини лицензиялаш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисидаги қарори”

ЎзР Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 24.12.2003 йил 565-сонли “Лицензиялаш масалаларини ҳал этиш учун зарур бўлган айрим ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида”ги буйруғи. 1996 йилнинг 29 августида Ўзбекистон Республикасининг “Фуқаролар соғлиғини сақлаш тўғрисида”ги қонуни қабул

қилиниб, унда илк бор фармацевтика фаолияти янгради, ҳамда ушбу қонуннинг 11-моддасида соғлиқни сақлаш корхоналари, муассасалари ва ташкилотлари, шунингдек жисмоний шахслар лицензияга эга бўлган тақдирдагина таъобат ва фармацевтика фаолияти билан шуғулланиши белгиланди.

1997 йилнинг 25 апрелида Ўзбекистон Республикасининг “Дори воситалари ва фармацевтика фаолияти тўғрисида”ги қонуни қабул қилиниб, унинг 2-моддасида илк бор фармацевтика фаолиятига таъриф берилган ва 7, 8, 12, 13-моддалари орқали лицензия мавжуд бўлгандагина амалга оширилиши лозим бўлган фармацевтика фаолиятининг турлари тартибга солинган.

2000 йилнинг 25 майида қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг “Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида”ги 71-ИИ-сонли қонуни лицензиялашни амалга ошириш тамойиллари, лицензияланадиган фаолият турларини аниқлаш ва бошқа мезонларни белгилаган ҳолда, лицензиялашнинг механизмини очиб берди.

Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 25 майида қабул қилинган “Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида”ги ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикасининг 2011 йил 7 сентябрдаги Қонуни.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 2001 йил 12 майдаги 222-ИИ-сонли қарори билан лицензияланиши лозим бўлган фаолият турлари аниқланган.

Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йилнинг 28 июнида “Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунини амалга ошириш чора-тадбирлари ҳақида”ги 236-сонли қарори

Соғлиқни сақлаш вазирлигига қуйидаги фаолият турларини лицензиялаш юклатилди:

- тиббий фаолият;
- фармацевтика фаолияти;
- гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларнинг айланмаси билан боғлиқ фаолият.

Лицензиялаш тўғрисидаги қонуннинг 5-моддасини амалга ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 31 октябрдаги “Тиббий фаолиятни ва фармацевтика фаолиятини лицензиялаш тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш ҳақида”ги 477-сонли қарори қабул қилиниб, унда фармацевтика фаолиятини лицензиялаш тартиби аниқ белгилаб берилган.


Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш ва давлат хизматларини кўрсатиш билан боғлиқ тартиботларни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2014 йил 15 апрелдаги ПҚ-2164-сонли қарори

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 17 июлдаги 196-сонли қарори

2.2. Лицензиялашнинг асосий вазифаси



2.3. Лицензиялашнинг асосий тамойиллари



2.4. Давлат лицензиялаш тизимининг асосий таркибий қисмлари



2.5. Ўзбекистон Республикасида фармацевтика фаолиятини лицензияладиган турлари.



2.6. Лицензия талаблари ва шартлари.

Фармацевтика фаолиятини амалга оширишда қўйиладиган лицензия талаблари ва шартлари:

1. Фармацевтика фаолиятни тўғрисидаги қонун ҳужжатларига қатъий риоя этиш;
2. Фаолиятни лицензияда кўрсатилган фаолият доирасида, шунингдек лицензия битимига мувофиқ манзил (манзиллар) бўйича амалга ошириш;
3. Лицензиат лицензияланаётган фаолиятни амалга ошириш унга мулк ҳуқуқи билан ёки бошқа қонуний асосда тегишли санитария нормалари ва қоидаларига мувофиқ биноларга эга бўлиши;
4. Лицензияланадиган аниқ фаолият турини амалга ошириш учун шарт-шароитлар яратиш, шу жумладан тегишли моддий-техник базадан, асбоб-ускуналардан ва бошқа техник воситалардан фойдаланиш;

2.7. Лицензияловчи органга тақдим этиладиган ҳужжатлар.

* Лицензияловчи органга тақдим этиладиган ҳужжатлар

- * лицензия бериш тўғрисида ариза (унда қуйидагилар кўрсатилади: **юримдик шахслар учун** - юридик шахснинг номи ва ташкилий-хуқуқий шакли, унинг жойлашган жойи (почта манзили, муассасанинг, банкнинг номи ва банк муассасасидаги ҳисоб рақами); **жисмоний шахслар учун** - фиш, фуқаронинг шахсини тасдиқловчи ҳужжат маълумотлари.)
- * Юридик шахснинг давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг нотариал тасдиқланган нусхаси.
- * лицензия бериш тўғрисидаги ариза кўриб чиқилганлиги учун йиғим тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжат;
- * Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан белгиланган талабларга мувофиқ моддий-техника базаси, асбоб-ускуналар, бошқа техник воситалар ва ходимларнинг мавжудлиги тўғрисида маълумотнома;

3-мавзу. ДОРИХОНА МУАСССАЛАРИГА ФАРМАЦЕВТИК ФАОЛИЯТИГА ЛИЦЕНЗИЯ БЕРИШ.

Режа

1. Лицензия битими
2. Лицензия битими талабларига риоя этилишини назорат қилишда лицензияловчи орган ваколатлари
3. Лицензияловчи органларнинг ваколатлари
4. Лицензиат ваколатлари
5. Аризаларни кўриб чиқиш.
6. Лицензиянинг амал қилиш муддатини узайтириш, дубликат бериш.
7. Лицензиялар реестри.
8. Лицензия берилганлиги учун давлат божи тўлаш тартиби.

Таянч иборалар: *лицензия, лицензия битими,, лицензиат ваколатлари, реестр, давлат божи.*

3.1.Лицензия битими.

Мазкур хужжат лицензияловчи орган ва лицензиатнинг ўзаро ҳуқуқлари ва мажбуриятларини белгиловчи хужжат бўлиб, қуйидагиларни ўз ичига олади:

- * битимни имзолаган шахсларнинг фамилияси, исми, отасининг исми, эгаллаб турган лавозими;
- * амалга оширилишига лицензия берилаётган фармацевтика фаолияти тури (унинг бир қисми)нинг номи;
- * дорихона муассасаси мудир (раҳбари)нинг фамилияси, исми, отасининг исми;
- * лицензиатга қўйиладиган лицензия талаблари ва шартлари;
- * лицензияланадиган фаолият тури (унинг бир қисми) амалга ошириладиган манзил (манзиллар);
- * лицензия талаблари ва шартлари бузилганлиги учун томонларнинг жавобгарлиги;
- * лицензиат томонидан лицензия битими талаблари ва шартлари бажарилишини лицензияловчи орган томонидан назорат қилиш тартиби;
- * Фармацевтика фаолияти хусусиятларига тааллуқли бошқа шартлар;
- * томонларнинг реквизитлари.
- * Лицензия битими талабларига риоя этилишини назорат қилишда лицензияловчи орган ваколатлари
- * Лицензияловчи органларнинг ваколатлари
- * Лицензиат ваколатлари
- * Аризаларни кўриб чиқиш.
- * Лицензиянинг амал қилиш муддатини узайтириш, дубликат бериш.
- * Лицензиялар реестри.
- * Лицензия берилганлиги учун давлат божи тўлаш тартиби.

3.2.Лицензия битими талабларига риоя этилишини назорат қилишда лицензияловчи орган ваколатлари

- қонун ҳужжатларига мувофиқ фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш;
- лицензияларни қайта расмийлаштириш;
- лицензияларнинг амал қилишини 10 кунгача тўхтатиб туриш;
- лицензиятнинг аризаси асосида лицензияларнинг амал қилишини тугатиш;
- лицензиялар реестрини юритиш;
- лицензияланаётган фаолият турини амалга оширишда тегишли лицензия талаблари ва шартларига лицензиятларнинг риоя этилишини назорат қилиш.

3.3.Лицензиат ваколатлари

- фаолиятни амалга оширишда фармацевтика тўғрисидаги қонун ҳужжатларига қатъий риоя этиш;
- фаолиятни лицензияда кўрсатилган фаолият доирасида, шунингдек лицензия битимига мувофиқ манзил бўйича амалга ошириш;
- лицензия талабгори лицензияланаётган фаолиятни амалга ошириш унга мулк ҳуқуқи билан ёки бошқа қонуний асосда тегишли санитария меъёрлари ва қоидаларига мувофиқ биноларга эга бўлиши;
- Лицензияланадиган аниқ фаолият турини амалга ошириш учун шарт-шароитлар яратиш, шу жумладан тегишли моддий-техник базадан, асбоб-ускуналардан ва бошқа техник воситалардан фойдаланиш;
- дори-дармон воситалари ва тиббиёт буюмларини ишлаб чиқариш, тайёрлаш, сотиш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тасдиқланган норматив ҳужжатлар талабларига риоя қилиш;
- экология ва санитария-гигиена меъёрлари ва қоидаларига риоя этиш.
- дори-дармон воситаларини тайёрлашда литсензиат шунингдек дори-дармон воситаларини таҳлил қилиш учун ваколатли назорат-таҳлил лабораторияси билан шартнома тузишга мажбурдир.

3.4.Аризаларни кўриб чиқиш.

- * Ариза кўриб чиқилганлиги учун лицензия талабгоридан қонун ҳужжатларида белгиланган энг кам ойлик иш ҳақининг 2 баравари миқдорида йиғим ундирилади. Йиғим суммаси лицензияловчи органнинг ҳисоб рақамига ўтказилади. Лицензия талабгори берилган аризадан вос кечган тақдирда тўланган йиғим суммаси қайтариб берилади.
- * Барча ҳужжатлар ариза билан бирга улар олинган кунда эксперт комиссияга кўриб чиқиш учун киритилади (15 кун муддатда кўриб чиқади). Комиссия лицензия бериш ёки рад этиш тўғрисида эксперт хулосаси тайёрлайди.
- * Лицензияловчи орган 5 кун муддатда эксперт комиссия хулосаси асосида лицензия бериш ёки рад этиш тўғрисида қарор қабул қилади.
- * Лицензия беришга қарор қилинганлиги тўғрисидаги билдиришнома лицензия талабгорига банк ҳисоб рақами реквизитлари ва давлат божи тўлаш муддатлари кўрсатилган ҳолда ёзма шаклда топширилади.

- * Давлат божи тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжат тақдим этилгандан ва лицензия битими имзоланганидан кейин 3 кун муддатда берилади.
- * Лицензия қайта расмийлаштирилган ёки филиал очилган тақдирда лицензия битимига ўзгартириш ёки қўшимчалар киритилади ёхуд янги лицензия битими тузилади.
- * Битим 2 нусхада лицензиат ва лицензияловчи орган учун 1 нусхадан тузилади.
- * Лицензиялар махсус бланкаларда расмийлаштирилади. улар қатъий ҳисобда турадиган ҳужжатлар ҳисобланади. ҳисобга олиш сериясига, тартиб рақамига ва ҳимояланганлик даражасига эга бўлади.

*** 3.5.Лицензиянинг амал қилиш муддатини узайтириш, дубликат бериш.**

- Лицензияни қайта расмийлаштиришда лицензия талабгорининг лицензия бериш тўғрисидаги аризаси кўриб чиқилганлиги учун тўланадиган сумманинг ярим миқдорида йиғим ундирилади.
- Лицензиянинг амал қилиш муддати тугагандан кейин лицензияни узайтириш мумкин.
- Лицензия йўқотиб қўйилган ёки у яроқсиз ҳолга келиб қолган тақдирда дубликат берилади. Дубликат олиш учун ариза ва лицензия йўқотиб қўйилганлигини тасдиқловчи ҳужжат билан мурожаат қилади, йиғим суммасининг ярим миқдорида тўлов тўланганлиги тўғрисидаги квитанция тақдим этилади.

3.6.Лицензиялар реестри.

- * лицензияловчи орган фармацевтика фаолиятининг ҳар бир турига лицензиялар реестрини алоҳида юритади. Унда қўйидагилар кўрсатилиши керак:
- * а) лицензиатлар тўғрисидаги асосий маълумотлар;
- * б) лицензияладиган фаолият тури амалга ошириладиган манзил, иш телефони, факс;
- * в) лицензияларнинг берилган санаси ва тартиб рақами;
- * г) лицензияларнинг амал қилиш муддати;
- * д) лицензияланадиган фаолият тури;
- * е) лицензияларни қайта расмийлаштириш асослари ва санаси;
- * ж) лицензияларни бекор қилишнинг асослари ва санаси.
- * лицензиялар реестридан маълумот берилганлиги учун энг кам ойлик иш ҳақининг ярим миқдоридаги тўлов лицензияловчи орган ҳисоб рақамига ўтказилади.

3.7.Лицензия берилганлиги учун давлат божи тўлаш тартиби.

Фармацевтика фаолиятини амалга оширишга лицензия берилганлиги ёки унинг амал қилиш муддати узайтирилганлиги учун энг кам ойлик иш ҳақининг 10 баравари миқдорида давлат божи ундирилади.

* Давлат божи суммаси Республика бюджетига йўналтирилади.

Назорат саволлари

1. Лицензиялаш кенгаши ишини тартибга солувчи меъёрий ҳужжатлар.
2. Лицензиялашнинг асосий вазифаси
3. Лицензиялашнинг асосий тамойиллари
4. Давлат лицензиялаш тизимининг асосий таркибий қисмлари
5. Ўзбекистон Республикасида Фармацевт ика фаолиятини лицензияладиган турлари.
6. Лицензия талаблари ва шартлари.
7. Лицензияловчи органга тақдим этиладиган ҳужжатлар.

Фойдаланган адабиётлар

1. Тошмухамедов ЭР., Зайнутдинов Х.С. ва бошқалар “Фармацевт ика ишини ташкил қилиш” Тошкент-2007, 221- бет.
3. ЎзРССВнинг 2010-йил 11-июндаги 182-сонли “Фармацевт ика фаолиятини лицензиялаш тартибини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги буйруғи.
4. ЎзР ВМнинг 13-май 2010-йилдаги 91-сонли “Фармацевт ика фаолиятини лицензиялаш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисидаги қарори ”.
5. Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш газетаси, 2012 йил 14 декабрь, №50 (915), 4-бет.

4-мавзу: ТУРЛИ МУЛКЧИЛИКДАГИ ДОРИХОНАЛАР ИШИНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ

Режа:

1. Фармацевтик фаолият хақида тушунча.
2. Дорихонанинг вазифалари.
3. Хусусий дорихона муассасалари, уларнинг вазифалари.
4. Акциядорлик дорихона муассасалари, уларнинг вазифалари.
5. Акция, унинг турлари.
6. Фармацевтик ходимларнинг лавозим номенклатураси
7. Дорихонадаги бўлимлар.
8. Дорихона шахобчалари.

Таянч иборалар: *фармацевтик фаолияти, хусусий дорихона, акция, акциядор дорихона, дорихона шахобчаси.*

4.1. Фармацевтик фаолият хақида тушунча.



Ўзбекистон Республикасида «Дори воситалари ва Фармацевтика фаолияти тўғрисида»ги Қонун 1997 йил 25 апрелда Олий Мажлис томонидан қабул қилинган. Шу қонунга асосан фармацевтик фаолият билан шуғулланиш фақатгина олий маълумотли фармацевтгагина рухсат этилади.

Фармацевтик фаолият – бу

Фармацевтик фаолият – бу



4.2.Дорихонанинг вазифалари.

Аҳолини ва ДПМ ларни дори воситалари билан таъминлаш ишларини турли дорихона муассасалари олиб боради. Дорихона муассасаларига дорихоналар, дорихона шахобчалари, тиббиёт техникаси магазинлари, оптика магазинлари, дорихона омборлари, тиббиёт техникаси базалари киради.

Дорихона соғлиқни сақлаш муассасаси ҳисобланиб, унинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

- аҳолини ва ДПМларни, бошқа ташкилотларни дори-дармонлар, тиббиёт техникаси буюмлари, санитария-гигиена буюмлари, беморни парвариши учун ишлатиладиган буюмлар, боғлов материаллари, дезинфекция воситалари ва бошқа буюмлар билан таъминлаш;
- аҳолидан қабул қилинган рецептлар асосида дорилар тайёрлаш, уларни сифатини назорат қилиш;
- рецептсиз беришга рухсат этилган дори воситаларини (санитария гигиена буюмлари, беморлар парвариши учун ишлатиладиган буюмлар, шифобахш сувлар, дезинфекция воситалари) билан савдо қилиш;
- ўзига бириктирилган ДПМларни дори воситалари, тиббиёт мақсадида ишлатиладиган буюмлар билан таъминлаш;
- шифокор ва бошқа тиббиёт ходимларига дори дармонлар, уларнинг қўлланилиши, уларни ўрнини босувчи дори воситалари тўғрисида ахборот бериш;
- зарурат туғилганда аҳолига биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш



4.3.Хусусий дорихона муассасалари, уларнинг вазифалари.

Хусусий дорихона фаолиятида кўзланган мақсад Ўзбекистон Республикаси аҳолиси ҳамда соғлиқни сақлашни ривожлантириш ва такомиллаштиришдан иборатдир.

Хусусий дорихона юридик шахс ҳисобланади, мустақил балансига, банкларда ҳисоб рақамига эга бўлади. дорихона ўз фаолиятдан кўзланган мақсадларга эришиш учун ўз номидан битимлар олиб бориши, мулк хуқуқга эга бўлиши ҳамда ўз зиммасига мажбуриятлар олиши, судда, давлат арбитражида ва ҳакамлик судида даъвогар ва жавобгар бўлиш хуқуқига эга. дорихона ўзига тегишли мулк эгасидир.

Дорихона ўзининг асосий мақсадини рўёбга чиқариш учун фаолиятнинг қуйидаги турларини амалга оширади:

- юқори сифатли дори-дармонлар, тиббиёт буюмлари, зардоблар, вакциналар, доривор ўсимликлар, тиббиёт техникаси ва оптика буюмлари ва гигиена ашёлари, болалар озиқ-овқат маҳсулотлари ва витаминга бой маҳсулотлар билан таъминлаш;
- уларни ишлаб чиқариш, сотиш шу жумладан бепул рецептлар бўйича аҳолини дори-дармон билан таъминлаш.

1. Дорихоналарни хусусийлаштириш тадбиркорликни ривожлантириш шахсий маблағни жалб қилиш асосида аҳоли ва соғлиқни сақлаш муассасаларининг дори воситалари ва тиббиёт ашёларига бўлган талаб ва эҳтиёжини тўлароқ қондириш мақсадида амалга оширилади.

2. Хусусийлаштирилган дорихона фармацевтик фаолият билан шуғулланишга мажбур. Шу билан бирга бошқа Ўзбекистон Республикаси қонунлари ман қилмаган фаолият турлари билан шуғулланиш ҳуқуқига эга.

3. Дорихонага, ҳокимиятга давлат ордери берилгандан сўнг у юридик шахс мақомига эга бўлади. у устав фондини ташкил этувчи асосий ва оборот маблағларига, банклардаги ҳисоб рақамига, ўз номи ва бошқа белгилари кўрсатилган муҳр ва штампга эга бўлади.

4. Асосий мақсадни бажаришда дорихона қуйидаги фаолият турлари билан шуғулланади: юқори сифатли дори-дармонлар ишлаб чиқиш ва тиббий ашёлар, техника асбоблари ва кўзойнақлар, атир упа ва пардозлаш ашёлари, санитария ва гигиена воситалари, болалар овқатлари витаминлаштирилган овқат маҳсулотлари билан таъминлаш.

5. Дорихоналарда захарли ва гиёҳванд дориларни ишлаб чиқариш, қабул қилиш, сақлаш ва сотиш маън қилинади.

6. Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигига биноан дорихоналарга қуйидаги фаолиятлар билан шуғулланиш ҳуқуқи берилади: Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги тарафидан ишлатишга рухсат этилган ўз ва хорижий дори воситаларини келтиришга корхона, ташкилот, муассаса, чет эл фирмалари, юридик ва жисмоний шахслар билан шартнома ва контрактлар тузиш.

7. Дорихонада таъминотчидан дори воситаларини, тиббиёт ашёларини таъминотчи билан келишилган шартнома нархида қабул қилиб, аҳолига эркин келишилган, белгиланган устама нарх қўйиб (агар шартномада бошқа нарх белгиланмаса) сотади ва хизмат кўрсатади.

8. Савдодаги дори воситаларининг ва тиббиёт ашёларининг сифатига дорихона эгаси жавоб беради.

9. Дорихоналарда тайёрлаб сотиладиган ва тайёр олинган дорилар сифатининг назорати давлат дори-дармон акциядорлик жамиятининг марказий ёки ҳудудий назорат таҳлил лабораториялари тарафидан ўтказилади.

10. Дорихонанинг фойдаси қуйидагилардан ташкил топади: дориларни, бошқа ман этилмаган товарларни сотиш ва хизмат қилишдан; бюджетдаги

тиббий ташкилотлардан бепул дори бериш эвазига ўтказилган пул маблағларидир.

11. Тегишли солиқ ва мажбурий тўловлар чегирилгандан сўнг фойдани дорихона ўз ихтиёрига биноан сарфлайди.

12. Дорихона эгаси билан хизматчилар ўртасидаги меҳнат муносабати мавжуд қонунчиликка асосан тузиладиган шартнома ёки битимга асосланади.

13. Дорихона ўз фаолияти юзасидан ҳисоб олиб бориб тегишли ташкилотларга қонунчилик билан белгиланган тартибда бухгалтер ҳисоботини топширади.

14. Дорихона фаолияти Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ келишув шартномада белгиланган тартибда тўхтатилади.

15. Дорихонани тугатиш мавжуд қонунлар асосида амалга оширилади.

4.4. Акциядорлик дорихона муассасалари, уларнинг вазифалари.

Акциядорлик дорихоналари ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари, ҳамда уларнинг фаолиятини бошқарувчи норматив ҳужжатларига амал қилган ҳолда олиб боради. дорихоналарнинг ўз меҳнат жамоалари, ҳиссадор, жамоа оилавий, хусусий дорихоналар акциядорлик дорихоналари иштирокчиси бўлиши мумкин. Акциядорлик дорихоналари ўз ишлаб чиқариш ҳўжалик ва савдо фаолиятини тўла ҳўжалик ҳисоби асосида амалга оширадилар.

Акциядор дорихоналарнинг асосий мақсади аҳолининг ва соғлиқни сақлаш муассасаларининг дори-дармон, ҳамда тиббий мақсаддаги буюмларга бўлган эҳтиёжини тўла қондиришдан иборатдир. Акциядорлик дорихоналар шартномада белгиланган бутун муддатда ишлаб чиқариш, ҳўжалик ва савдо фаолияти йўналишини ўзгартирмаслиги даркор.

Акциядорлик дорихоналарнинг асосий вазифалари: дорихона муассасаларини дори-дармон билан тўла таъминлаш; аҳолини ва Соғлиқни сақлаш муассасаларини тадбиркорликни ривожлантириш асосида дорилар билан таъминлаш даражасини ошириш.

Акциядорлик дорихоналарининг низомий жамғармаси давлат тасарруфидан чиқарилган дорихона мулкининг баҳоланадиган қиймати асосида белгиланади. Уни тузиш тўғрисидаги таъсис шартномаси низом таъсис ҳужжатлари бўлиб хизмат қилади. Таъсис ҳужжатларида ташкил қилинаётган юридик шахс, унинг мақсади ва фаолияти предмети, иштирокчилар таркиби номи ва манзилгоҳи, ҳар бир иштирокчига тегишли ҳисса (пай, акция) миқдори даромадни тақсимлаш ва зиёни қоплаш тартиби, бошқарув тузилмаси, мулк суммаси, уни сотиб олиш тартиби ва муддати тўғрисидаги маълумотлар акс эттирилади.

Акциядорлик жамияти ҳиссадорлар реестрини олиб боради, унда акциялар миқдори ва тури олинган вақти, акциядорнинг фамилияси, исми, отасининг исми олинган акциянинг номинал бўйича жами қиймати кўрсатилади. Давлатга тегишли акциялар бўйича дивидентлари башарти таъсис

хужжатларида, дори-дармон республикада дорихоналар бошқармалари учун белгилаб қўйилган ва амал қилиб турган тартибда сотилади.

Акциядорлик дорихоналар ходимлар ёллаш ва ишдан бўшатиш, иш кунли тартиби иш сменалилигини меҳнат тўғрисидаги қонунларга мувофиқ белгилайдилар. Акциядорлик дорихоналар давлат суғурта жамғармасига ҳамда пенсия фондига амалдаги қонунларда белгиланган тартибда ва миқдорда маблағ ажратишга мажбурдир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “фонд бозорини янада ривожлантириш ва давлат мулки асосида ташкил этилган акциядор жамиятларни қўллаб-қувватлаш чоралари тўғрисида”ги фармонида биноан қимматли қоғозлар муомаласи деганда қимматли қоғозларни тасарруф этиувчиларни алмашишга олиб келувчи, уларни олди-сотди ва бошқа харажатлари тушунилади.

4.5.Акция, унинг турлари.

Акция – акциядор жамиятни бошқаришда, жамиятнинг фойдасида ва жамият тугатилганда мулк қолдиғини тақсимлашда қатнашиш ҳуқуқини берувчи акциядор жамиятининг устав капитали (фонди)га қўшилган маблағни тасдиқловчи қимматли қоғоздир. Акция ҳаракат муддатига эга эмас ва у акциядор жамиятининг фаолияти давомида ҳаракатда бўлади.

Акция акциядорлик дорихона иштирокчиси эканлиги тўғрисида далолат беради ҳамда унинг фойдасидан ҳисса олишга имкон яратади.

Давлат корхоналари асосида ташкил қилинган очиқ типдаги акциядор жамиятларининг акцияларини рўйхатга олиш ва муомалага чиқариш тартибига биноан хужжат сифатида акция қуйидаги реквизитларга эга бўлиши керак: акциядор жамиятнинг номи ва жойлашган жойи, қимматли қоғознинг номи – “акция”, унинг тури (оддий ва имтиёзли), тартиб номери, чиқарилган сана, номинал қиймати, чиқариладиган акцияларнинг миқдори, рўйхатга оладиган орган томонидан берилган акциянинг коди, дивидентларни тўлаш муддати, акциядор жамияти бошқарувининг раиси ва бош бухгалтерининг имзолари, устав капиталининг ҳажми.

Сотиб олинган акциялар учун юридик ва жисмоний шахслар томонидан пул миллий ва хорижий валюталарда, шунингдек асосий воситалар, номоддий ва бошқа активларни қўшиш йўли билан тўланиши мумкин.

Шахсини белгилаш усулига қараб исми ёзилган ва кўрсатувчига берилган акцияларга бўлинади. исми ёзилган акцияларда мулкдорнинг махсус дафтарида рўйхатга олинади. Бу ўз навбатида кимда қанча ва қандай акциялар борлигини аниқлаш имкониятини беради.

Кўрсатувчига берилган акцияларда мулкдорнинг исми кўрсатилмайди, натижада жамият ўзининг пайчилари тўғрисида ахборотга эга бўлмайди. муомала нуқтаи назаридан кўрсатувчига берилган акция афзалроқдир.

Акция эгалари берилган ҳуқуқлар ҳажмига қараб акциялар оддий ва имтиёзлига бўлинади.

Оддий (овоз бериш ҳуқуқи билан) акциялар акциядор жамиятини бошқаришда қатнашиш, ҳисобот даври тугаганда акциядорлар мажлиси

томонидан аниқланадиган миқдорда дивидент олиш ва жамият фаолиятининг молиявий натижаларини аниқлаш ҳуқуқини беради (дивидент бу ҳар бир акцияга тўғри келадиган ва акциядорлар орасида тақсимланадиган фойданинг бир қисмидир).

Имтиёзли (овоз бериш ҳуқуқисиз) акциялар акциядор жамиятини бошқаришда қатнашиш ҳуқуқини бермайди, лекин корхона ўз фаолиятини фойда билан якунламаганда ҳам биринчи навбатда қатъий белгиланган миқдорда дивидент олиш ҳуқуқини беради. Бундай ҳолларда корхона резерв фондидаги маблағлардан фойдаланади.

Имтиёзли акцияларни чиқариш акциядор жамиятига ўз маблағларини жалб қилиш йўли билан устав капиталини кўпайтириш имкониятини беради.

4.6. Фармацевтик ходимларнинг лавозим номенклатураси

Дорихона фаолиятини бошқариш олий фармацевтика маълумоти ва етарли мутахассислик малакасига эга бўлган шахсларга рухсат этилади.

Дорихона штати 2 та гуруҳга бўлинади:

1. Маъмурий бошқарувчи ва хўжалик хизматчилар (мудир-фармацевт, мудир муовинлари, - фармацевт, бош бухгалтер, бухгалтер, ҳисобчи, иқтисодчи, бош кассир, кассир, хўжалик бўлими бошлиғи)

2. Фармацевт ва ёрдамчи ходимлар. (фармацевтлар ва уларнинг ёрдамчилари, фармацевтлар (провизорлар) – бўлим бошлиғи, бўлим бошлиғи муовинлари, фармацевт-ассисентлар, филиал сотувчиси, рецептсиз савдо бўлими бошлиғи, қадоқловчи, санитарка ювувчи, автомобиль хайдовчиси.

4.7. Дорихонадаги бўлимлар.

Дорихона ходимлари сони дорихона иш хажмига қараб белгиланади.

Дорихоналарда 4 та мустақил бўлим ташкил этилади.

1. Рецепттура бўлими.
2. Тайёр дорилар бўлими.
3. Рецептсиз савдо бўлими.
4. Заҳиралар бўлими

бу бўлимлардан ташқари яна бир қатор бўлимлар ташкил этилиши мумкин: фитобар, оптика, тижорат ва бошқалар.

4.8. Дорихона шахобчалари.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2002 йил 27 декабрдаги 576-сонли буйруғига асосан, қишлоқ аҳолисини, айниқса тоғли ўлка – худудида жойлашган қишлоқдагиларни дори воситалари ва тиббиёт буюмлари билан таъминлашни яхшилаш мақсадида қишлоқ врачлик пунктида дорихона шахобчаларини очиш мақсадга мувофиқдир.

Дорихона шахобчасининг асосий вазифаси аҳолига тайёр дори воситалари, санитария – гигиена ва беморлар парваришида қўлланиладиган буюмлар, доривор гиёҳлар, боғлов материаллари ва бошқа тиббиёт буюмларини сотишдан иборатдир.

Қишлоқ врачлик пунктидаги дорихона шахобчаси фармацевтик фаолият юритиш учун лицензия берувчи ваколатли орган ва тармоқни дори воситалари билан таъминловчи дорихона ўртасида тузиладиган лицензия шартномаси асосида ташкил қилинади.

Қишлоқ врачлик пунктидаги дорихона шахобчалари ташкил қилиниши ҳудудий соғлиқни сақлаш бўлимлари зиммасига юклатилади.

Дорихона шахобчасининг ташкил қилиниши ва унинг иш тартиби қуйидагилар билан белгиланади:

- дорихона шахобчаси учун (бошқа ёрдамчи хоналар қишлоқ врачлик пунктининг таркибида борлигини ҳисобга олган ҳолда) 2-3 минг аҳолига хизмат кўрсатадиган қишлоқ врачлик пунктларида майдон 6 кв. метрдан 4-5 минг аҳолига хизмат кўрсатадиган қишлоқ врачлик пунктида майдони 8 кв метрдан кам бўлмаган тайёр дори воситаларини сотиш хонаси ажратилади.
- дорихона шахобчаси ўз фаолиятини юритиш учун керакли жихозлар (шкаф, витрина, стеллаж, музлатгич, стол, стул ва ҳ.к.) билан жихозланиши ҳамда тегишли қўлланма ва буйруқлар билан таъминланиши лозим;
- дорихона шахобчасининг мудир лавозимига қишлоқ врачлик пункти ходимлари таркибидаги ўрта тиббиёт маълумотли шахс (ўриндошлик асосида) ёки шахобчани таъминловчи хўжалик ҳисобидаги дорихона ходими тайинланиши мумкин;
- дорихона шахобчасининг мудир ҳудудий соғлиқни сақлашнинг бўлими ҳамда дорихона шахобчасининг дори воситалари ва тиббиёт буюмлари билан таъминловчи хўжалик ҳисобидаги дорихона ўртасидаги келишувга мувофиқ буйруқ асосида тайинланади;
- дорихона шахобчасининг мудир қишлоқ врачлик пункти ходимларидан тайинланса, туман соғлиқни сақлаш бўлимининг кафолат хатига биноан дорихона шахобчасининг мудир ва таъминловчи дорихона мудир ўртасида моддий жавобгарлик тўғрисидаги шартнома тузилади. бу ҳолда дорихона шахобчасини тайёр дори воситалари, боғлов материаллари ва бошқа тиббиёт буюмлари билан дорихона томонидан таъминланиши туман соғлиқни сақлаш бўлими билан тузилган шартнома асосида амалга оширилади;
- дорихона шахобчасининг мудир унга берилган барча товар – моддий бойликларга тўлиқ моддий жавобгар ҳисобланади, ҳамда, белгиланган тартибда ва муддатда дорихонага ойлик топширади.

Дорихона шахобчаси ўзининг асосий вазифаларини бажаришда қуйидагиларга амал қилиши лозим:

- аҳолига сифати кафолатланган ва Ўзбекистон Республикасида тиббиёт амалиётида қўллашга рухсат этилган дори воситалари ва тиббиёт буюмларини сотиш;
- Ўзбекистон Республикасининг “Дори воситалари фармацевтика фаолияти тўғрисида”ги, “Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш

тўғрисида”ги қонунларига ва бошқа амалдаги меъёрий ҳужжатлар билан белгиланган қоидаларга риоя қилиш.

Назорат саволлари

1. Фармацевтик фаолият ҳақида тушунча.
2. Дорихонанинг вазифалари.
3. Хусусий дорихона муассасалари, уларнинг вазифалари.
4. Акциядорлик дорихона муассасалари, уларнинг вазифалари.
5. Акция, унинг турлари.
6. Фармацевтик ходимларнинг лавозим номенклатураси
7. Дорихонадаги бўлимлар.
8. Дорихона шахобчалари.

Фойдаланилган адабиётлар

1. ЎзР ССВнинг 2004 йил 30.06 даги 304 сонли буйруғи “Дорихона муассасаларининг моддий техника базаси, асбоб ускуналари, бошқа техник воситалари ва ходимларига бўлган талаблар. Асосий ҳолатлар” тармоқ стандартини тасдиқлаш ҳақида.
2. ЎзР ССВнинг 2007 йил 17.09даги 412 сонли “Шифохоналар, клиникалар ва диспансерлар ҳудудида хусусий дорихоналар фаолиятини тақиқлаш тўғрисида”ги буйруғи.
3. СанПиН №0243-07 Санитарные правила и нормы устройства аптек и их филиалов по реализации готовых лекарственных средств и изделий медицинского назначения. Ташкент 2008 год
4. ЎзР Ссвнинг 27 декабр 2002 йилдаги “Қишлоқ врачлик пунктида дорихона шахобчасини ташкил қилиш тўғрисида”ги 576- сонли буйруғи.
5. Санитарные правила и нормы устройства, оборудования и эксплуатации складских помещений хранения лекарственных средств и изделий медицинского назначения. СанПиН РУз № 0319-15, Ташкент 2014

5-мавзу: ДОРИ ВОСИТАЛАРИ РЕЦЕПТСИЗ САВДОСИНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ

Режа:

1. Отс — воситалар тизими, рецептсиз сотиладиган воситаларга қўйилган асосий талаблар.
2. Дори воситаларини рецептсиз бериш ва дорихона ассортименти фармацевтик васийлик, штрих кодлаш тизими

Таянч иборалар: *ОТС, АТС туркумланиш тизими, васийлик.*

5.1. Отс — воситалар тизими. Рецептсиз сотиладиган воситаларга қўйилган асосий талаблар

- Отс воситалар.
- шифокор рецептсиз сотиладиган дори воситалар гуруҳидир. Буюк Британияда бундай дорилар икки категорияга бўлинади — фақат дорихона орқали сотиладиган ва умумий савдо тармоғи орқали сотиладиганлар гуруҳи.
- Рецептсиз сотиладиган воситалар бозори 1970- йилларда АҚШ, Буюк Британия ва бошқа ғарбий Европа давлатларида фаол ривожлана бошлаган эди. Отс воситалар бозорини вужудга келишининг қуйидаги асосий сабабларини айтиб ўтиш лозим:
- — умумтерапевтик тажрибада ишлатиладиган воситаларни чиқарилиш шакллари ва ассортиментларини кенгайтиши (гиёҳванд бўлмаган аналгетиклар, яллиғланишга қарши
- ностероид воситалар, витаминлар ва бошқалар);
- — тиббий хизматларни, шифокорга ташрифни қимматлаштириши, диагностика, рецептларни ёзиб
- беришга тўловлар ва бошқалар;
- — ижтимоий умумтаълим даражасини ўсиши ва аҳолининг бандлигини ҳамда шахсий соғлиққа бўлган масъулиятни ошиши.
- турли давлатларда рецептсиз сотиладиган дориларга талаблар турлича, аммо улар орасида қуйидаги фармакотерапевтик, маълумот, иқтисодий ва информацион талабларни ажратиш мумкин

Отс воситаларга умумий талаблар.

1. фармакотерапевтик
2. маълумот.
3. иқтисодий.
4. информацион.



5.2.Дори воситаларини рецептсиз бериш ва дорихона ассортименти, фармацевтик васийлик, штрих кодлаш тизими

Рецептсиз дориларни бериш (дунё бўйича атама қабул қилинган (Over the counter drugs) дорихона асосини ташкил этади. Тиббий буюмлар ҳам дорихона ассортиментида муҳим ўрин тутати: боғлов материаллари, касалларни парвариш қилишда ишлатиладиган буюмлар, парафармацевтик воситалар, минерал сувлар, кўзойнакли оптика буюмлари

- Ўзбекистон Республикасида рўйхатдан ўтган ва дорихоналардан шифокор рецептсиз бериладиган дори воситаларига ушбу рўйхатга киритилган дори воситаларнинг худди шу таркибдаги таъсир қилувчи моддалари ва дори шаклига, дозасига эга бўлган дори воситалари ҳам қиради.
- Шифокор рецептсиз бериладиган дори воситаларининг барча инъекцион дори шакллари рецепт бўйича берилади.
- Дори воситаларининг ўрамлари, қўллаш бўйича йўриқномалари, илова-варақаларида кўрсатилган бериш тартибидан қатъий назар, дори воситаларини беришда ушбу рўйхатга амал қилиниши керак!
- Отс — воситалар статуси, одатда, қайд этиш гувоҳномаси (сертификати) берилаётганда тўла ҳуқуқли миллий ташкилотлар томондан белгиланади. у ёки бу воситани қўллашда янги қўшимча маълумотлар пайдо бўлганда бу статус қайта кўриб чиқилади.
- Отс — воситаларининг бозори қуйидаги кўринишда олиб берилади.
- Отс — воситаларининг бозор тизимида истеъмолчига алоҳида эътибор берилади. Рецептсиз сотиладиган дори воситалари муомаласи қуйидагиларга асосланиб бўлиниди:
 - — шахсий сабаблар ва афзалликларга кўра;
 - — фармацевт маслаҳатларига кўра;
 - — яқинлар, дўстлар маслаҳатларига кўра;

- — оммавий ахборот воситалари ва рекламага кўра;
- — восита баҳосига кўра;
- — ўров материалларининг сифатли безалганлигига кўра ва бошқалар.
- Шифокор рецептсиз бериладиган дори воситалари дорихона чакана савдосининг асоси ҳисобланади. масалан, Рецептсиз сотиладиган дори ва бошқа маҳсулотлар дорихона айланмасининг 50—60%ини ташкил этади. Бошқа давлатлар каби Ўзбекистон Республикасида кейинги йилларда рецептсиз дори воситаларини сотиш хажми тобора ортиб бормоқда. Бунга қуйидаги омиллар таъсир қилмоқда:
 - — дори воситаларининг ассортименти ортиб бориши;
 - — аҳолининг билим даражаси ва савиясини ўсиши;
 - — узини ва оила аъзоларининг соғлиғига эътиборли булиш;
 - — соғлом турмуш тарзига интилиш.
- Фармацевтик васийлик – аҳоли касаллигининг олдини олиш ва соғлиғини таъминлаш бўйича фармацевт ва шифокорни фаол ишга жалб қилиш.
- Оптимал дори шакллари ва воситаларининг истеъмол йўллари танлаш;
- турли дори воситаларини бир вақтда ишлатиш қоидаларини тушунтириш;
- дори воситаси ва озиқ овқатни ўзаро таъсирини тушунтириш;
- Рецептсиз сотиладиган дори воситалари мавжуд бўлмаганда ўхшаш дорилар билан алмаштириш
- Штрихли кодлаш – товарнинг нархи, сақлаш муддати ва бошқа зарур маълумотларни олишда ҳамда савдони автоматлаштирилган тизимларида қўлланилади. дори воситаси ҳақидаги маълумот ва сақлаш учун электрон ҳолатда код қўйилади. берилган код бўйича зарур параметр (нарх, сони, етказиб берувчи, қадоқлаш тури, сақлаш муддати ва бошқа) лар ҳақида керакли маълумот олинади. Одатда, бу кодлар махсус қоидалар бўйича дори ишлаб чиқарувчи томонидан рўйхатга олинади. бу қоидалар маҳсулотларни товарли номерлашни Халқаро ассотсиатсияси томонидан тасдиқланган.
- ишлаб чиқарувчи фирмалардан ташқари айрим ҳолларда товарларни штрих кодлар билан дистрибьютерлар, дорихоналар ҳам маркалайди.
- дорихоналар фаолиятида штрихли кодлаш тизимини жорий этилиши дори воситалари ва тиббий буюмларни қалбакилаштириш ҳолларининг олдини олишда муҳим аҳамият касб этади.
- Фармацевтика маҳсулотларини маркалаш
- Фармацевтика маҳсулотларини маркалаш қоидаларини Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимидаги ваколатли органи дори воситалари ва тиббий техника сифатини назорат қилиш бош бошқармаси белгилайди. у ҳар бир воситада барча зарур маълумотлар бўлган аннотатсия — қўшимча қилинадиган варақа бўлишини белгилайди. Бу маълумот устки ёрликда берилса, бундай ҳолда аннотатсия зарур эмас. Аннотация истеъмолчи учун тушунарли тилда воситани қисқача характеристикаси асосида тузилади. у қуйидаги маълумотларга эга бўлиши керак:
 - воситанинг савдо ва халқаро номи;

- ишлаб чиқарувчи фирма номи;
- таркиби, ишлаб чиқариш шакли, дори воситаси дозаси (ёрдамчи моддаларнинг номи ҳам ёзилади);
- қўллаш бўйича кўрсатмалар;
- қўллаш усули, дозаси;
- тўғри келмаслик шартлари;
- қўллашда огоҳ бўлишлик;
- овқат, спиртли ичимликлар ва бошқа дорилар билан ўзаро таъсири;
- дозаси ошиб кетганда, бажарилиши лозим бўлган ҳаракатлар;
- воситани сақлаш қоидаси ва унинг яроқсизлигини аниқлаш.
- Иккиламчи ўрамда у йўқ бўлса, бирламчи ўрамда қуйидагилар аниқ ва равшан ёзилган бўлиши керак:
- воситанинг савдо ва халқаро номи;
- таркиби, дозаси, фаол ингредиентлар ва ёрдамчи моддалар бўйича маълумот билан воситанинг чиқарилиш шакли;
- қўллаш усули;
- махсус кўрсаткичлари;
- қўллаш муддати (ой, йил);
- махсус сақлаш шароитлари;
- дори воситасини савдо лицензияси эгаси, манзили ва номи;
- савдо лицензия номери;
- дори воситасини ишлаб чиқариш серияси, номери.
- бунда Отс воситалари учун ишлатиш кўрсатмалари ҳам бўлиши керак

Назорат саволлари

1. Отс — воситалар тизими
2. Рецептсиз сотиладиган воситаларга қўйилган асосий талаблар.
3. Дори воситаларини Рецептсиз бериш ва дорихона ассортименти
4. Фармацевтик васийлик
5. Штрих кодлаш тизими

Фойдаланилган адабиётлар

- 1.Е.Р.Тошмухамедов, Х.С.Зайнутдинов ва бошқалар “Фармацевтика ишини ташкил қилиш” Тошкент-2007, 221-бет
- 3. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги “Шифокор Рецептсиз сотиладиган дори воситаларининг рўйхатини тасдиқлаш ҳақида” ги буйруғи 2015 йил 5-май 27-сон

6-мавзу: ДОРИХОНАДА РЕЦЕПТУРА БЎЛИМИ ИШНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ

Режа:

1. Рецепттура бўлимининг асосий вазифалари.
2. Фармацевт – технологнинг вазифалари.
3. Рецепт функциялари.

Таянч иборалар: *Рецепт, фармацевт-технолог, рецепт функциялари.*

6.1. Рецепттура бўлимининг асосий вазифалари.

Рецептура бўлимининг асосий вазифалари:

- ДПМ (даволаш-профилактика муассасаси)дан келган талабномалар ва аҳолидан келган индивидуал рецептларни қабул қилиш;
- ДПМдан келган талабномалар ва аҳолидан келган рецептлар асосида дори воситаларини тайёрлаш;
- тайёрланган дори воситалари сифатини назорат қилиш;
- ДПМ талабномалари ва аҳолидан келган рецептлар асосида тайёрланган дори воситаларини расмийлаштириш ва беморларга бериш.

Рецептура бўлимининг энг масъулиятли ишларидан бир рецептларни тўғри қабул қилиб олишдир. шунга кўра рецепт қабул қилаётган фармацевт – технолог рецептнинг тиббиёт ходимлари томонидан тўғри расмийлаштирилганлигига яъни рецепт ёзиш қоидаларидаги барча зарурий маълумотларни келтирилганига, ёзилган дори воситаларининг дозалари, ўзаро мос келиши ва беморнинг ёшига бутун диққатини жалб этиши шарт.

Рецепт қабул қилувчи фармацевт – технолог хонасида тумбали стол, шкаф, тайёр дорилар учун вертушка, таркибида “А” рўйхатдаги дорилар учун шкаф, совутгичлар бўлади. рецепт қабул қилувчи фармацевт – технолог столида ҳисоблаш машинаси, муҳрлар тўплами хужжатлар, преysкурant, давлат фармакопeясининг энг сўнгги нашри, 1 мартали ва суткали дозалар жадвали, моддаларнинг эрувчанлик жадвали, дори воситаларининг номутаносиблик жадвали, буйруқлар, дори воситаларини синонимлари рўйхати, нотўғри ёзилган рецептларни қайд қилиш журнали бўлади.

Ҳар бир предметни доимий турадиган жойи бўлиши, тез-тез ишлатиладиган предметлар қўл остида жойлашган бўлиши керак.

6.2. Фармацевт – технологнинг вазифалари

рецепт қабул қилувчи фармацевт – технологнинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

- рецептларни, талабномаларни қабул қилиш;
- рецептлар тўғри расмийлаштирилганлигини текшириш;
- рецепт ингредиентларининг мутаносиблигини текшириш;
- бемор ёшига аҳамият бериш;
- ёзилган дозаларни текшириш;
- дори воситаси нархини аниқлаш;

- тегишли хужжатларни расмийлаштириш;
- келган рецептларни ҳисобини олиб, тайёрлаш учун ассистентлар хонасига бериш;
- рецептларни врачлар томонидан тўғри ёзилганлигини текшириш;
- ДПМ раҳбарлари билан боғланиб туриш;
- дорихонага келган рецептларда дорихонада мавжуд бўлмаган дори воситаларини қайд қилиб бориш ва дорихона мудирини ёки муовинларига шу ҳақида ахборот бериш.

6.3. Рецепт функциялари.

Рецепт функциялари:

1. Тиббиёт-тиббиёт нуқтаи назаридан рецепт беморнинг индивидуал хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда доза ва таркиби шифокор томонидан белгиланган дори воситаларини сотиб олиш ва қўллаш учун ишлатиладиган асосий хужжат .
2. Юридик-юридик хужжат бўлиб ёзилиш санаси кўрсатилади, бемор ва шифокор фамилияси, дорининг фармакологик хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда рецепт бланкаси ишлатилади. Бунда рецепт ёзадиган ва улар бўйича дори тайёрлайдиган шахслар юридик жавобгарликка эга.
3. Технологик-технологик нуқтаи назардан рецепт фармацевтга дори тайёрлашда кўрсатма ва асос бўлиб хизмат қилади.
4. Иқтисодий-иқтисодий хужжат бўлиб дори ва ёрдамчи моддаларни сарфлаш учун, тариф ҳамда нархни аниқлаш учун хужжат ҳисобланади.
5. Ижтимоий-турли ижтимоий –иқтисодий имтиёз мақомига эга инсонларга малакали дори воситалар ёрдам кўрсатиш учун кафолат беради.

Назорат саволлари

1. Рецепттура бўлимининг асосий вазифалари.
2. Фармацевт – технологнинг вазифалари.
3. Рецепт функциялари.

Фойдаланилган адабиётлар

2. Ўз Р ССВнинг 2010-йил 18-июндаги 191-сонли буйруғи “ДПМ ларда дори воситаларини тайинлаш ҳамда беморнинг дори воситаларини қабул қилиш, сақлаш ва қўллаш тартиби, шунингдек дорихона муассасалари томонидан аҳолига дори воситаларини Рецепт асосида бериш тўғрисидаги низом”
3. ЎзР ССВнинг 26 март 2010-йилдаги 95-сонли “Қўллаш учун яроқсиз дори воситалари ва тиббий буюмларни йўқ қилиш тартиби тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида”
7. ЎзР ССВнинг 2009 йил 20 майдаги 157-сонли буйруғи
“Фармацевт кадрлар лавозим номенклатураси ва лавозим низомларини тасдиқлаш тўғрисида”

8. ЎзР ССВнинг 2009 йил 1 июндаги 162-сонли буйруғи

“ЎзРдаги Фармацевт кадрлар малакасини оширишни такомиллаштириш чора тадбирлари тўғрисида”

9. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013-йил 22 июлдаги “Шахсларнинг айрим тоифаларини имтиёзли асосда доривоситалари билан таъминлаш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги №204 сонли қарори

7-мавзу: ДОРИХОНАЛАРДА РЕЦЕПТЛАРНИ ҚАБУЛ ҚИЛИШ РЕЦЕПТЛАРНИ ТАКСИРОВКА ҚИЛИШ

Режа:

1. Рецепт ва унинг бланкалари.
2. Рецепт ёзишда тиббиёт ходимлари томонидан йўл қўйиладиган хатоликлар.

Таянч иборалар: *рецепт бланкалари, тиббий, юридик, ижтимоий, иқтисодий, технологик хатоликлар*

7.1. Рецепт ва унинг бланкалари.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 18 июн 2010 йилда чиққан 191-сонли буйруғига асосан рецепт бланкалари 3 хил бўлади:

1. Болалар ва катталар учун тўлиқ нархдаги дори воситасини олиш учун ёзиладиган 1-шакл.
2. Бепул дори воситалари ва гангитувчи хусусиятига эга бўлган дори воситалари учун ёзиладиган 2-шакл.
3. Пушти рангли фақат наркотик дори воситалари ёзиш учун тавсия этиладиган 3-шакл.

рецепт бланкаси қуйидаги реквизитларга эга бўлиши шарт:

- Даволаш-профилактика муассасаси коди босмахона усули билан босилади ёки штамп қўйилади;
- Якка тартибдаги меҳнат фаолияти билан шуғулланадиган шифокорларнинг рецептларини тепа қисмининг ўнг томонига босмахона усули билан уларнинг манзили, лицензиясининг тартиб рақами, берилган санаси, амал қилиш муддати ва лицензия берган ташкилотнинг номи босилади ёки штамп қўйилади;
- Рецептда дори воситасининг номи лотин тилида, аниқ, равшан қилиб, сиёҳда ёки шарикли ручка билан ёзилади, тузатишлар киритиш тақиқланади;
- Битта рецептура бланкида иккитадан ортиқ бўлмаган оддий дори воситалари ёзилади;
- Этил спирти таркибида захарли моддалар ҳамда миқдорий ҳисобда турувчи психотроп дори воситалари ва прекурсорлар бўлган дори-дармонлар алоҳида рецепт бланкасида ёзилади ва рецепт бланкаси қўшимча даволаш-профилактика муассасасининг “рецептлар учун” муҳри билан тасдиқланади;
- белгиларни фақат қоидаларда белгилангангандек қисқартириб ёзишга рухсат берилади холос;
- қаттиқ ва сочилувчи моддалар – граммлар (0,001; 0,5; 1,0) суюқликлари – миллилитр, грамм ва томчилар ҳисобида кўрсатилади;
- “ичилади”, “ишлатилиши маълум” ва ҳоказо деган умумий кўрсатмалар билан чекланиш тақиқланади;
- беморларнинг фамилияси, исми-шарифи, ёши, шифокорнинг фамилияси, исми-шарифи кўрсатилади;

- шифокорнинг имзоси унинг шахсий муҳри билан тасдиқланган бўлиши лозим;
- “каттага”, “болага” деб кўрсатилган белгилардан кераксизлиги ўчирилади.

Биринчи шаклдаги рецепт бланкасига қуйидаги дори воситалари ёзилади:

- захарли дори воситалари ва уларнинг препаратлари;
- ухлатувчи дори воситалари;
- нейролептик, антидепрессив препаратлар;
- стероид гормонлар;
- транквилизаторлар;
- астмага қарши воситалар;
- 8-оксихинолин ҳосилалари;
- заманиха настойкаси;
- этил спирти сақлаган дори воситалари;
- кучли таъсир этувчи моддалар;
- антибиотиклар
- сульфаниламид препаратлар.

Иккинчи шаклдаги рецепт бланкасига гангитувчи хусусиятга эга бўлган дори воситаларидан ташқари қуйида берилган касалликлар билан оғриган беморлар ва шахслар (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2 декабр 1997 йилда тасдиқланган 532-сонли қарорига асосан)га бепул бериладиган дори воситалари ёзилади. агар шу шахс истиқомат қиладиган туман соғлиқни сақлаш бўлими (райздрав) билан дорихона шартнома тузган бўлсагина бу дори воситалари бепул тарзда берилади.

1. сил касаллиги.
2. мохов касаллиги (лепра).
3. онкологик касалликлар.
4. спид (оитс – орттирилган иммунотанқислиги синдроми).
5. эндокринологик касалликлар.
6. руҳий касалликлар.
7. ясама юрак қопқокчаларини қўйиш операциясини ўтказилгандан кейин ва аъзоларини кўчириб қўйган беморлар.
8. ҳеч кими йўқ муҳтожлар.
9. 1941-1945 йилдаги уруш қатнашчилари, ногиронлари ҳамда имтиёз томонидан уларга тенглаштирилганлар.
10. 1941-1945 йилдаги меҳнат фронти қатнашчилари.
11. чернобыль азс фалокати оқибатларини тугатишда қатнашиб ногирон бўлганлар.
12. байналминал ҳарбий хизматчилари.
13. ядро полигонларида ва бошқа нурланиш ядро объектларида ҳарбий хизматни ўтаган нафақа ёшидаги шахслар.

Учинчи шаклдаги рецепт бланкасига фақат наркотик дори воситаларини ёзиш тавсия этилган.



7.2. Рецепт ёзишда тиббиёт ходимлари томонидан йўл қўйиладиган хатоликлар.

Рецепт ёзишда тиббиёт ходимлари томонидан йўл қўйиладиган хатоликларни куйидагича гуруҳлаш мумкин:

1. рецепт таркибидаги моддаларнинг номини ёзишдаги хатолик (лотин тилида, қисқартиришлар, тушунарсиз ёзувлар).
2. дозасидаги хатоликлар (дозаларнинг ноаниқлиги, фоиз кўрсаткичини тушунарсиз ёзилгани).
3. тавсия қилишдаги хатолик (нотўғри тавсия килинган)
4. расмийлаштиришдаги хатолик (нотўғри расмийлаштирилган).

бундай рецептларга “рецепт ўз кучини йўқотган” деб муҳр босилади ва махсус журналда кайд қилинади.

Назорат саволлари

1. Рецепт ва унинг бланкалари.
2. Рецепт ёзишда тиббиёт ходимлари томонидан йўл қўйиладиган хатоликлар.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2 декабр 1997 йилда тасдиқланган 532-сонли қарори
2. Ўз Р Ссв нинг 2010-йил 18-июндаги 191-сонли буйруғи “ДПМ ларда дори воситаларини тайинлаш ҳамда беморнинг дори воситаларини қабул қилиш,

сақлаш ва қўллаш тартиби, шунингдек дорихона муассасалари томонидан аҳолига дори воситаларини Рецепт асосида бериш тўғрисидаги низом ”

3. ЎзР Ссвнинг 26 март 2010-йилдаги 95-сонли “Қўллаш учун яроқсиз дори воситалари ва тиббий буюмларни йўқ қилиш тартиби тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида”

4. ЎзР Ссв нинг 2007 йил 22 ноябр 519 сонли буйруғи.

“Имтиёзга эга шахсларни амбулатория шароитида даволашда шифокор Рецепти бўйича дорихоналардан бепул бериладиган дори воситалари рўйхати”ни тасдиқлаш тўғрисида.

5. ЎзР ВМ нинг 2009 йил 8 январдаги “ЎзР да гиёхвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларни муомаласи билан боғлиқ фаолияти учун хисоботлар юритиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 6-сон қарорини амалга ошириш бўйича чора тадбирлар тўғрисида”

6. ЎзР Ссв нинг 2008 йил 30 январдаги 36 сонли буйруғи “Дори воситаларининг ножўя таъсирларини қайд этиш ва мониторинги бўйича низомни тасдиқлаш тўғрисида”

7. ЎзР Ссвнинг 2009 йил 20 майдаги 157-сонли буйруғи

“Фармацевт кадрлар лавозим номенклатураси ва лавозим низомларини тасдиқлаш тўғрисида”

8. ЎзР Ссвнинг 2009 йил 1 июндаги 162-сонли буйруғи

“ЎзРдаги Фармацевт кадрлар малакасини оширишни такомиллаштириш чора тадбирлари тўғрисида”

9. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013-йил 22 июлдаги “Шахсларнинг айрим тоифаларини имтиёзли асосда дори воситалари билан таъминлаш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги №204 сонли қарори

8-мавзу: ДОРИХОНАДА РЕЦЕПТЛАРНИ ЭКСПЕРТИЗА ҚИЛИШ ВА ДОРИ ВОСИТАЛАРИНИ БЕРИШ

Режа:

1. Рецептларнинг ўз таъсир кучини сақлаш муддатлари.
2. Гиёҳвандлик (наркотик) воситалари психотроп моддалар, прекурсорлар тўғрисидаги низом.
3. Дорихонада олиб қолинadиган Рецептларнинг сақланиш муддатлари.
4. Рецептни таксировка ва экспертиза қилиш.
5. Сигнатура ҳақида тушунча.

Таяч иборалар: *таксировка, сигнатура, экспертиза, гиёҳвандлик, психотроп моддалар, прекурсорлар.*

8.1. Рецептларнинг ўз таъсир кучини сақлаш муддатлари.

Дорихонада рецептлар ўз таъсир кучини сақлаш муддатига эга бўлади.

Наркотик дори воситалари ёзилган рецептлар 7 кун давомида ўз кучини сақлайди.

Захарли дори воситалари сақлаган рецептлар ҳам 10 кун.

Қолганлари эса 1 ойгача ўз кучини сақлайди.

Тайёр ва якка тартибда тайёрланadиган дори воситаларига ёзилган рецептлар сурункали касаллик билан оғриган беморлар учун бир йил мобайнида ўз кучини сақлаш муддатига эга. қуйидагилар бундан мустасно:

- миқдорий ҳисобда турувчи дори воситалари;
 - анаболик активликка эга бўлган дори воситалари;
 - бепул рецепт билан бериладиган дори воситалари;
- якка тартибда тайёрланadиган спирт сақловчи дори воситалари

8.2. Гиёҳвандлик (наркотик) воситалари психотроп моддалар, прекурсорлар тўғрисидаги низом.

Гиёҳвандлик (наркотик) воситалари гиёҳвандлик воситалари рўйхатига киритилган ва Ўзбекистон Республикасида назоратга олинadиган, келиб чиқиши синтетик ёки табиий моддалар, таркибида гиёҳвандлик моддаси бўлган препаратлар ва ўсимликлар.

Психотроп моддалар-психотроп моддалар рўйхатига киритилган ва ўзбекистон республикасида назоратга олинadиган, келиб чиқиши синтетик ёки табиий моддалар.

Прекурсорлар-прекурсорлар рўйхатига киритилган ва ўзбекистон республикасида назоратга олинadиган, гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар тайёрлаш учун фойдаланиладиган моддалар.

Гиёҳвандлик (наркотик) ва захарли дори воситаларини ёзиб боришнинг ўзига хос қоидалари мавжуд. гиёҳвандлик (наркотик) дори воситаси ёзилган махсус пушти рангдаги рецепт босма қоғозда даволаш профилактика муассасасининг тўртбурчак муҳри, думалоқ муҳр, врачнинг имзоси ва шахсий муҳри бўлиши шарт. битта пушти рецепт босма қоғозига фақат битта наркотик

воситаси ёзилиши мумкин. амбулатор равишда даволанадиган беморлар учун наркозда ишлатиладиган препаратларни рецепт босма қоғозда ёзиш қатъян ман этилади. ўрта маълумотли тиббиёт ходими наркотик воситаларига рецепт ёзиш ҳуқуқидан маҳрум.

Психотроп моддалар учун ёзиладиган рецептура бланкаларида даволаш муассасасининг муҳри ва штампи, тиббиёт ходимининг шахсий муҳри ва имзоси бўлиши шарт.

Битта рецептура бланкасига фақат битта психотроп модда ёзиш рухсат этилади. дори воситалари учун рецепт ёзишда уларнинг таркибига кирган психотроп, заҳарли модда рецептнинг бошида қолган ингредиентлар эса ундан кейин ёзилиши шарт. психотроп моддалар сақлаган рецептлар дорихонада 1 ой мобайнида ҳақиқий ҳисобланади.

Дорихоналарда прекурсорлар уларнинг кимёвий-физикавий хоссаларини ҳисобга олган ҳолда сақланиши шарт. уларга қуйидагилар киради: сирка кислотасининг ангидриди, ацетон, этил эфири, сульфат ва хлорид кислоталари, толуол. дорихоналарда улар метал шкафларда сақланиши шарт.

Дорихоналарда рецептсиз ҳолда қуйидаги прекурсорлар маълум миқдорда берилади: калий перманганат 5 граммгача, хлорид кислотасининг 1-6 % ли эритмаси 250 мл. гача берилиши рухсат этилган.

Тиббиётда ва илмий мақсадларда ишлатиладиган гиёҳвандлик (наркотик) дори воситаларининг ишлатиш меъёрлари (1000 та аҳоли учун граммларда).

1.	морфин гидрохлорид	- 0,3
2.	промедол	- 5,0
3.	омнопон	- 0,3
4.	кокаин	- 0,2
5.	эстоцин гидрохлорид	- 0,3
6.	кодеин	- 70,3
7.	опий	- 833,3
8.	фентанил	- 0,006

8.3. Дорихонада олиб қолинадиган Рецептларнинг сақланиш муддатлари.

Дорихонада олиб қолинадиган рецептларнинг сақланиш муддати белгиланган. бепул тарзда берилган дорилар учун ёзилган рецептлар дорихонада 3 йил, наркотик дорилар учун ёзилган махсус пушти рангдаги рецепт босма қоғози 5 йил, заҳарли ҳамда этил спирти сақловчи, бангидевона таъсирига эга бўлган препаратлар, анабалик дори воситалари учун ёзилган рецептлар бир йил давомида бошқа рецептлар бир ой муддатида сақланади.

8.4. Рецептни таксировка ва экспертиза қилиш.

Рецептни таксировка қилиш – бу рецепт таркибидаги ингредиентларнинг ҳар бири нархини ҳисоблаш ҳамда қуйидаги жадвалга мувофиқ равишда ҳақ олиш демакдир. Рецептни экспертиза қилиш – бу рецептни қабул

қилаётганда текшириш, дозасига аҳамият бериш, тайёрлаш, сақлаш ва бошқа жараёнларни ҳар томонлама назорат қилиш.

8.5. Сигнатура ҳақида тушунча.

Таркибида заҳарли, наркотик моддалар ва этил спирти бўлган экстемпорал усулда тайёрланган дори воситалари беришда беморларга рецепт ўрнига юқори қисмида сариқ йўли ва унда қора шрифтдаги “сигнатура” деган ёзуви бўлган қоғоз берилади.

Назорат саволлари

1. Рецептларнинг ўз таъсир кучини сақлаш муддатлари.
2. Гиёҳвандлик (наркотик) воситалари психотроп моддалар, прекурсорлар тўғрисидаги низом.
3. Дорихонада олиб қолинadиган Рецептларнинг сақланиш муддатлари.
4. Рецептни таксировка ва экспертиза қилиш.
5. Сигнатура ҳақида тушунча.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўз Р ССВнинг 2010-йил 18-июндаги 191-сонли буйруғи “ДПМ ларда дори воситаларини тайинлаш ҳамда беморнинг дори воситаларини қабул қилиш, сақлаш ва қўллаш тартиби, шунингдек дорихона муассасалари томонидан аҳолига дори воситаларини Рецепт асосида бериш тўғрисидаги низом”
2. ЎзР ССВнинг 2009 йил 20 майдаги 157-сонли буйруғи “Фармацевт кадрлар лавозим номенклатураси ва лавозим низомларини тасдиқлаш тўғрисида”
3. ЎзР ССВнинг 2009 йил 1 июндаги 162-сонли буйруғи “ЎзРдаги Фармацевт кадрлар малакасини оширишни такомиллаштириш чора тадбирлари тўғрисида”
4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013-йил 22 июл шахсларнинг айрим тоифаларини имтиёзли асосда дори воситалари билан таъминлаш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги №204 сонли қарори

9-мавзу: ДОРИХОНА ШАРОИТИДА ДОРИ ВОСИТАЛАРИНИ ТАЙЁРЛАШ

Режа:

1. Дорихонанинг асосий вазифалари.
2. Дорихоналарнинг хоналари
3. Дорихона муассасаларининг моддий техника базаси, асбоб-ускуналари, бошқа техник воситалари ва ходимларига бўлган талаблар.
4. Сан-Пин ҳақида тушунча.
5. Асептик блок, асептик хона ва асептик столлари.
6. Дори воситаларининг ташқи безаги.

Таянч иборалари: *моддий техника базаси, Сан-Пин, асептик блок, асептик хона*

9.1 Дорихонанинг асосий вазифалари.

Маълумки, дорихоналарнинг асосий вазифалари - дориларни сифатли тайёрлаш; -аҳолини, даволаш профилактика муассасаларини, поликлиника ва амбулаторияларни дори воситалари билан таъминлаш, аҳолини кундалик дори-воситаларга бўлган эҳтиёжини қондириш. аҳолини ва турли даволаш профилактика муассасаларини сифатли дори воситалари билан таъминлаш кўп жиҳатдан дори-воситани тайёрлайдиган шахсларнинг санитария нуқтаи назардан уларнинг савиясига, махсус тартиб қоида ва қонунлар тўла-тўқис бажарилишига кўп жиҳатдан боғлиқдир.

9.2 Дорихоналарнинг хоналари

Дорихоналарнинг қурилишини ташкил этишда одатда уч гуруҳ хоналар бўлади:

1. ишлаб чиқариш хоналари:
дори харид қилиш учун келадиган шахсларни кутиш хонаси (савдо зали), рецептларни қабул қилиш бўлими, дори-воситаларни тайёрлаш – ассистентлар хонаси, дори воситаси тайёрлайдиган идишларни ювиш хонаси, дори-воситаларини сақлаш хоналари, стериллаш хонаси, фармацевт-аналитик хонаси, дориларни қадоқлаш хоналари.
2. Хизмат қилиш ва хўжалик ишлари учун хоналар, дорихона мудирининг хонаси, ходимларнинг кийим кийиш ва ечиниш хоналари, ҳожатхона ва ҳ.к.
3. Ёрдамчи хўжаликка оид хоналар – шиша идишлар сақланадиган хона, таралар, ёқилғи, ҳидли дори воситалари учун, дезинфекция моддалари учун хоналар, гараж ва бошқа хоналар.

Дорихона муассасаларининг бозор иқтисодиёти шароитида санитария-гигиена талабларига риоя қилган ҳолда ишлашга ўтиш, билимдон мутахассисларни тайёрлаш, аҳолини ва дпмларни сифатли дори-дармонлар билан таъминлашни такомиллаштириш йўллари ишлаб чиқиш каби муаммолари мавжуд.



9.3 Дорихона муассасаларининг моддий техника базаси, асбоб-ускуналари, бошқа техник воситалари ва ходимларига бўлган талаблар.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2004 йил 30 июндаги 304-сонли “Дорихона муассасаларининг моддий-техника базаси, асбоб-ускуналари, бошқа техник воситалари ва ходимларга бўлган талаблар. асосий ҳолатлар тармоқ стандартини тасдиқлаш ҳақидаги буйруғи чиқди.

Ушбу тармоқ стандарти “Дори дармон давлат акциядорлик ассоцияцияси, дори воситалари тиббий техника сифатини назорат қилиш бош бошқармаси, тошкент фармацевтика институти томонидан ишлаб чиқарилган”.

Ушбу стандарт мулкчилик шаклидан қатъий назар чакана, улгуржи савдо билан шуғулланувчи барча дорихоналар учун мажбурийдир.

Ушбу стандарт шифохона дорихоналари учун тарқатилмайди.

- стандартда кириш, термин ва атамалар, умумий ҳолатлар дорихона муассасаларининг хоналари ва уларнинг жихозланиши, дори воситалари қабул қилишга қўйиладиган талаблар, дори воситаларининг сақлашга қўйиладиган талаблар, ҳисоб ва ҳисобот ишлари, дорихона ходимларига бўлган талаблар, дорихона фаолиятини таъминлаш, дорихона муассасасини йўқ қилиш пунктлари мавжуд.

9.4 Сан-Пин ҳақида тушунча.

Сан-Пин – бу тайёр дори воситаларини сотишда дорихона қурилишидаги санитар қоидалар ва меъёрлар акс эттирилган ҳужжат. ушбу ҳужжат 5 та бўлимдан иборат.

1 бўлим – умумий ҳолатлар.

2 бўлим – дорихона жойлашиши ва қурилишига қўйиладиган талаблар

3 бўлим – дорихонанинг жихозланиши ва хоналарига бўлган талаблар

4 бўлим – дорихона хоналарининг санитар қурилиши

5 бўлим – дорихона ходимларининг шахсий гигиенаси ва хоналарни тозалашдаги қўйиладиган санитар талаблар.

2008-йилда Сан-Пин 0243-07 ишлаб чиқарилган, бундан 5 йил аввал яъни 1998 йилда эса Сан-Пин 0078-98, 2004-йилда эса Сан-Пин 0162-04 ишланган эди.

Дорихона ўз фаолиятини фармацевтик фаолиятга берилган лицензия асосида олиб боради. фармацевтик фаолиятни лицензиялаш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 31 октябрда чиқан 477 сонли қарорига мувофиқ ва бошқа меъёрий ҳужжатлар асосида олиб боради.

Ассистентлар, аналитиклар ва дистиляция хоналари бир бирига яқин жойлаштирилиши керак. асептик мажмуа хоналари технологик жараён босқичлари билан мос равишда бевосита боғлиқликни таъминлаши керак. ишлаб чиқариш хоналарининг девор ва потолоклари дезинфекция воситалари билан нам латтада артилиши керак. поллар линолиум ёки керамик плиткалар билан қопланиши керак.

9.5 Асептик блок, асептик хона ва асептик столлари.

Асептик шароитда дорилар тайёрлаш учун алоҳида изоляцияланган хоналар асосан катта дорихоналарда ажратилади.

Унда қуйидагилар бўлиши керак: электр ёки газ ўтказгич, водопровод крани ва раковина, электр плитаси ёки газ горелкаси ҳамда асбоб ускуналар.

Асептик шароитида дори тайёрланадиган хонада оптимал санитария гигиена шароити яратиш учун дориларни стерилизация қилинадиган автоклавлар ва бошқа аппаратлар қўшни хонага (кокторийга) жойлаштирилади.

Кокторий – дорихона хоналаридан бири бўлиб, унда сув ҳайдалади ва ассистент ишига боғлиқ бўлган ҳар хил фармацевтик операциялар: дамлама ва қайнатмалар тайёрлаш, дориларни стериллаш, қайнатиш, буғлатиш ишлари ҳам бажарилади.

Баъзи бир дорихоналарда асептик шароитда дори тайёрлаш учун махсус блок-хоналар қурилади. блоклар учта секциядан иборат бўлади:

- а) асептик хона – бу ерда дори тайёрланади.
- б) стерилизацион хона – бу ерда автоклав, 200⁰с гача иситадиган қуритгич шкаф ва бошқа стерилизация аппаратлари ўрнатилади.
- с) тамбур (боксдан олдинги хона) тамбурда фармацевт, стерилланган ҳалат қалпоқча, тапочкаларни кийиб, сўнгра асептик хонага киради.

Стол бокслар. баъзи дорихоналарда асептик шароитида дорилар тайёрлаш учун махсус хоналар бўлмаслиги натижасида, дориларни қисман асептик шароитида тайёрлаш имконини берувчи стол бокслар катта роль ўйнайди. асептик шароитда дорилар тайёрланадиган хоналарни дорихоналарнинг бошқа хоналаридан тўлиқроқ изоляция қилиш стол бокслар ҳавосини, тозаланган сувни стерилизация қилиш мақсадида бактериоцид лампалар (ультрабинафша – нурлатгичлар - муваффақият билан қўлланмоқда). ассистент хонага коржомасиз (ҳалат, косинка, қалпоқсиз) кириш мутлақо мумкин эмас.

Асептик блок дефектар, ассистентлар хонасига кираверишда дезинфекция эритмалари билан ҳўлланган резина гиламчалари бўлиши керак.

Ювиш хоналарида инъекция эритмалари ва кўз томчилари, ичиладиган дори воситалари сиртки ишлатиладиган дори шакллари учун алоҳида раковиналар бўлиши керак.

Раковиналар хар куни тозаланиши ва дезинфекция қилиниши шарт.

Дорихона ходимлари шахсий гигиена қоидаларига риоя қилишлари шарт. улар ишга тушмасларидан олдин албатта тиббий кўрикдан ўтишлари лозим.

Асептик блок вентиляция билан жихозланиши керак. хавони зарарсизлантириш учун асептик блокда, дистилляция хонасида бактериоцид нурлатгичлар бўлиши керак.

Асептик блок жихозлари дезинфекция эритмалари билан хўлланган латталарда артилиши шарт. асептик блок дорихонанинг бошқа хоналаридан шлюзлар орқали ажратилган бўлиши керак. дорихонадаги ёрдамчи материаллар (пахта, марли, пергамент қоғоз) биксларда стерилизация қилиниши лозим.

9.6 Дори воситаларининг ташқи беағи.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2002 йил 15 апрелдаги 177 сон “Дорихона муассасалари томонидан тайёрланадиган ва идишга жойланадиган дори воситаларни ташқи беағига доир қоидалари” буйруғига асосан ичиладиган дори воситаларининг ёрлиқлари яшил рангда, инъекция учун тайёрланган дори воситаларининг ёрлиқлари кўк рангда, кўз томчилари, малхاملари учун ёрлиқлар пушти рангда, сиртга ишлатиладиган дори воситалари учун тўқ сариқ рангдаги ёрлиқлар босма кўринишида, “болалардан эҳтиёт қилинг” деган огоҳлантирувчи ёзув ҳамда хар бир дори турининг таркибига қараб “салқин жойда сақлансин”, “ёруғлик тушмайдиган жойда сақлансин”, “эҳтиётлик билан ишлатилсин” каби ёзувлар бўлиши шарт.



Назорат саволлари

1. Дорихонанинг асосий вазифалари.
2. Дорихоналарнинг хоналари
3. Дорихона муассасаларининг моддий техника базаси, асбоб-ускуналари, бошқа техник воситалари ва ходимларига бўлган талаблар.
4. Сан-Пин ҳақида тушунча.
5. Асептик блок, асептик хона ва асептик столлари.
6. Дори воситаларининг ташқи безаги.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Санитарные правила и нормы устройства аптек по реализации готовых лекарственных медикаментов. Сан - Пин 0162-04. – Ташкент: 2004. –с.7.
2. Ўзбекистон Республикаси гигиеник нормативлар, санитар қоидалар ва меъёрларнинг амал қилиш муддатини узайтириш тўғрисида. (Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 381-сон буйруғидан кучирма). Ўзбекистон фармацевтика хабарномаси.2003 йил. №1. б.42-45.
3. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2002 йил 15 апрел “Дорихона муассасалари томонидан тайёрланадиган ва идишга жойланадиган дори воситаларини ташқи безагига доир қоидаларини” тасдиқлаш ҳақидаги 177 сон буйруғи.
4. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 30 июнь 2004 йил июлдаги 304 сонли “Дорихона муассасаларининг моддий техника базаси, асбоб ускуналари, бошқа техник воситалари ва ходимларига бўлган талаблар. асосий ҳолатлар тармоқ стандартини тасдиқлаш ҳақида”ги буйруғи.
5. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2012 йил 30 мартдаги Республикамизда тиббиёт муассасаларининг моддий техник базасини янада мустаҳкамлаш ва фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида буйруғи 85-сонли буйруғи

10-Мавзу: ДОРИХОНАДА ДОРИ ВОСИТАЛАРИ СИФАТИНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ ИШЛАРИНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ

Режа

1. Дорихонада назорат –аналитик хоналари.
2. Дорихонада дорилар сифатини назорат қилишни ташкил этиш
3. Дорихонада тайёрланган дориларнинг сифатини назорат қилиш турлари.

Таянч иборалар: оғиш меъёрлари, органолептик назорат, ёзма назорат, оғзаки назорат, кимёвий ва физикавий назоратлар

10.1 Дорихонада назорат –аналитик хоналари

Дорихоналарда назорат аналитик хоналари бўлади. хоналарда аналитик столлар бўлиб, улар керакли тартибда жиҳозланган бўлиши шарт. столлар олдида айланма вертушкалар уларда эса штангласлар, штангласларда керакли реактивлар бўлади. столларда аналитик торозилар, бюреткалар, зарур бўлган эритмалар туриши шарт. Дорихонада тайёрланган дориларни сифатини фармацевт-аналитик, фармацевт-технологлар назорат қилиб туришлари керак. фармацевт-аналитик ёки фармацевт-технологлар дори-дармонлардан бўшаган штангласларини ўзи вақтида тўлдириб туришлари керак. улар ассистентлар хонасида дори-дармонларни амалдаги белгиланган қоидаларга биноан тўғри сақланишини таъминлаб туришлари лозим. Бундан ташқари фармацевт - аналитик ва фармацевт - технологлар қадоқловчиларнинг иш жараёнларига раҳбарлик қилиб уларни ўрталаридаги вазифаларини тақсимлаб беришлари шарт.

10.2 Дорихонада дорилар сифатини назорат қилишни ташкил этиш

Дорихонада тайёрланадиган дори воситаларини сифатини ошириш энг долзраб замонавий масалалардан биридир. бунга эришиш мумкин бўлган йўллاردан бири тайёрланган дориларни назорат қилишдан иборат.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 29 декабр 2002 йилда тасдиқланган 583-сонли буйруғи “Дорихона муассасаларида тайёрланган дори турларининг сифатини баҳолаш бўйича қўлланма”ни тасдиқлаш тўғрисидадир. Ушбу қўлланма дорихона муассасаларида тайёрланадиган, қадоқланадиган дори турларининг сифатини баҳолаш ва йўл қўйилиши мумкин бўлган оғиш меъёрларини белгилайди ҳамда дорихона муассасаларида кўрсатма сифатида фойдаланилади.

10.3 Дорихонада тайёрланган дориларнинг сифатини назорат қилиш турлари

Дорихонада тайёрланган дорилар сифатини оширишни таъминлайдиган огоҳлантирувчи омилларга алоҳида эътибор бериш керак.

- якка тартибда тайёрланадиган дори воситалари, тез бузилувчи ва турғун бўлмаган препаратлар, концентратлар, ярим фабрикатларни сифат ва миқдорини назорат қилиш ўзбекистон республикаси соғлиқни сақлаш

вазирлигининг 21 апрел 2000 йилда тасдиқланган 195-сонли (Дорихона шароитларида тайёрланадиган дори воситаларининг сифатини яхшилаш борасида) буйруғига мувофиқ дорихоналарда тайёрланадиган дори воситаларининг сифатини назорат қилишнинг қуйидаги турлари мавжуд: ёзма, органолептик, оғзаки, физикавий ва кимёвий назорат.

Бундан ташқари қабул қилиш назорати ҳам мавжуд.

Қабул қилиш назоратида дорихонага келиб тушган дори воситаларини қадоқланиши, маркировкаси ва ташқи кўриниши текширилади. агар шубҳа туғилса бу дори воситаси назорат таҳлил лабораториясига жўнатилади.

Ёзма назорат. Фармацевт томонидан тайёрланган дори воситаси учун алоҳида паспорт тўлдирилади. Паспортда сана, рецепт ёки талабноманинг номери ва ҳар бир ингредиентнинг номи ва миқдори, олинган дозаларининг сони ёзилади. паспортда тайёрлаган, қадоқлаган ва текширган шахсларнинг имзоси бўлиши шарт.

Ушбу назорат туридан дорихонада тайёрланадиган барча дори шакллари ўтиши лозим.

Агар дори воситаси яримфабрикат ёки концентратлардан тайёрланса, паспортда олинган миқдор ва уларнинг концентрацияси кўрсатилади. порошоклар, шамчалар тайёрланганда эса ҳар бир ингредиентнинг массаси, ва уларнинг миқдори ёзилади.

Органолептик назорат. Бу назоратда дори воситасининг ташқи кўриниши, ранги, хиди, таъми, бир хил аралашганлиги механик аралашмаларнинг йўқлиги теширилади.

Катталарга тайёрланган ичиш учун дори воситаларининг баъзи бирлари, болаларга тайёрланган ичиш учун дори воситаларининг ҳаммасининг таъми текширилади.

Оғзаки назорат. бунда фармацевт-технолог дори воситаси таркибига кирувчи биринчи ингредиентнинг номини айтади. Бошқа мураккаб дори аралашмаларида эса фармацевт ингредиентларининг номи ва миқдорини эсида қолгани бўйича кўрсатади. Ушбу назорат тури айрим дори воситаларда ўтказилади. Оғзаки назорат 5 та дори шакли тайёрланиб бўлингач олиб борилади.

Физикавий назорат. Бу назоратда дори шаклининг хажми ва умумий массаси текширилади. натижалар махсус журналларда қайд этилади.

Ёрликдаги ёзувнинг рецептдаги ёзувга мос келиши катта эътибор талаб қилади. айниқса огоҳлантирувчи ёрликларга эътибор бериш керак. масалан “салқин жойда сақлансин”, “ёруғлик тушмайдиган жойда сақлансин”, “эҳтиётлик билан ишлатилсин”.

Кимёвий назорат. Бунда дори воситаларининг сифати ва миқдори текширилади.

Дорихонада қуйидаги дори воситаларини сифати текширилади:

- стерилизация қилингунга қадар барча инъекция эритмалари ва кўз томчилари;
- якка тартибда тайёрланган дори воситаларининг баъзи бирлари;

- барча концентратлар, яримфабрикатларнинг ҳар бир сериялари;
 - штангласларга қуйилган дори воситалари;
 - омборхонадан дорихонага келтирилган дори воситаларининг баъзилари;
 - тозаланган сув (хлоридлар, сульфатлар, кальций тузларининг йўқлиги.)
- қуйидаги дори воситаларининг миқдори текширилади:
- барча концентратлар, яримфабрикатларнинг ҳар бир серияси
 - стерилизацияга қадар барча инъекция учун тайёрланган дори воситалари
 - таркибида атропин сульфат, кумуш нитрат каби ингредиентлар сақлаган кўз касалликларида ишлатиладиган дори воситалари ;
 - ассистент томонидан смена давомида тайёрланган баъзи дори воситалари;
 - тез бузулувчан, турғун бўлмаган препаратлар.

Дорихонада тайёрланадиган дориларнинг сифатини ошириш юзасидан қуйидаги оғоҳлантирувчи чора-тадбирларга амал қилишни талаб қилинади:

1. Дори-дармонларни қабул қилиш жараёнида уларни диққат билан текшириб, сифат юзасидан шубҳа туғилса назора-аналитик лабораториясига юбориш;
2. Амалдаги буйруқлар талабларига мувофиқ дорихонада санитария ва фармацевтика тартибларига риоя қилиш;
3. Ишлаб чиқаришда ишлатиладиган аппарат, асбоб-ускуналарнинг аниқ, тўғри ишлашини таъминлаш;
4. Дорихонада дори воситаларининг физик-кимёвий хоссаларини яроқлилик муддатини эътиборга олиб, муайян шарт-шароитларда сақлаш (Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2000 йил 10 мартдаги 109-сонли буйруғи “Дори воситалари тиббиёт буюмларининг яроқлилик муддати тўғрисида”);
5. Дорилар билан тўлдирилган штангласлардаги ёрликларда тегишли ёзувларнинг бўлишини назорат қилиш;
6. Дорихонада келиб тушган рецептларни ёки талабномаларни тўғри расмийлаштирилганини текшириш.
7. Дориларни тайёрлаш технологияси қоидаларига амал қилиш кабилардир.

Назорат саволлари

1. Дорихонада назорат –аналитик хоналари.
2. Дорихонада дорилар сифатини назорат қилишни ташкил этиш
3. Дорихонада тайёрланган дориларнинг сифатини назорат қилиш турлари.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 29 декабр 2002 йилда тасдиқланган 583-сонли буйруғи “Дорихона муассасаларида тайёрланган дори турларининг сифатини баҳолаш бўйича қўлланма”ни тасдиқлаш тўғрисида.
2. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 21 апрел 2000 йилда тасдиқланган 195-сонли (Дорихона шароитларида тайёрланадиган дори воситаларининг сифатини яхшилаш борасида) буйруқ

11-МАВЗУ: «ДОРИХОНА ЗАҲИРАЛАР БЎЛИМИ ИШИНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ, ЛАБОРАТОРИЯ ВА ҚАДОҚЛАШ ИШЛАРИНИ ҲИСОБГА ОЛИШ»

Режа

1. Дорихонада заҳиралар бўлимининг вазифалари.
2. Заҳиралар бўлимидаги Фармацевт ва қадоқловчиларнинг вазифалари.
3. Дорихона омборхонасидан товарларни олиш, дорихонанинг бошқа бўлимларига ва шахобчаларига товарларни тарқатиш тартиблари.
4. Заҳиралар бўлимидаги хоналар ва улар ўртасидаги боғлиқлик.
5. Заҳиралар бўлимидаги дори воситаларининг сақланиши.
6. Наркотик, заҳарли дори воситаларини, психотроп моддаларни, прекурсорларни, этил спиртини сақлашнинг ўзига хос хусусиятлари.
7. Лаборатория ва қадоқлаш ишлари ҳисобини олиб бориш тартиби

Таянч иборалар: *заҳиралар бўлими, лаборатория ва қадоқлаш турлари*

11.1.Дорихонада заҳиралар бўлимининг вазифалари.

Заҳиралар бўлимининг асосий вазифалари дорихона таъминотчиларидан келтирилган дори воситалар ва бошқа тиббий молларини қабул қилиб олиш, сақлаш, уларни бошқа бўлимларга даволаш-профилактика муассасаларига, ташкилотларга, шахобчаларига тарқатиш ҳамда лаборатория ва қадоқлаш ишларини амалга оширишдан иборат.

11.2.Заҳиралар бўлимидаги Фармацевт ва қадоқловчиларнинг вазифалари.

Заҳиралар бўлимида фармацевт ва қадоқловчилар хизмат қилиб, улар бевосита бўлим мудури ва муовинларига бўйсундилар.

Бўлимда фармацевт-технологнинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

- бўлимдаги лаборатория ишларини олиб бориш, жумладан, концентрланган эритмаларини, ярим фабрикатлар, дорихонада ва тез-тез учраб турадиган рецептлар бўйича олдиндан дорилар тайёрлаш;
- қадоқловчилар ўртасида ишларни тақсимлаб, қадоқланган маҳсулотларни қабул қилиш;
- товарлар сақлаш хоналарида давлат фармакопеяси ва амалда тасдиқланган йўриқномаларнинг талабларига мувофиқ тўғри сақланиш шартини таъминлаш;
- штангласларни дори ва дори воситалари билан тўлдириб туриш;
- бириктирилган даволаш профилактика муассасалари ва дорихона бўлимларидан тушган талабномалар асосида моллар тўплаш;
- дори воситалари ва бошқа тиббиёт молларига буюртма тузишда қатнашиш, вақтинчалик йўқ бўлган дори воситаларига буюртма тузишда қатнашиш, вақтинчалик савдода бўлмаган ва янги қабул қилинган дори воситаларининг ҳисобини олиб бориш;
- дорихонага олиб келинган молларни қабул қилишда қатнашиб, уларни сақланиш жойлари бўйича жойлаштиришни ташкил қилиш;

- бўлимда фармацевтик тартиб ва санитария режимига риоя қилишни назорат қилиб туриш ва бошқалар.

Қадоқловчилар эса қуйидаги вазифаларни бажарадилар:

- дори воситаларни қадоқлаш;
- молларни қабул қилишда ва бўлимларга тарқатишда қатнашиш;
- тарозилардан, қадоқлаш асбобларидан ва ускуналардан тўғри фойдаланиб, уларни озода сақланишини таъминлаш;
- фармацевт ва фармацевт ассистентларнинг ишлаб чиқаришга доир кўрсатмаларини бажариш.

Қадоқловчи бажарилган ишнинг сифати ва иш жойининг санитария ҳолати учун жавобгар ҳисобланади.

11.3.Дорихона омборхонасидан товарларни олиш, дорихонанинг бошқа бўлимларига ва шахобчаларига товарларни тарқатиш тартиблари.

Захиралар бўлими дорихона омборхонасидан товарларни олиш учун буюртма-талабнома ёзади. Буюртма талабнома 2 нусхада омборхонанинг тегишли бўлимлари учун расмийлаштирилади. Таркибида заҳарли, наркотик моддалар ва этил спирти бўлган дори воситалар учун алоҳида буюртма талабномалар ҳар ойда режа асосида дорихона омборхонасига, айрим ҳолларда режадан ташқари шошилиш буюртмалар тузилади.

Захиралар бўлимидан дорихонанинг бошқа бўлимларига ва шахобчаларига товарларни талабнома юк хатига мувофиқ берилади. Талабнома юк хати 3 нусхада тўлдирилади. унинг биринчи нусхаси товарлар ҳисоботига киритилиб, иккинчиси товарларни қабул қилган ходимга берилади, учинчи нусхаси эса уларни тарқатган моддий жавобгар шахсда қолади.

11.4.Захиралар бўлимидаги хоналар ва улар ўртасидаги боғлиқлик.

Захиралар бўлимида қуйидаги хоналар бўлади:

- товарларни қабул қилиш хонаси;
- тайёр дори воситаларини, иссиққа чидамсиз - термолабил дори воситаларини, минерал сувларни, ҳар хил идишларни, дори воситаларини тайёрлаш, уларни расмийлаштириш ва беришда керак бўладиган ёрдамчи материаллар, доривор ўсимликлар ҳамда боғлов материалларини сақлайдиган хоналар.

Айрим дорихоналарни Захиралар бўлимида лаборатория ва қадоқлаш ишларини бажариш учун алоҳида хона бўлиб, унда концентратлар, ярим фабрикатлар тайёрлаш ва қадоқлаш ишлари бажарилади. уларни бажариш учун эса ҳар хил кичик механизация воситаларидан фойдаланилади.

11.5.Захиралар бўлимидаги дори воситаларининг сақланиши.

Захиралар бўлимидаги дори воситалари давлат фармакопеяси талабларига мувофиқ сақланади. дори воситаларининг сақлаш қоида ва шартларига аниқ риоя қилинса, уларнинг бузилиш ҳолларини олди олинади. Дори воситаларини

сақлашда уларни токсикологик хоссалари, фармакологик гуруҳлари, қўлланиш усуллари, агрегат ҳолатлари, яроқлилиқ муддати таъсирчанлигига асосан гуруҳларга таснифланади.

Ёруғликка сезгир препаратлар тўқ зарғалдоқ рангли шиша идишларда, баъзида ёруғлик ўтказмайдиган қора қоғоз ёпиштирилган штангласларда сақланади.

Намликка сезгир препаратлар куруқ жойларда сақланади.

Резина буюмлари салқин хоналарда, қоронғи шкафларда ва токчаларда сақланади. улар сақланадиган хоналар ва шкафлардаги намлик 60% дан кам бўлмаслиги керак. унинг учун карбон кислотасининг эритмаси ва резина буюмларини эластиклигини сақлаш мақсадида аммоний карбонат ёки хлорид, очиқ идишларда қўйилади.

Боғлов материалларини куруқ ёруғ хоналарда алоҳида шкаф тортмаларида сақланади. уларни сақлашда техника хавфсизлиги қоидаларига риоя қилиш талаб қилинади.

11.6. Наркотик, заҳарли дори воситаларини, психотроп моддаларни, прекурсорларни, этил спиртини сақлашнинг ўзига хос хусусиятлари.

Наркотик, заҳарли дори воситалари, психотроп моддалар, прекурсорлар, этил спирти алоҳида шарт-шароитларга риоя қилинган ҳолда сақланади. наркотик, ўта заҳарли дори воситалар маҳсус сейфларда сақланади. ушбу дори воситалар сақланадиган хоналар ёруғлик ёки товуш сигнализацияси билан таъминланади.

Наркотик воситалар, психотроп моддалар, прекурсорлар сақланадиган сейфларнинг иккитадан калити бўлиши лозим. уларнинг бири жавобгар шахсда, иккинси эса мудирда бўлади.

Наркотик дори воситалари сақланадиган сейфларда уларни ўлчаш учун қўл тарозилари, дори воситаларини тайёрлаш учун ховонча, цилиндр, воронка бўлиши шарт.

Прекурсорлар сақланадиган хоналарда табиий вентиляция бўлиши лозим.

Прекурсорлар сақланганда чанг билан ифлосланмаслик ва бошқа чораларни кўриш керак, акс ҳолда портлаш ходисаси рўй бериши мумкин. этил спирти ва аланга олувчи препаратлар қаторига киргани учун уни оғзи маҳкам ёпиладиган идишларда ёруғликдан ҳимоя қилинган ҳолда, салқин жойларда, алоҳида хоналарда сақланиши керак.

Смена тугагач, юқорида қайд этилган моддалар сақланадиган хоналар ёпилиб, муҳрланади ёки пломбланади.

11.7. Лаборатория ва қадоқлаш ишлари ҳисобини олиб бориш тартиби

Захиралар бўлимида бажарилган лаборатория ва қадоқлаш ишлари “лаборатория ва қадоқлаш ишларини ҳисобга олиш дафтари”да қайд этилади. Бу дафтарда лаборатория иши учун берилган дори воситаларнинг номи, ўлчов бирлиги, микдори, баҳоси, умумий нархи билан биргаликда тайёрлаб, қадоқлаб

топширилган маҳсулотларнинг серияси, ўлчов бирлиги, номи, миқдори баҳоси, умумий нархи, хом ашё ва тайёр маҳсулотларнинг нархлари орасидаги фарқлар акс эттирилади, ҳамда ишни бажариб сифатини текшириб, қабул қилиб олган шахсларнинг имзолари қўйилади.

Дорихоналарда ходимларнинг иш фаолиятини енгиллаштириш учун олдиндан концентратлар, яримфабрикатлар тайёрланади:

50% ли глюкоза, 20% ли натрий бромид, 20% ли магний сульфат, 10% ли калий йодид, димедролнинг 1% ли, бор кислотасининг 2% ли, натрий тиосульфатнинг 60% ли, натрий хлориднинг 0,9% ли эритмалари ва ҳоказо.

Тайёрланадиган концентратлар, ярим фабрикатлар ва дорихона стандартларининг номенклатураси дорихона худудидаги “дори-дармон” давлат акционерлик уюшмаси ва назорат-аналитик лабораториялар билан келишилган бўлиши керак.

Тайёр дори воситалари бўлими ҳар хил секцияли шкафлар, столлар ва пештахталар билан жиҳозланади, ундан ташқари термолабил дори воситалари учун музлатгичлар, захарли, наркотик дори воситалари учун эса қулфланадиган темир сейфлар бўлади. Бўлимни мудир ва унинг ўринбосарлари – олий маълумотли фармацевтлар бошқаради. Ушбу бўлимнинг асосий вазифаси аҳолига турли тайёр дори воситаларини врач рецепти бўйича савдо қилишдир.

Дорихонадаги дори воситаларини ва бошқа тиббиёт буюмларини рецептсиз берадиган бўлим ҳам кутиш залига жойлаштирилади. У ҳар хил тўсиқлар билан ажратилган бўлади. Рецептсиз савдо бўлимини эса ўрта маълумотли фармацевт – ассистенти бошқаради. Бу бўлимнинг вазифаси аҳолига врач рецептсиз беришга рухсат этилган дори воситалари, гигиена буюмлари ҳамда бошқа тиббиёт моллари, беморлар парваришида ишлатиладиган буюмлар билан савдо қилишдан иборат.

Назорат саволлари

1. Дорихонада захиралар бўлимининг вазифалари.
2. Захиралар бўлимидаги Фармацевт ва қадоқловчиларнинг вазифалари.
3. Дорихона омборхонасидан товарларни олиш, дорихонанинг бошқа бўлимларига ва шахобчаларига товарларни тарқатиш тартиблари.
4. Захиралар бўлимидаги хоналар ва улар ўртасидаги боғлиқлик.
5. Захиралар бўлимидаги дори воситаларининг сақланиши.
6. Наркотик, захарли дори воситаларини, психотроп моддаларни, прекурсорларни, этил спиртини сақлашнинг ўзига хос хусусиятлари.
7. Лаборатория ва қадоқлаш ишлари ҳисобини олиб бориш тартиби

12-мавзу: ФАРМАЦЕВТИКА ХИЗМАТИНИ НАЗОРАТ РУХСАТНОМА ТИЗИМИ

Режа:

1. Назорат-рухсатнома тизимининг асосий вазифаси ва унинг шаклланиш босқичлари.
2. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Дори воситалари ва тиббий техника сифатини назорат қилиш бош бошқармаси ҳақидаги меъёрий ҳужжатлар.
3. Фармакология, фармакопея, наркотиклар назорати, тиббий техника назорати қўмиталари ва уларнинг вазифалари.
4. Фармацевт ик назорат, малака ошириш, метрология бўлимлари ва қайд этиш бюросининг вазифалари.

Таянч иборалари: *Назорат-рухсатнома тизими, метрология бўлими, Фармакология, фармакопея, наркотиклар назорати, тиббий техника назорати, қўмита, сертификатлаштириш сектори.*

12.1. Назорат-рухсатнома тизимининг асосий вазифаси ва унинг шаклланиш босқичлари.

- дори воситаларини тиббиёт амалиётида ишлатиш учун рухсат бериш ва татбиқ этиш босқичида тўлақонли ўрганилишини таъминлаш;
- корхоналар томонидан сифатсиз маҳсулотнинг ишлаб чиқарилиши ёки мамлакатга хориждан олиб келиниши;
- сақланиш ва сотиш (тарқатиш) шароитларининг бузилиши билан боғлиқ ноҳуш оқибатлардан истеъмолчиларни ҳимоя қилишдир.

Ўзбекистон Республикаси Фармацевт ика хизматининг назорат-рухсатнома тизимининг шаклланиш босқичлари:

- дори воситаларини тиббиёт амалиётида ишлатиш учун рухсат бериш ва татбиқ этиш босқичида тўлақонли ўрганилишини таъминлаш;
- корхоналар томонидан сифатсиз маҳсулотнинг ишлаб чиқарилиши ёки мамлакатга хориждан олиб келиниши;
- сақланиш ва сотиш (тарқатиш) шароитларининг бузилиши билан боғлиқ ноҳуш оқибатлардан истеъмолчиларни ҳимоя қилишдир.

12.2. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Дори воситалари ва тиббий техника сифатини назорат қилиш бош бошқармаси ҳақидаги меъёрий ҳужжатлар.

Янги дори воситаларни ишлаб чиқаришга тиббий амалиётда қўллашга Соғлиқни сақлаш вазирлиги рухсат беради. Янги дори воситаларини амалиётда қўллашдан олдин тегишли тартибда назоратдан ўтади. Ушбу ишлар асосан дори воситалари ва тиббий техника сифатини назорат қилиш бош бошқармаси томонидан амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 25 майдаги 181-сонли қарорига асосан дори воситалари, тиббий буюмлар ва даволаш профилактика озиқ-овқатлари сифатини назорат қилиш, стандартлаш ва сертификатлаш соҳасида ягона давлат сиёсатини таъминлашни муҳим вазифа қилиб қўйди. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги 1995 йил 2 июндаги 250-буйруғига асосан, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги таркибида «Дори воситалари ва тиббий техника сифатини назорат қилиш бош бошқармаси» ташкил этилди.

12.3. Фармакология, фармакопея, наркотиклар назорати, тиббий техника назорати қўмиталари ва уларнинг вазифалари.

Дори воситалари ва тиббий техника сифатини назорат қилиш бош бошқармасининг таркибида қуйидаги қўмиталар мавжуд:

1. ***Фармакология қўмитаси***
2. ***Фармакопея қўмитаси***
3. ***Гиёҳвандлик воситалари назорати қўмитаси***
4. ***Янги тиббий техника қўмитаси.***

Фармакология қўмитаси

Фармакология қўмитаси Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Дори воситалари ва тиббий техника сифатини назорат қилиш бош бошқармасининг клиник синовлари, тиббий амалиётда доривор, диагностик ва профилактик воситаларини қўллаш, доривор озиқланиш ва парафармация каби саволлари бўйича текширувчи орган ҳисобланади.

Фармакология қўмитасининг вазифаларига қуйидагилар қиради:

Клиник синовларни ҳар хил дори моддасида ўтказиш, тиббиёт амалиётида ишлаб чиқаришда янги доривор моддаларни қўллашни тавсия қилиш, эски дори моддаларини рўйхатдан чиқаришни тавсия қилиш.

Клиник синов-беморларда дори воситасининг самарадорлиги ва хавфсизлигини аниқланиши ёки тасдиқланиши бўлиб, бу синовлар фармакология қўмитасининг клиник базаларида шартнома асосида ўтказилади. Клиник синовларни ўтказиш тартиби ва босқичлари ЎЗР ССВнинг 2001 йил 25 июлдаги 334-сон буйруғига биноан тасдиқланган.

Фармакопея қўмитаси

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг фармакопея қўмитаси дори, диагностика ва профилактика воситалари, шунингдек, фармация ишлатиладиган ёрдамчи воситаларни стандартларни экспертизадан ўтказувчи, амалиётда жорий этишилишини таъминловчи бўлимдир.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 25 майдаги 181-сонли «Доривор воситалар, тиббий буюмлар ва даволаш профилактика озиқ-овқатлари сифати устидан давлат назоратини ташкил этиш тўғрисида»ги

қарорига биноан фармакопея қўмитаси «Ўзфармсаноат» давлат акционерлик концерни ихтиёридан қайта Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизими тасарруфига ўтказилди ва шу кунга қадар дори воситалари ва тиббий техника сифатини назорат қилиш бош бошқармаси таркибида фаолият кўрсатиб келмоқда.

Гиёҳвандлик воситалари назорати қўмитаси

Гиёҳвандлик воситалари назорати қўмитаси – 1961, 1971 ва 1988 йиллардаги наркотик воситалари, психотроп моддалар конвенцияси ҳолатлари асосида, шу воситалар ва моддалар бўйича ноқонуний муомалага қарши кураш олиб боровчи Ўзбекистон Республикасидаги компетент (ваколатли) орган ҳисобланади.

Гиёҳвандлик воситалари назорати қўмитаси вазифалари:

- гиёҳвандлик воситалари психотроп моддалар ва прекурсорларнинг қонуний муомаласи устидан назорат қилишни таъминлайди;
- 1961, 1971 ва 1988 йиллардаги БМТ конвенциялари тавсияномаларига мос равишда гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар, прекурсорлар рўйхатини кўриб чиқишда қатнашади;
- вазирликлар, ташкилотлар буюртмалари асосидаги тиббиёт ва илмий мақсадларда фойдаланиладиган наркотик воситалар психотроп моддалар ва прекурсорларни назорат қилади;
- Ўзбекистон Республикасига олиб кириш ва республикадан олиб чиқиш бўйича наркотик дори воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорлар ҳақидаги ҳақиқий шахсларни аризаларини кўриб чиқади;
- Ўзбекистон Республикасидаги наркотик воситалари, психотроп моддалар, прекурсорларни олиб кириш ва олиб чиқиш ҳуқуқини берувчи сертификатларни белгиланган тартибда беришни расмийлаштиради;
- наркотик воситалари, психотроп моддалар, прекурсорларга оид меъёрий ҳужжатларни тайёрлашда иштирок этади;
- наркотик воситалари, психотроп моддалари, прекурсорлар экспертизасининг янги услубларини баҳолашда қатнашади;
- фармакология қўмитасининг маълумотлари билан мос равишда оғрик қолдирувчи воситаларни баҳолайди;
- Ўзбекистон Республикаси давлат назоратига кирувчи наркотик воситалар, психотроп моддалар ва прекурсорлар муомаласи масалалари билан ҳуқуқни химоя қилиш ва бошқа органларга ёрдам беради;
- наркотик воситалар, психотроп моддалар ва прекурсорлар ҳақида услубий қўлланмалар, янги йўриқномалар ишлаб чиқади;
- янги наркотик воситалар, психотроп моддалар ва прекурсорлар ва мураккаб дори воситаларини баҳолашда қатнашади;
- наркотик воситалар, психотроп моддалар ва прекурсорлар муомаласи билан шуғулланувчи мутахассислар малакасини ошириш бўйича курслар, семинарлар ўтказади;

- Ўзбекистон Республикасининг наркотик воситаларга бўлган эҳтиёжини жамлайди ва БМТнинг наркотик назоратлар қўмитасига квота ажратиши билан юборилади;
- БМТнинг наркотик воситалар муомаласи бўйича халқаро наркотик воситалар назорати қўмитасига Ўзбекистон Республикаси бўйича ҳисоботларни тақдим этади.

Янги тиббий техника қўмитаси

Янги тиббий техника қўмитаси – республикага олиб кирилаётган ва республикада яратилаётган тиббий техникани қайд этишга рухсатномани тайёрлайди, бу қўмита ишида тиббий техника жихозлари ва махсулотларини сифатини назорат қилиш лабораторияси ёрдам беради.

Янги тиббий техника қўмитасининг вазифалари:

- янги тиббий техника, тиббий ашёлар ҳамда ташхис воситалари меъёрий ҳужжатларини кўриб чиқиш, уларнинг техник талаблари ва синовлари лойиҳаларини белгиланган тартибда тасдиқлашга тақдим этиш;
- экспертлар ҳулосалари, лаборатория текширувлари ва техник синовлар натижалари асосида тиббий техника, ашёлар ва ташхис воситалари клиник синовларига рухсат бериш;
- тиббий ашёлар ҳамда ташхис воситаларини қайд этиш ва тиббиёт амалиётида қўллаш масаласини ҳал этиш бўйича тақлифлар тайёрлаш;
- тиббий ашёлар ҳамда ташхис воситаларини ишлаб чиқариш учун тавсияномалар бериш.

12.4. Фармацевтик назорат, малака ошириш, метрология бўлимлари ва қайд этиш бюросининг вазифалари.

Бош бошқарманинг бўлимлари

Фармацевтик назорат бўлими – дори воситалари ва тиббий буюмларни сифат стандартлари талабларини бажарилиши сертификатланган махсулотларни ишлаб чиқариш, тайёрлаш, сифатини назорат қилиш, сақлаш, ташиш, сотиш ва қўллаш жараёнида назоратни амалга оширади.

Фармацевтика назорат бўлими ходимлари- ЎЗР ССВ нинг Фармацевт ика фаолияти бўйича лицензия комиссияси ишида иштирок этади. Яъни фармназорат бўлимининг ваколатлари доирасида Фармацевтика фаолиятини амалга оширувчи хўжалик юритувчи субъектларнинг шарт- шароитларига эксперт ҳулосаларни беради.

Малака ошириш курслари бўлими – Республикадаги маҳаллий ишлаб чиқариш корхоналари ходимларини ЖССТ «Яхши ишлаб чиқариш амалиёти» қоидалари бўйича ўқитилади.

Метрология бўлими – сертификация бўлимига тушган буюртмалардаги приборларни меъёрий ҳужжатларга мослигини синовлар асосида текширади.

Қайд этиш бюроси – чет эл ва маҳаллий ишлаб чиқарувчилар томонидан тавсия этилаётган дори воситалари ва тиббий техникани республикада сотишга рухсат этиш учун қайд этади.

Дори воситалари стандартизацияси ва экспертизаси давлат марказида илмий-услубий ва информатсион бўлими ҳамда сертификатлаштириш сектори мавжуд.

Илмий-услубий ва информатсион бўлими – республикада Фармацевт ика соҳаси бўйича илмий-амалий янгиликларни мазкур соҳа мутахассисларига ва аҳолига етказиш билан шуғулланади.

Ушбу вазифалари Ўзбекистон Фармацевт ик хабарномаси ва ҳар йили бир марта чиқариладиган Ўзбекистон Республикаси дори воситалари ва тиббий буюмларининг давлат реестрини чиқариш билан амалга оширилади.

Назорат саволлари

1. Назорат-рухсатнома тизимининг асосий вазифаси ва унинг шаклланиш босқичлари.
2. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Дори воситалари ва тиббий техника сифатини назорат қилиш бош бошқармаси ҳақидаги меъёрий ҳужжатлар.
3. Фармакология, фармакопея, наркотиклар назорати, тиббий техника назорати кўмиталари ва уларнинг вазифалари.
4. Фармацевтик назорат, малака ошириш, метрология бўлимлари ва қайд этиш бюросининг вазифалари.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Дори воситалари ва тиббий техника сифатини назорат қилиш Бош бошқармасининг дори, тиббий техника ва тиббиётда қўлланиладиган буюмларни қайд этиш бюроси низоми.
2. Дори воситалари экспертизаси ва стандартизацияси давлат марказини низоми.
3. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Дори воситаси ва тиббий техника сифатини назорат қилиш Бош бошқармаси фармакология кўмитасининг низоми.
4. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Дори воситаси ва тиббий техника сифатини назорат қилиш Бош бошқармаси фармакопея кўмитасининг низоми.
5. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 25 май 181-сонли қарорини бажариш мақсадидаги 250-сонли буйруғи . 02.05.1995й.
6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Доривор воситалар, тиббий буюмлар ва даволаш профилактик озик-овқатлари сифати устидан давлат назоратини ташкил этиш тўғрисида»ги 25 май 1995 йилдаги 181-сонли қарори.
7. Хидоятова З.Ш., Зайнутдинов Х.С. Дори воситалари ва тиббий техника махсулотлари сифатини таъминловчи назорат-рухсатнома тизими. Истеъмолчилар ҳуқуқини ҳимоялаш тизими. ўқув-услубий кўрсатма, 2000 йил 7-14 бетлар.

13.Мавзу: “ДАВОЛАШ ПРОФИЛАКТИКА МУАССАСАСИНИНГ ДОРИХОНАСИ ИШИНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ”

Режа

1. Даволаш профилактика муассасаси дорихонаси ва унинг асосий вазифалари.
2. ДПМ ихтисоси ва тузилишига кўра ундаги дорихоналар таснифи.
3. Дорихона мудирининг зиммасига юкланадиган вазифалар.
4. Заҳарли ва кучли таъсир этувчи дори-дармонларни сақлаш қоидалари.
5. Шифохона дорихоналарининг хоналари.

Таянч иборалари: *ДПМ, шифохона дорихонаси, заҳарли ва кучли таъсир этувчи дори-дармонлар*

13.1. Даволаш профилактика муассасаси дорихонаси ва унинг асосий вазифалари..

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2001 йил 5 сентябрда чиққан “Даволаш профилактика муассасалари дорихоналари ишини яхшилаш тўғрисида”ги 400 – сонли буйруғига биноан шифохона дорихоналари ўз фаолиятларини амалга оширишлари лозим. буйруққа асосан барча даволаш профилактика муассасалари дорихоналарида тайёрланаётган дори воситалари сифатини назорат қилишни стандарт талабларига мувофиқлаштириш, ҳамда даволаш профилактика муассасалари шифохоналари таркибидаги дорихоналарда тайёрланган дори воситалари билан белгиланган тартибда ҳудуддаги барча дпмларни таъминлаш чоралари кўрилиши шарт. Ундан ташқари буйруқда айтилишича ДПМ дорихоналари фаолиятини санитария қоидалари ва меъёрлари асосида амалга ошириш ишлари доимий назорат қилиниши керак.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 4 октябрь 2001 йилда чиққан “Соғлиқни сақлаш вазирлиги тасарруфидаги ДПМ дорихоналарида стерил дорилар тайёрлашни тартибга солиш тўғрисида”ги 444 – сонли буйруғи амалий ва назарий аҳамиятга эга. республика ҳудудида жойлашган даволаш профилактика муассасалари ички дорихонасида стерил дорилар тайёрлаш шарт-шароитларини яратиш бўйича тавсиянома берилган. Унда даволаш профилактика муассасалари ички дорихонасида стерил дори воситалари тайёрлашда ишлатиладиган зарур асбоб-ускуна ва жиҳозлар рўйхати келтирилган. Буйруқда дори воситалари тайёрлаш ҳамда таҳлил қилиш жараёнида фойдаланиладиган меъёрий ҳужжатлар, дорихоналарда таҳлил ишлари учун ишлатиладиган индикаторлар, реактивлар ва эритувчилар рўйхати берилган.

Даволаш профилактика муассасасининг дорихонаси ҳақидаги низомга биноан шифохона дорихоналари ўринларининг сони 100 ва ундан ортиқ бўлган даволаш профилактика муассасаларида ташкил этилади.

Даволаш профилактика муассасасининг дорихонаси ушбу муассасанинг бўлимлари билан бир ҳуқуқда ишлаб, уларни дори-дармон ва бошқа тиббиёт

моллари билан таъминлаб туради. Дорихонанинг ишлаш вақти даволаш профилактика муассасасининг бош врач томонидан белгиланади. Дорихона бевосита шифохонанинг бош врачига бўйсуниб, бўлим мудирлари ва врачлар билан узвий боғланиб ишлайди.

Даволаш профилактика муассасаси дорихонасининг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

- даволаш профилактика муассасаси бўлимларидан дори-дармонлар ва бошқа тиббиёт моллари учун талабномалар қабул қилиб олиш;
- қабул қилинган талабномалар бўйича соғлиқни сақлаш вазирлиги амалдаги буйруқлари асосида белгиланган тартибда дори турларини тайёрлаш, уларни сифатини назорат қилиш, ёрликлаш ва тегишли бўлимларга тарқатиш;
- даволаш профилактика муассасаси бўлимларини дори воситалар ишлаб чиқарувчи корхоналардан ва таъминотчилардан шартнома асосида; давлат реестрига киритилган дори воситалари, боғлов материаллари, беморлар парваришида ишлатиладиган буюмлар, санитария ва гигиена буюмлари, дезинфекция воситалари ҳамда тиббиёт молларини ва бошқа маҳсулотлар билан таъминлаш;
- шифохонадаги бўлимлари ва хоналаридаги дори воситалари боғлов материаллари, беморлар парваришида ишлатиладиган санитария ва гигиена ашёлари, дезинфекция воситалари ва бошқа тиббиёт буюмларини амалдаги меъёрий хужжатлар талаблари даражасида сақланиши, ишлатилишини назорат қилиш ва йўл қўйилган хато-камчиликларнинг аниқлаб, уларни бартараф этиш чораларини кўриш учун раҳбариятга ахборот бериш;
- тиббиёт ходимларига фармацевтика янгиликлари, дорихонада мавжуд бўлган, янги дорилар ва уларни ишлатилиши ҳақида ахборот бериш;

даволаш-профилактика муассасаси ихтисоси ва эҳтиёжига кўра дори воситалари ва тиббиёт буюмлари захирасини доимий равишда тўлдириб бориш;

- дорихонада мавжуд бўлган дори воситаларни сақлашда амалдаги санитария қоидалари ва меъёрларига ҳамда фармацевтика талабларга қатъий риоя қилиш;

13.2. ДПМ ихтисоси ва тузилишига кўра ундаги дорихоналар таснифи.

даволаш профилактика муассасаларсининг ихтисоси ва тузилишига кўра ундаги дорихоналарни қуйидагича таснифлаш мумкин:

- умумий турдаги шифохоналарнинг дорихоналари (аралаш, кўп ихтисосли шифохоналар);
- ихтисослаштирилган шифохоналарнинг дорихоналари (сил, инфекцион касалликлар шифохоналари, туғруқхоналар);
- рухий асаб касалликлари шифохоналари дорихоналари;
- махсус клиник шифохоналари дорихоналари.
- дорихона ишини бошқариш олий фармацевтика маълумотига эга бўлган ва мутахассислиги бўйича камида 3 йил ишлаган малакали шахсга рухсат этилди;

- дорихона мудир дпм раҳбари томонидан ўрнатилган тартибда ишга тайинланади ва ишдан бўшатилади, дпм раҳбарияти ва дорихона мудир ўртасида моддий жавобгарлик тўғрисида шартнома тузилади.
- ДПМ дорихонанинг раҳбари ва ходимлари белгиланган тартибда 5 йилда бир маротаба малака ошириш курсларида ўқишлари керак.

13.3.Дорихона мудир зиммасига юкланадиган вазифалар.

дорихона мудир зиммасига қуйидаги вазифалар юкланади:

- даволаш профилактика муассасаси бўлимларидан талабномалар қабул қилиб, дориларни тайёрлаб, сифатини назорат қилиб, уларни тарқатишни ташкил этиш;
- ўз вақтида ДПМ бўлимларини дори-дармонлар ва тиббиёт моллари билан таъминлашни уюштириш;
- дорихонадаги дори-дармонлар ва тиббиёт молларини уларнинг хоссаларига қараб давлат фармакопоеясининг ва бошқа меъёрий ҳужжатлар талабларига риоя қилган ҳолда сақлашни ташкил қилиш;
- дорихона санитария тартиби қоидаларига риоя қилиш;
- дори воситалари сифатини назорат қилиб, учраган хатоликлар тўғрисида бош врачга ёки унинг муовинига хабар бериш;
- ходимларнинг малакасини оширишни ташкил этиш;
- тасдиқланган шаклларда ўз вақтида ҳисоботлар тузиб топшириш.

13.4. Заҳарли ва кучли таъсир этувчи дори-дармонларни сақлаш қоидалари.

Заҳарли дори-дармонларни қулфланадиган темир шкафларда ва ёғочдан ясалган, қулфланадиган шкафларда сақланади, наркотик дорилар темир шкафларда қулфланган ҳолда сақланиб, эшикларни ичкари қисмида “А” ва заҳарли дориларни бир маротабалик ҳамда суткалик юқори истеъмол қилинадиган дозалари ёзилган рўйхати бўлади.

Кучли таъсир этувчи дори-дармонлар “Б” рўйхатида бўлиб, алоҳида қулфланадиган шкафларда сақланади. “А” ва “Б” рўйхатдаги темир а шкафларнинг калити тегишли жавобгар шахсда бўлиши шарт.

Заҳарли дори берилган накладной – талабномалар шифохона дорихонасида 2 йил давомида, наркотик дорилар 5 йил давомида ва қолганлари эса 1 йил давомида сақланади. Шу муддат ўтгандан сўнг юқори ташкилотлар томонидан ҳужжатларни тафтиш ўтказилгандан кейин тегишли тартибда йўқ қилинади.

Шифохона дорихоналарида савдо зали бўлмайди, чунки у аҳолига хизмат қилмайди. .

13.5. Шифохона дорихоналарининг хоналари.

Шифохона дорихоналарида қуйидаги хоналар мавжуд бўлади:

1. Ишлаб чиқариш хоналари - (кутиш хонаси, рецептларни қабул қилиш хонаси, рецептура жўнатиш хонаси, ассистентлар хонаси, дарчали асептика хонаси, инъекцияли эритмалар расмийлаштириш хонаси, идишларни қайта ювиб стериллаш хонаси, қадоклаш хонаси, фармацевт аналитик хонаси, тозаланган сув олиш хонаси, молларни очиш хонаси).

2. Сақлаш учун хоналар - (тайёр дорилар, курук ва суюқ дорилар, боғлов материаллари, хирургик асбоблар, врачлик буюмлари, оловдан хавфли нарсалар, дезинфекция воситалари, кислоталар хонаси, доривор ўсимликлар, идишлар, ёрдамчи материаллар хонаси, музлатувчи камералар хонаси).
3. Маиший хўжалик хоналари – (экспедиция хонаси).

Назорат саволлари

1. Даволаш профилактика муассасаси дорихонаси ва унинг асосий вазифалари.
2. ДПМ ихтисоси ва тузилишига кўра ундаги дорихоналар таснифи.
3. Дорихона мудирининг зиммасига юкланадиган вазифалар.
4. Заҳарли ва кучли таъсир этувчи дори-дармонларни сақлаш қоидалари.
5. Шифохона дорихоналарининг хоналари.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Санитарные правила и нормы устройства аптек по реализации готовых лекарственных медикаментов. Сан-Пин 0162-04. –Ташкент: 2004. –с.7.
2. Ўзбекистон Республикаси гигиеник нормативлар, санитар қоидалар ва меъёрларнинг амал қилиш муддатини узайтириш тўғрисида. (Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 381-сон буйругидан кучирма). Ўзбекистон фармацевтика хабарномаси.2003 йил. №1. б.42-45.
3. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2001 йил 5-сентябрдаги 400-сонли буйруғи “ДПМ дорихоналари ишини яхшилаш тўғрисида”
4. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2001 йил 4-октябрдаги 444- сонли буйруғи “Соғлиқни сақлаш вазирлиги тасарруфидаги ДПМ дорихоналарида стерил дорилар тайёрлашни тартибга солиш тўғрисида”

14-мавзу: ДОРИ ВОСИТАЛАРИГА БЎЛГАН ЭХТИЁЖ ВА ТАЛАБ ИСТИҚБОЛИНИ АНИҚЛАШ

Режа

1. Дори воситаларига бўлган эҳтиёж ва унга таъсир этувчи омиллар.
2. Алоҳида фармакотерапевтик гуруҳ дори воситаларига бўлган эҳтиёжни аниқлаш услублари.
3. Қондирилган, қондирилмаган ва шаклланаётган талаб тушунчалари.
4. Сўров, талаб, истеъмолад тушунчалари.
5. Эҳтиёжни аниқлашнинг замонавий усуллари.

Таянч иборалар: *Сўров, талаб, истеъмолад, эҳтиёж тушунчалари*

14.1. Дори воситаларига бўлган эҳтиёж ва унга таъсир этувчи омиллар.

Дори воситаларига бўлган эҳтиёж - бу аҳолини дори ва дорихона буюмларини сотиб олиш имкониятини қайд қилиш ва уларга бўлган талабни ўз вақтида қондириш-демакдир.

Эҳтиёжга таъсир этувчи омиллар: аҳоли сонини ўсиши, фаолиятнинг географик кенгайиши, аҳолининг моддий ва маънавий даражаси, давонинг давомийлиги, эпидемия, табиий офат, тиббий ва фармацевтик ходимнинг компетентлиги.

14.2. Алоҳида фармакотерапевтик гуруҳ дори воситаларига бўлган эҳтиёжни аниқлаш услублари.

Алоҳида фармакотерапевтик гуруҳ дори воситаларига бўлган эҳтиёжни аниқлаш услублари:

Таъсир доираси кенг бўлган дори воситалари (оғрик қолдирувчи, иситма туширувчи).

Махсус таъсирга эга бўлган (сил, қандли диабет касаллиги) касалликларни даволашда ишлатиладиган алоҳида гуруҳ дори воситалари.

3. Истеъмоли чекланган дори воситалари (наркотик дорилар, этил спирти)

Таъсир доираси кенг бўлган дори воситаларига бўлган эҳтиёжни топиш учун иқтисодий математик усуллардан фойдаланилади.

Махсус таъсирга эга бўлган касалликларини даволашда ишлатиладиган алоҳида гуруҳлар учун қуйидаги формуладан фойдаланиб эҳтиёж топилади.

Э=Д х К х Б.

бу ерда Э-махсус дори воситаларга бўлган бир йиллик эҳтиёж.

Д-битта беморга даволаш курси давомида кетадиган миқдор.

К - даволаш курслари сони .

Б - айти дори воситаси ёрдамида даволанадиган беморлар сони.

демак, махсус таъсирга эга бўлган дориларга бўлган эҳтиёжни аниқлашда шу касаллик бўйича аҳолининг касалланиш даражаси, даволаш усуллари ва дори воситаси миқдори каби кўрсаткичларни жамлаб, тахлил қилиш тавсия этилган.

Бунда бир беморга дори воситасининг 1 курс даволаниши учун сарфланиши ва 1 йилда тахминий даволаниш курси сони аниқланади.
истеъмоли чекланган дори воситаларига бўлган эҳтиёж қуйидаги формула билан ифодаланади;

$$\Xi = \frac{M \times A}{1000}$$

бу ерда Ξ - 1 йилга ушбу препарат учун максимал тўғри келадиган эҳтиёж. M - бир йилга 1000 та аҳоли учун шу препаратнинг меъёри .
 A - аҳоли сони.

14.3. Қондирилган, қондирилмаган ва шаклланаётган талаб тушунчалари.

Талабни ўрганиш борасида 3 хил тури фарқланади;

1. Қондирилган талаб-бу дорихонада аҳоли истеъмоли учун доимо етарли миқдорда бор бўлган дори воситалари ва тиббиёт буюмлари салмоғидир.
2. Қондирилмаган талаб-дорихона системасига келмаган ёки кам миқдорда келиб тушган дори воситаларидир.
3. Шаклланаётган талаб-бу янги дори воситалар кам миқдорда ўрганилган дори воситаларига бўлган талабдир.

қондирилмаган талаб қуйидаги формула ёрдамида топилади:

$$п = (…Тф \cdot До…) + П_0 + П_1$$

Дф

$п$ - маълум вақтдаги қондирилмаган талаб ҳажми.

$Тф$ - дорихона тармоғига берилган дори воситалар миқдори.

$До$ - таъминлаб берилмаган дори воситалар миқдори.

$Дф$ – дорихонада дори воситалари мавжуд бўлган кунлар сони.

$П_0$ – даволаш муассасалари қошидаги дорихоналар, қанча миқдорда дори воситалари билан таъминланмаганлиги.

$П_1$ – дорихона омборларидан таъминланувчи даволаш муассасалари қанча миқдорда дори воситалар билан таъминланмаганлиги.

14.4. Сўров, талаб, истеъмол тушунчалари

Сўров - аҳолининг, дпмларнинг илмий, практикавий ютуқларини ҳисобга олгандаги дорихона шароитида қондириш.

Талаб - дорихона системасида бўлиши керак бўлган дори воситалари миқдоридир.

Истеъмол – сотилган дори воситалари ва бошқа тиббиёт молларини ҳажми билан белгиланади.

14.5. Эҳтиёжни аниқлашнинг замонавий усуллари.

Ҳозирги вақтда замонавий усуллар ёрдамида эҳтиёж аниқланади:

- меъёрлаштириш;
- аналитик тенглаштириш;

- корреляцион таҳлил қилиш;
- регрессион таҳлил қилиш;
- индекс усули;
- иқтисодий математик усули;
- экстраполяция усули;
- трендли ва кўп омилли моделлаштириш.

Назорат саволлари

1. Дори воситаларига бўлган эҳтиёж ва унга таъсир этувчи омиллар.
2. Алоҳида фармакотерапевтик гуруҳ дори воситаларига бўлган эҳтиёжни аниқлаш услублари.
3. Қондирилган, қондирилмаган ва шаклланаётган талаб тушунчалари.
4. Сўров, талаб, истеъмол тушунчалари.
5. Эҳтиёжни аниқлашнинг замонавий усуллари.

Фойдаланган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги 2016 йил 11 январдаги 28-сонли «Асосий дори воситалари рўйхатини тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруғи.
2. Приказ №41 Об утверждении Положения О координации учёту и контролю целевого использования средств технического содействия и гуманитарной помощи, применяемых в медицинской практике в Республике Узбекистан от 16 февраля 2009 года.
3. ЎзРВМнинг 12 ноябр 2015 йил “Тиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларни ЎзР ҳудудига олиб кириш, ундан олиб чиқиш ва транзит тарзида ўтказиш тартибини, шунингдек уларнинг муомалада бўлиши юзасидан назоратни такомиллаштириш тўғрисида”ги 330- сонли қарори.
4. ЎзРВМнинг 2012 йил 29 мартдаги “Тиббиёт муассасаларининг моддий техника баъзасини янада мустахкамлаш ва фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 91-сонли қарори
5. www.fitq.zn.uz
6. www.lex.uz

15-мавзу: ФАРМАЦЕВТИК ЛОГИСТИКА ТИЗИМИ

Режа:

1. Фармацевт ик логистика ҳақида тишунча.
2. Логистик тизим, логистика инфраструктураси, логистик сарф-харажатлар, логистик канал, логистик занжир терминлари.
3. Товар ҳаракатининг каналлари.
4. Улгуржи воситачилар.

Таянч иборалар: *логистика, логистик тизим, логистика инфраструктураси, логистик сарф-харажатлар, логистик канал, логистик занжир*

15.1. Фармацевтик логистика ҳақида тишунча.

Фармацевтик логистика — Фармацевтик ва бошқа товарлар ҳамда улар билан боғлиқ бўлган Фармацевтик ёрдамда истеъмолчиларни қониқтира оладиган ахборотли, молиявий ва хизмат қилиш оқимларини ўз ичига оладиган бошқариш ҳамда қулайлаштиришни таъминлайдиган фан ва амалий фаолиятдир.

- Логистика моддий ресурсларни тақсимлаш, ишлаб чиқаришни техник, технологик, ташкилий таъминлаш тўғрисидаги фан сифатида, илмий-техник тараққиёт таъсири натижасида маҳсулотлар айлануви жараёнини такомиллаштириб боришга бўлган доимий талаб таъсири остида райдо бўлди.
- Логистика қуйидагиларга асосланади:
- техникага (материаллар оқими);
- ахборотга (ахборотлар оқими);
- ишлаб чиқаришга (мос ҳолдаги бошқарув моделлари билан).

15.2. Логистик тизим, логистика инфраструктураси, логистик сарф-харажатлар, логистик канал, логистик занжир терминлари.

логистик тизим (ЛТ) деганда элементлар ва улар ўртасида юк (материал) оқимини, у пайдо бўлган нуқтадан истеъмол қилинадиган нуқтагача бошқариш мақсадида пайдо бўладиган ўзаро алоқалар ҳамда бу жараёнлар усҳун зарур бўлган ахборот оқимлари йиғиндиси тушунилади.

Логистик тизимнинг элементлари қуйидагилардир: ишлаб чиқарувчи, қайта ишловчи корхоналар ва бошқа тармоқларнинг корхоналари, тижорат-воситачилик корхоналари, транспорт ва омбор қувватлари, етказиб берувчилар, буюртмачилар, ахборот тизимлари, ахборотни йиғиш, қайта ишлаш ва узатиш мосламалари, бошқарув органлари (менежмент).

Логистика инфраструктураси деганда бир корхонадан бошқа корхонага моддий ва ахборот оқимларини ишонсҳли ҳамда бир маромда етказиб турилишини таъминлайдиган транспорт ва бошқа зарурий элементларнинг йиғиндиси тушунилади.

- Қуйидагиларга қилинган харажатлар логистик сарф-харажатлар ҳисобланади:

- — ташишга, ортишга, туширишга, қайта ортишга, юкларни манипуляция қилишга;
- — транспорт — омбор ишларининг ҳамма турлари бўйича тахлаш;
- — ахборот хизматини кўрсатиш, яъни ахборот оқимларини ташкил этиш;
- — айланма маблағларни тутиб туришга ва омборларда юкларни сақлаб туриш натижасида қилинаётган таваккалчилик;
- — логистик бошқаришга.
- **Логистик канал** — етказиб берувчи, истеъмолчи, ташувчи, воситачи, суғуртачилардан иборат қисман тартибга солинган кўплик. Истеъмолчи ёки етказиб берувсхи бозор иқтисодиёти шароитида ташувчиларни, суғуртачиларни ва ҳоказоларни турли хил усуллар билан (рейтингини ҳисоблаш, операцияларни тадқиқ қилиш усуллари кўллаш ва ҳоказо) танлаш имкониятига эгадир. Танлаш амалга оширилгандан сўнг логистик канал, логистик занжирга айланади.
- **Логистик занжир** — бу чизиқли тартибга солинган кўплаб жисмоний ва юридик шахс (ишлаб чиқарувчилар, дистрибьюторлар, умумий фойдаланиладиган омбор)ларнинг кўплиги бўлиб, улар ташқи моддий оқимни бир ЛТ дан бошқа ЛТ га етказиб бериш бўйича ёки якуний истеъмолчига етказиб бериш бўйича (ноишлаб чиқариш истеъмоли, шахсий истеъмол) операцияларни амалга оширади. Умумий ҳолда логистик занжир ишлаб чиқарувчи истеъмолчи, воситачи ва ташувчиларни бирлаштиради.

15.3. Товар ҳаракатининг каналлари.

- Товар ҳаракатининг 2 та асосий тури мавжуд:
- **Тўғри.**
- **Эгри.**
- Агар маҳсулот ишлаб чиқарувчидан бевосита истеъмолчига етиб борса, бу каналнинг тўғри тури ҳисобланади. Бунда фақат 2 та қатнашувчи иштирок этади.
- Тўғри каналларнинг яна бир номи бу — нол даражали канал.
- Егри (кўп даражали) канал — маҳсулотни ишлаб чиқарувчидан истеъмолчига воситачилар тизими орқали сотилиши. Агар воситачи 1 та бўлса — бу биринчи даражали канал.
- Агар воситачи 2 та бўлса — иккинчи даражали канал.
- Товар ҳаракати каналлари вертикал ва горизонтал бўлиши мумкин:
- — вертикал товар ҳаракати каналлари ягона тизим сифатида иш кўрсатади, ишлаб чиқарувчи, улгуржи ва чакана воситачилар, истеъмолчиларни ўз ичига олади. Улар умумий мақсадларни кўзлайди ва бирлашган назоратда хизмат кўрсатади;
- — горизонтал товар ҳаракати каналлари, бир қанча фирмалар бирлашмаси бўлиб, аниқ бозорни биргаликда эгаллаш учун мўлжалланган. Бундай сотиш тизимдан дорихона тизимида ҳам фойдаланса бўлади. Масалан: кенг кўламда реклама компаниясини ўтказиш ва ўз товарлари савдосини кўпайтириш мақсадида аниқ худуд дорихоналарини бирлаштириш.

15.4. Улгуржи воситачилар.

- Товарларни ишлаб чиқарувчидан истеъмолчига етказиб беришда тадбиркорлик фаолияти мақсадида товарлар ёки хизматларни сотиш ва олиб сотиш мақсадида **улгуржи воситачи** (ташкилотлар ва алоҳида шахслар)нинг ўрни катта.
- **Улгуржи воситачиларнинг асосий вазифаси** — ишлаб чиқарувчилар ва чакана сотувчилар (дорихоналар билан) ўртасидаги узилишни йўқотиб, мунтазам алоқаларни ва марказлаштиришни таъминлашдир.
- Фармацевтик товарлар ҳаракати тизимининг зарур шarti — улгуржи воситачи (дорихона омбори) алоқалари орқали истеъмолчиларга етказиш ҳисобланади.
- **Улгуржи воситачилар функциялари**
- Фармацевт ика бозорда улгуржи воситачилар қуйидаги функция-ларни бажаради:
 - — Маркетинг — бозорни комплекс таҳлили, товар сиёсати ва нарх сиёсати ва бошқаларни амалга ошириш.
 - — Ахборотли — керакли ахборот билан таъминотчиларни ва чакана ташкilotларни таъминлаш.
 - — Товарларни қабул қилиш, сақлаш ва товар захираларини бошқариш.
 - — Товарни ташиш.
 - — Ўз харидорларини кредитлаш — товарларни истеъмолчиларга кредитга бериш.
 - — Режалаштирилмаган харажатлар хавф-хатарини қайта тақсимлаш.
 - — Товарга эгалик ҳуқуқини олган ҳолда улгуржи воситачилар, товарларнинг бузилиши, ўғирланиши, унга қўйилган нархларнинг пасайиши билан боғлиқ бўлган маълум хавф-хатардан ишлаб чиқаришни халос этадилар.
- **Улгуржи воситачилар таснифи**
- Улгуржи воситачилар боғлиқ бўлган ва боғлиқ бўлмаган воситачиларга бўлинади:
 - **Боғлиқ бўлмаган воситачилар** таъминотчилардан товарни сотиб оладилар, товар сотиш ҳуқуқини олгандан сўнг улгуржи воситачиларга хос бўлган ҳамма функцияларни бажарадилар. Уларга дистрибьютерлар киради — бу фирмалар йирик ишлаб чиқарувчилардан тўлиқ улгуржи сотиб олиш асосида савдони бажаради. Дистрибьютерлар шахсий омборхоналарга эга, улар, одатда, товар ишлаб чиқарувчилари билан узоқ муддатли алоқалар ўрнатадилар.
 - **Боғлиқ бўлган воситачилар** — товарга эгалик ҳуқуқини олмаган ва бевосита савдода иштирок этмайдиган фирмалар ёки айрим тадбиркорлар (агент ва брокерлар). Улар сотиш ёки олди-сотти жараёнларига қўмаклашади, яъни сотувчилар ва харидорларни бирлаштиради ҳамда ахборот ва маркетингли функцияларни бажарадилар.

Назорат саволлари

1. Фармацевт ик логистика ҳақида тишунча.
2. Логистик тизим, логистика инфраструктураси , логистик сарф-харажатлар , логистик канал , логистик занжир терминлари.
3. Товар ҳаракатининг каналлари.
4. Улгуржи воситачилар

Фойдаланилган адабиётлар

1. Э.Р.Тошмухамедов, Х.С.Зайнутдинов ва бошқалар “Фармацевтика ишини ташкил қилиш” Тошкент-2007 221 бет
2. Ўзбекистон Фармацевтик хабарномаси. 2002йил № 4.29-бет.
3. Х.С.Зайнутдинов, Р.З.Зияев, О.С.Исаходжаев, Г.Э.Содиқова “Фармацевтика ишини ташкил қилиш ва иқтисодиёти” Тошкент 2012 йил 445 бет.

16-мавзу: ФАРМАЦЕВТИКА БОЗОРИДА УЛГУРЖИ САВДО ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛЛАШТИРИШ

РЕЖА:

- 1.Дорихона омборининг асосий вазифалари.
2. “Ўзбекистон Дори Таъминоти” МЧЖнинг асосий фаолият турлари.
3. Омборхонага келаётган дори воситалари ва тиббиёт буюмларини сифатини текшириш
4. “Ўзбекистон Дори Таъминоти” МЧЖдаги омборхоналар ва бўлимлар.
- 5.Шартнома тузишда топшириладиган ҳужжатлар.

Таянч иборалар: *улгуржи савдо, МЧЖ, дори таъминот, дорихона омборхонаси, шартнома.*

16.1. Дорихона омборининг асосий вазифалари.

- 1.Тиббиёт буюмларини етказиб беришнинг алоҳида шартлари ва тузилган шартномаларга мувофиқ таъминотчилардан миқдори ва сифати жиҳатидан қабул қилиш.
- 2.Дори воситаларининг физикавий кимёвий хоссаларини эътиборга олган ҳолда уларни сақлаш учун Давлат Фармакопиясининг талаблари, юқори ташкилотлар тасдиқлаган буйруқ ва йўриқномалардаги қоидаларга биноан тегишли шарт-шароитлар яратиш.
- 3.Бўлимлардаги моддий бойликларни тўлиқ сақланишини таъминлаш.
- 4.ДПМ ва бошқа муассасаларнинг буюртмаларини бажариш.
- 5.Дорихона тармоқларига дори воситалари ва тиббиёт буюмларини етказиб бериш.



16.2. “Ўзбекистон Дори Таъминоти” МЧЖнинг асосий фаолият турлари.

Ўзбекистон дори таъминоти Шўъба корхонасини бошқарувини оптималлаштириш мақсадида ҳамда Шўъба корхоналарининг ташкилий ҳуқуқий шаклини қонун талаблари асосида белгилаш, ҳамда уни бошқаришнинг самарали бошқарув тизимини шакллантириш мақсадида бу корхонани қайта ташкил этиш лозим.

“Ўзбекистон Дори таъминоти” МЧЖ Тошкент шаҳар Олмазор тумани Тадбиркорлик субъектларини Давлат рўйхатидан ўтказиш Инспекциясининг 2014 йил 24 февральдаги 259 реестр рақами билан рўйхатга олинган. “Ўзбекистон Дори таъминоти” МЧЖнинг ягона таъсисчиси ОАЖ Дори-дармон Ак томонидан 2014 йил 13 февраль 12а-сонли қарори билан тасдиқланди.

“Ўзбекистон Дори таъминоти” МЧЖ қуйидаги асосий фаолият турлари билан шуғулланади:

Дорихона муассасаларини, назорат таҳлилий лабораторияларини очиш, дорихона омборларини ташкил этиш;

корхона фаолияти йўналишлари аҳолини ДПМларни сифатли дори-дармон воситалари ва тиббий маҳсулотлар билан таъминлаш;

ҳаётий муҳим бўлган дори-дармон воситалари ва тиббий маҳсулотларга буюртмаларни шакллантириш ва уларга Республика Соғлиқни сақлаш муассасаларининг бўлган эҳтиёжини тузиладиган шартномалар асосида қондириш.

16.3. Омборхонага келаётган дори воситалари ва тиббиёт буюмларини сифатини текшириш

Дорихона омборхонасига тушган маҳсулотлар сифат назоратидан ўтадилар. НТЛ “Таҳлил №” деган ҳужжатда буни расмийлаштиради. Унда препаратнинг номи, ташқи кўриниши, физик хоссалари, чинлиги, тозаллиги ёрлиқларнинг мос келиши, ҳажми, механик аралашмалар, ўртача оғирлиги, камчилиги, парчаланиши, намлиги зичлиги, эриш ҳарорати кўрсатилади. Таъминловчи, серия номери, сериядаги миқдори, яроқлилиқ муддати, таҳлилга сарфланган сони, бўлимга топширилган қолдиқ ва хулоса, фармацевт имзоси билан расмийлаштирилади.

16.4. “Ўзбекистон Дори Таъминоти” МЧЖдаги омборхоналар ва бўлимлар.

• Дори таъминоти МЧЖда тўртта омборхона мавжуд:

• 1. 2 омборхона-чет элдан кириб келадиган дори воситалари сақланади.

• 2. 2/1 омборхона-Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқариладиган маҳаллий дори воситалари сақланади

• 3. 1 омборхона-Гиёҳванд дори воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорлар сақланади.

• 4. 2/С омборхона- 96градусли тоза спирт сақланади (Давлат бюджетдаги шифохоналар ва ташкилотларни таъминлаш учун)

- 1 омборхона-Гиёҳванд дори воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларнинг ҳисобини олиб бориш дафтари тутилади. Дафтарда қуйидагилар акс эттирилади:

- 1-бет
- 2. воситанинг номи
- 3. ой.
- 4. биринчи санагача бўлган қолдиқ.
- 5. қирим: қимдан олинди, ҳужжатнинг номери ва санаси, миқдори.
- 6. жами.
- 7. чиқим. Қимга берилди, ҳужжатнинг номери ва санаси, миқдори
- 8. жами
- 9. китобдаги қолдиқлар
- 10. моддий жавобгар шахснинг имзоси
- Дафтарнинг охирида дафтар қачон тутилганлиги, бетлари, санаси, ва Ўзбекистон Республикаси Дори Таъминоти МЧЖ директори имзоси ва тўрта нусхадаги муҳрлар босилади
- “Ўзбекистон Дори таъминоти” МЧЖда қуйидаги бўлимлар мавжуд:
- 1. Қабул қилиш бўлими.
- 2. Савдо ва таъминот бўлими.
- 3. Бухгалтерия бўлими.
- 4. Хўжалик ишлари бўлими.
- 5. Хавфсизликни сақлаш бўлими.
- 6. Экспедиция бўлими.



16.5. Шартнома тузишда топшириладиган ҳужжатлар.

- Корхона ва ташкилотлар билан шартнома тузишдан олдин қуйидаги ҳужжатлар топширилади:
- 1. Лицензия.
- 2. Лицензия битими.
- 3. Назорат касса машинаси бўйича маълумотнома.

- 4. Рўйхатдан ўтказиш карточкаси ва юридик шахсни давлат рўйхатига ўтказиш тўғрисида гувоҳнома.
 - 5. Юридик хулоса.
- Шартнома тузилгач шартномага *спецификация* деган хужжат қилинади, пул ўтказиш учун счёти очилади. Масалан 15% 10 кун мобайнида аввалдан тўланади (Шартномага имзо чекилгандан сўнг). Қолган сумманинг 85%ни счёти фактурага имзо чекилгандан сўнг 30 кун мобайнида тўлаш лозим.
 - Накладная счёти-фактурага менежер, бош бухгалтер, раҳбар ва товарни берган шахслар имзо чекадилар.
 - Экспедиция бўлимида ишончномага имзо чекилади бу хужжат 3 та нусхада тузилади
 - 1-нусхаси Дори Таъминоти омборхонасида қолади
 - 2-нусхаси Дори Таъминоти бухгалтериясида қолади
 - 3-нусхаси Харидорда қолади

Назорат саволлари

1. Дорихона омборининг асосий вазифалари.
2. “Ўзбекистон Дори Таъминоти” МЧЖнинг асосий фаолият турлари.
3. Омборхонага келатган дори воситалари ва тиббиёт буюмларини сифатини текшириш
4. “Ўзбекистон Дори Таъминоти” МЧЖдаги омборхоналар ва бўлимлар.
5. Шартнома тузишда топшириладиган хужжатлар.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Э.Р.Тошмухамедов, Х.С.Зайнутдинов ва бошқалар “Фармацевтика ишини ташкил қилиш” Тошкент-2007 221 бет
2. Ўзбекистон Фармацевтик хабарномаси. 2002йил № 4.29-бет.
3. Х.С.Зайнутдинов, Р.З.Зияев, О.С.Исоходжаев, Г.Э.Содиқова “Фармацевтика ишини ташкил қилиш ва иқтисодиёти” Тошкент 2012 йил 445 бет.

17- мавзу: ДОРИХОНАДА ГИЁХВАНД ДОРИ ВОСИТАЛАРИ, ПСИХОТРОП МОДДАЛАР ВА ПРЕКУРСОРЛАР МУОМАЛАСИ

Режа:

1. Гиёхвандлик воситалари ва психотроп моддалар тўғрисидаги қонун ҳақида.
2. Гиёхвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорлар билан боғлиқ фаолиятни лицензиялаш тартиби.
3. Гиёхвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларни сақлаш.

Таянч иборалар: *Гиёхвандлик воситалар, психотроп моддалар, лицензия, прекурсорлар.*

17.1. Гиёхвандлик воситалари ва психотроп моддалар тўғрисидаги қонун ҳақида.

Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида Ўзбекистон Республикасининг гиёхвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорлар тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади. Ушбу қонунда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади: гиёхвандлик (наркотик) воситалари — гиёхвандлик воситалари рўйхатига киритилган ва Ўзбекистон Республикасида назоратга олинadиган, келиб чиқиши синтетик ёки табиий моддалар, таркибида гиёхвандлик моддаси бўлган препаратлар ва ўсимликлар;

психотроп моддалар — психотроп моддалар рўйхатига киритилган ва Ўзбекистон Республикасида назоратга олинadиган, келиб чиқиши синтетик ёки табиий моддалар; прекурсорлар — прекурсорлар рўйхатига киритилган ва Ўзбекистон Республикасида назоратга олинadиган гиёхвандлик воситалари ва психотроп моддалар тайёрлаш учун фойдаланиладиган моддалар; гиёхвандлик воситалари ва психотроп моддаларнинг аналоглари — кимёвий тузилиши ва хоссаларига кўра гиёхвандлик воситалари ва психотроп моддаларга ўхшаш, улар сингари руҳиятга фаол таъсир этувчи, келиб чиқиши синтетик ёки табиий моддалар; препарат — моддаларнинг ҳар қандай физик ҳолатдаги, таркибида битта ёки бир нечта гиёхвандлик воситалари ёхуд психотроп моддалар бўлган аралашмаси;

гиёхвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларнинг муомалада бўлиши — гиёхвандлик воситалари, — психотроп моддалар ва прекурсорларни олиб кириш (олиб чиқиш), транзит тарзида ўтказиш, сақлаш, бериш, реализатсия қилиш, тақсимлаш, олиш, ташиш, жўнатиш, ишлаб чиқиш, ишлаб чиқариш, тайёрлаш, улардан фойдаланиш ва уларни йўқ қилиш, шунингдек таркибида гиёхвандлик моддаси бўлган ўсимликларни етиштириш; гиёхвандлик (наркомания) — гиёхвандлик воситаларига руҳий-жисмоний қарамлик билан боғлиқ касаллик; заҳарвандлик (токсикомания) — психотроп моддаларга, шунингдек дорилик хусусиятига эга бўлмаган, келиб чиқиши

синтетик ёки табиий, гиёҳвандлик воситаларга ўхшаш руҳиятга фаол таъсир этувчи моддаларга руҳий-жисмоний қарамлик билан боғлиқ касаллик.

17.2. Гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорлар билан боғлиқ фаолиятни лицензиялаш тартиби.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003-йил 16-июлдаги “Гиёҳванд воситалар, психотроп моддалар ва прекурсорлар муомаласи билан алоқадор бўлган лицензия фаолияти тўғрисида” ги 315-сон қарорига мувофиқ бу фаолият турига қуйидагилар кириди:

1. Гиёҳванд воситалар, психотроп моддалар ва прекурсорларларни олиб кириш (олиб чиқиб кетиш).
2. Гиёҳванд воситалар, психотроп моддалар ва прекурсорларларни сақлаш.
3. Гиёҳванд воситалар, психотроп моддалар ва прекурсорларларни тарқатиш ва сотиш.
4. Янги гиёҳванд воситалар, психотроп моддаларни ишлаб чиқиш.
5. Гиёҳванд воситалар, психотроп моддалар ва прекурсорларларни ишлаб чиқариш ва тайёрлаш.
6. Гиёҳванд воситалар, психотроп моддалар ва прекурсорларлардан илмий ва ўқув мақсадларида фойдаланиш.
7. Гиёҳванд воситалар, психотроп моддалар ва прекурсорларларни йўқ қилиш.
8. Гиёҳванд воситаларни сақловчи ўсимликларни маданийлаштириш.

17.3. Гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларни сақлаш.

Гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларни сақлаш бўйича техник талаблар Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг 2001 йил 17 июндаги “Гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларни сақлаш бўйича техник талаблар тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида”ги қўшма қарорига мувофиқ амалга оширилади.

Ушбу қўшма қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2001 йил 11 июлда 1048-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилган, 2001 йил 21 июлдан бошлаб кучга кирган.

Ушбу қўшма қарор билан тасдиқланган низом “Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг қонунининг 13-моддаси ва Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 29 январдаги 56-сонли” Гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларнинг муомалада бўлиши билан боғлиқ фаолиятни лицензиялаш тўғрисида”ги қарорига мувофиқ ишлаб чиқилган ва Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларнинг муомаласи билан боғлиқ фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқига эга лицензия талабгори-юридик шахсларнинг гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларни сақлаш учун мўлжалланган объект ва биноларининг техник

мустахкамлигини ҳамда қўриқлаш –ёнғинга қарши мосламалар билан жихозлашга доир техник талабларни белгилайди.

Назорат саволлари:

1. Гиёхвандлик воситалари ва психотроп моддалар тўғрисидаги қонун ҳақида.
2. Гиёхвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорлар билан боғлиқ фаолиятни лицензиялаш тартиби.
3. Гиёхвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларни сақлаш.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Азизов И.К. Ўзбекистон Республикасида гиёхвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларнинг назорати. Тошкент 2011 й. 376 бет.
2. Организатсия и экономика фарматсии. под ред. И.В. Косовой. Москва, 2004. 397 стр.
3. Прокопишин В., Сафта В., Брумерел М. Основы Фармацевт ической деятельности. Кишинёв, 2003. – 488 с.
4. Тошмухамедов Е.Р., Зайнутдинов Х.С., Комилов А.М., Муҳамедова Р.А., Журавлёва Е.Б., Исломова М.З. Фармацевт ика ишини ташкил қилиш. профессор Юнусхўжаев А.Н. умумий таҳрири осида.-Тошкент, 2007-223б.
5. Х.С.Зайнутдинов, Р.З.Зияев, О.С.Исоходжаев, Г.Э.Содиқова “Фармацевтика ишини ташкил қилиш ва иқтисодиёти” Тошкент 2012 йил 445 бет.
6. Юнусхўжаев А.Н. таҳрири остида Зайнутдинов Х.С. ва бошқ. Фармацевт ика ишини ташкил этиш: электрон ўқув дарслик. - Т., 2005.
7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори 12 ноябр 2015 йилдаги “Гиёхвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларнинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириш, ундан олиб чиқиш ва транзит тарзида ўтказиш тартибини, шунингдек уларнинг муомалада бўлиши юзасидан назоратни такомиллаштириш” тўғрисидаги 330 сонли қарори

18-мавзу: ХОРИЖИЙ ВА МДХ ДАВЛАТЛАРИДА ФАРМАЦИЯНИНГ РИВОЖЛАНИШ ТАРИХИ РЕЖА

1. Абу бакр Ар-розий, Абу Али ибн Сино каби олимларнинг ишлари хақида.
2. АҚШ да фармацияни ривожланиши.
3. Қирғизистонда XIX асрнинг охири ва XX асрларда фармация ва тиббиётнинг ривожланиши.
4. Қозоғистонда октябр революцияси ғалаба қозонгунча ва ундан кейинги даврларда фармация ва тиббиётнинг тарихи.
5. Москвада биринчи дорихонанинг очилиши.

Таянч иборалар: Фармация, тиббиёт, революция.

18.1 Абу бакр Ар-розий, Абу Али ибн Сино каби олимларнинг ишлари хақида.

Тарихий далилларга кўра Ўзбекистон халқлариинг табобат билан шуғулланишлари ибтидоий тузум охири ва қулдорлик жамиятининг бошланиш даврига тўғри келади. Бу даврга келиб қон кетишини тўхтатиш, ярани беркитиб даволаш, яллиғланишни очиб даволаш, чиққан аъзоларни жойига солиш, доривор ўтларни қўллаш, яъни уларнинг оғриқ қолдирувчи, наркотик, ич юмшатувчи, ич қотирувчи хусусиятларидан билиб фойдаланилганлар. Уларни чайнаб ёки сувда бўктириб истеъмол қилишган. Шарқшунос Бахромийнинг таъкидлашича «авесто» да мингдан зиёд доривор ўсимликлар, гиёхлар рўйхати келтирилган, улардан дори олиш ва таъсирлаш йўллари кўрсатилган. Дорилар кўпинча шира, барг, гул, мева, дон, бута, гиёх илдизи ширасидан, заъфарон, кунжут, кўкнори, хазараспанд, зира, хурмо, сабзи, беҳи, асал, зайтун мойи, савсан, зирк, дўлана каби гиёх ва ўсимликлардан тайёрланган. «Оқ хум» барча доривор гиёхларнинг шохи ҳисобланган.

Авесто (Авес-эътиқод, ишонч маъносида милoddан олдин биринчи 1000 йилликнинг биринчи ярмида зардушт пайғамбар номидан ёзилган бўлиб, Урта Осиё халқлари хаёти тўғрисидаги биринчи ёзма баёнлар келтирилган қутлуғ китобдир. Тиббиёт ва фармация, шу билан бирга дори технологиясининг IV-V-асрлардаги ҳолатидан хабар берадиган манба бу «Гиппократ» тўпламидир. Бу тўпلامда кўрсатилишича, Гиппократ давридаги шифокорлар қўллаган дори воситалари асосан эберс папирусида келтирилган таркиблардан ташкил топган эди. Дориларни дозаларга бўлишда аниқ ўлчамга келишмаган бўлиб, унда «кийик товонига тенг ёки қўзи суяги баробарида, уч бармоқ билан ушладиган қисмда» каби иборалар ишлатилган.

Абу Бакр Ар розий 856 йили 28 август куни Рой шаҳрида туғилган. ёқимли қўшиқлар айтадиган истеъдодли киши бўлган. Аввал заргарлик билан, кейин эса кимё фани билан шуғулланган. Ўрта аср фармацияси ва дори технологияси тарихида салмоқли ўринни араб ва Урта Осиё олимлари олган. бу борада

тиббиёт илмининг султони Абу Али ибн Сино(980-1037) алоҳида ўрин тутди. Унинг «Тиб қонунлари» номли 5 жилдли асари юнон, рум, ҳинд ва Ўрта Осиё олимларининг тиббиёт соҳасидаги фикрлари мажмуаси сифатида ёритилган.

18.2. АҚШ да фармацияни ривожланиши.

АҚШ да 19 асрнинг охири ва 20 аср бошларида дорихона пайдо бўла бошлаган. Фармацевтика соҳаси у замонда “кичик” касб ҳисобланиб келинган. Кўпгина фармацевтика амалиёти ходимлари маълумотга эга эмас эдилар. Улар шунчаки шогирд бўлганлар.

Фармацевтларнинг асосий вазифаси кунлик дори дармонларни назорат қилиш ва тайёрлашдан иборат бўлган. 20 аср бошларида фармацевтларнинг асосий мажбурияти табиий ингридиентларни сотиб олиш ва уларни истеъмолчилар фойдаланишлари учун эркин тарзда дориларга аралаштириб беришдан иборат бўлган. Фармацевтлар соғлиқни сақлаш тизими ходими сифатида тан олинмаган. Шифокор рецептсиз ва рецепт асосида бериладиган дори воситалари ўртасида аниқ фарқ бўлмаган. Гарчи рецепт ёзиш жараёнига шифокор маъсул бўлсада, фармацевтлар тайёр маҳсулотларни шифокор руҳсатисиз ҳам тарқата олишган. 1940-1960 йилларда соғлиқни сақлаш соҳасида “кенгайиш даври” сифатида фармацевтика амалиёти таърифланган. Фармацевтлар Америка фармацевтлар бирлашмаси томонидан эълон қилинган “этика” кодига эга бўлишди ва бу кодга биноан фармацевтлар дори воситалари таъсирига жавобгар эмас, ёки беморларга рецептсиз дори воситаларини беришлари таъқиқланди. Кўплаб шифохоналарда дорихоналар кенгайди, натижада фармацевтлар бизнес бошқарувчи бўлишдан кўра ишчи бўлишни афзал кўришди. Фармацевтика мактабларида эса бошқарув амалиёти маҳорати дарслари ўтилмай кўйди.

Дорихона ходимлари дорихонага келган беморларга диққат эътиборли бўлиб, уларга дори воситалари дорихонада бўлмаган тақдирда асоссиз жавобни бермасликлари ва дориларни вақтида бериш муддатларини бузмасликлари лозим. Ходимлар дорихоналарнинг ички меҳнат тартиб қоидаларига қатъий амал қилишлари ҳамда беморлар билан ҳар доим дўстона алоқа ўрнатиш йўлини топишлари лозим.

Доришуносликда беморлар билан ўзаро муносабатда жахлдорлик, шошма-шошарлик, ҳафсаласизлик, чидамсизлик, бепарволик каби иллатлар соҳага ёт жихатлар ҳисобланади. Фармацевт ва шифокорнинг умумий вазифаси битта, яъни беморларга уларнинг соғлиқларини тиклаш ва улар билан яқин алоқада бўлишдир.¹

18.2. Қирғизистонда XIX асрнинг охири ва XX асрларда фармация ва тиббиётнинг ривожланиши.

Қирғизистоннинг Фрунзе шаҳрида 1941 йил Галанево-Фармацевтика лабораторияси яна қўшимча 3 та сеҳ очиб, унда панкреатин инсулин, пепсин,

¹ Shane P. Desselle, David P. Zgarrick. **Pharmacy Management Essentials for All Practice Settings.** – Mc Grow Hill Medical.- 2011. – P.652.

витами́нлар, строфантин ампулада, эфир наркоз учун, стептоцид ва бошқа дори воситаларини чиқара бошлади. Ўрта Осиёни Россияга қўшиб олингунга қадар Туркистон ўлкасида шифохоналар, дориҳоналар бўлмаган. беморларни даволаш билан табиблар, бахшилар, шаманлар, эшонлар, муллалар, фолбинлар ва бошқалар шуғулланганлар. Булар орасида табибларнинг фаолияти эътиборга лойиқ табиблар айрим жаррохлик операцияларини ўтказганлар, чипқон, ришта касалликларини даволаганлар, зулук солганлар, чиққан ва синган аъзоларни муваффақиятли даволаганлар. Табиблар атиргуллар, ялпизлар, анис ва укропларни сув буғи орқали хайдаб эфир мойларини олганлар.

18.3. Қозоғистонда октябр революцияси ғалаба қозонгунча ва ундан кейинги даврларда фармация ва тиббиётнинг тарихи.

Ўзбекистон, Қозоғистон ва Қирғизистон халқ табобатида қуйидаги доривор ўсимликлар кенг қўлланилган: ялпиз, отқулоқ, зира, мингдевона, парпи, кўкнори, ровоч, арча, қизилмия, эфедра, маврак, наъматак, кучала ва бошқалар. Қозоғистон халқ табобатида дармана ўсимлиги гижжа хайдашда кенг қўлланилган, қимиз ўпка касаллигини даволашда яхши натижалар берган. Ўрта Осиё халқлари ревматизм, бепуштлик, ўпка, тери ва бошқа касаллигини даволашда мақсадли сувлардан кенг фойдаланганлар.

XIX асрнинг ўрталарида Урта Осиё ўзининг бойликлари билан Европа ва Осиё мамлакатларининг биринчи галда Буюк Британия, Туркия, Эрон, Россия кабиларни қизиқтирар эди. Аммо рус чоризми улардан илгарироқ ҳаракат қилиб, Ўрта Осиё хонликларини ўзаро урушларидан фойдаланиб, уни забт қилиб, ўз мустамлакасига айлантирди. Шу даврда 1-Ўрта Осиёнинг кўпчилик қисмини Қўқон, Бухоро ва Хоразм хонликлари эгаллаган эди.

18.4. Москвада биринчи дориҳонанинг очилиши.

1581 йилда Москвада биринчи дориҳона очилиб, уни подшо дориҳонаси деб номланган (царская аптека). Унга аптекачини Англиядан таклиф этилади. Бу дориҳона фақат подшо оиласинигина таъминлар эди. Дорилар эса фақат подшонинг буйруғи асосида тайёрланар эди. Тайёрланган ҳар бир дорини табибни ўзи ва аптекачи татиб кўргандан кейингина подшо ва унинг оиласига ичиш учун бериларди.

Орадан қарийб 100 йил ўтгандан кейингина 1672 йили иккинчи дориҳона очилади. Бу дориҳона энди фақат катта лавозимда ишловчилар ва уларнинг оилаларига хизмат қилади.

Бу дориҳона штатида аптекачилар, врачлар, алхимиклар, табиб ва дориҳона ўқувчилари бор эди. Дориҳона ичида ўтлар қуритиладиган шкаф яъни сушилка, дори тайёрлаш учун лаборатория ва бошқа хоналар мавжуд эди.

1682 йилда аҳоли госпитали қошида учинчи аҳоли дориҳонаси очилди.

Лекин Россия аҳолиси эскича табиб ва доришунослар хизматидан фойдаланар эди.

Назорат саволлари

- 1.Абу бакр Ар-розий, Абу Али ибн Сино каби олимларнинг ишлари хақида.
- 2.Қирғизистонда 19- асрнинг охири ва 20- асрларда фармация ва тиббиётнинг ривожланиши.
- 3.Қозоғистонда октябр революцияси ғалаба қозонгунча ва ундан кейинги даврларда фармация ва тиббиётнинг тарихи.
- 4.Москвада биринчи дорихонанинг очилиши.

Фойдаланилган адабиётлар

Интернет маълумотлари

5. АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР УЧУН МАТЕРИАЛЛАРИ

1-амалий машғулот: Ўзбекистон Республикаси соғлиқни Сақлаш ишлари ва фармацевтика хизматини ривожлантириш асослари

Машғулотнинг мақсади: Ўзбекистон Республикаси соғлиқни Сақлаш ишлари ва фармацевтика тизимининг ташкилий тузилиши, уларнинг вазифалари хақидаги маълумотга эга бўлишдан иборат.

Масаланинг қўйилиши: Ўзбекистон Республикаси соғлиқни Сақлаш ишлари ва фармацевтика хизматини ривожлантириш асосларини ўқитишда таълим технологияларидан фойдаланиши лозим.


Мустақил бажариш учун вазифалар

1-вазифа “Кластер” усулидан фойдаланиб “Дори- дармон акциядорлик компанияси бошқаруви ижро этувчи аппарати тузилмасини чизмада акс эттиринг!

Ишни бажариш учун намуна

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш ишлари ва фармацевтика хизматини ривожлантириш асослари мавзусини ўқитишда “Кластер методининг қўлланиши”

1. Ақлингизга келган барча нарсани ёзинг. Ҳақ сифатини муҳокама қилманг: уларни оддий ҳолда ёзинг.
2. Орфография ва бошқа омилларга эътибор берманг.
3. Ажратилган вақт тугагунча ёзувни тўхтатманг. Агарда ақлингизга ҳаялар келиши бирдан тўхтаса, қачонки янги ҳаялар пайдо бўлмагунча қоғозга расм чизинг.
4. Кўпроқ алоқа бўлишлигига ҳаракат қилинг. Ҳаялар сони, улар оқими ва улар ўртасидаги ўзаро алоқадорликни чегараламанг.



2-вазифа. "Dori-darmon" aksiyadorlik kompaniyasining bo'limlari haqidagi ma'lumotlarni internet orqali www.doridarmon.uz saytiga kirib o'rganing.

3-вазифа "Dori-darmon" aksiyadorlik kompaniyasi tarkibiga kiradigan korxonalar va tashkilotlar ro'yxatini daftaringizga yozing

4-вазифа O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 20 may 2005 yildagi "Dori-Darmon" Davlat aksiyadorlik uyushmasining "Dori-Darmon" aksiyadorlik kompaniyasiga aylantirish to'g'risidagi 131 sonli qarori bilan tanishing va daftaringizga qisqacha konspekt qiling.

5-вазифа www.uzpharmsanoat.uz saytiga kirib, "O'zFarmsanoat" DAK ga tegishli bo'lgan korxonalar ro'yxatini va ularning faoliyati haqidagi ma'lumotlarni oling va o'rganing.

"Dori-darmon" Aksiyadorlik kompaniyasi tarkibiga kiradigan korxonalar va tashkilotlar ro'yxati

№	"Dori-darmon" aksiyadorlik kompaniyasi tarkibiga kiradigan tashkilotlar	Korxonalar va tashkilotlar tarkibiga kiradigan tuzilmalar ro'yxati
I. Aksiyadorlik jamiyatlari		
1	"Andijon Dori-darmon" ochiq, aksiyadorlik jamiyati	Ulgurji omborxona 16 Dorixona, 10 filial
2	"Qashqadaryo Dori-darmon" ochiq aksiyadorlik jamiyati	Ulgurji omborxona 15 Dorixona, 16 filial
3	"Namangan Dori-darmon" ochiq aksiyadorlik jamiyati	Ulgurji omborxona 16 Dorixona, 78 filial
4	"Navoiy Dori-darmon" ochiq aksiyadorlik jamiyati	Ulgurji omborxona, 8 dorixona, 8 filial
5	"Samarqand Dori-darmon" ochiq aksiyadorlik jamiyati	Ulgurji omborxona 16 dorixona, 39 filial
6	"Toshkent viloyati Dori-darmon" ochiq aksiyadorlik jamiyati	Ulgurji omborxona 20 dorixona, 2 filial
7	"Fargona Dori-darmon" ochiq aksiyadorlik jamiyati	Ulgurji omborxona 9 dorixona, 38 filial
8	"Toshkent shahar Dori-darmon" ochiq aksiyadorlik jamiyati	Ulgurji omborxona 12 dorixona
II "Dori-darmon" Aksiyadorlik kompaniyasiga birlashtiriladigan korxonalar tashkilotlar		
9	"Qoraqalpoq Dori-darmak"	Ulgurji omborxona, 13 Dorixona 1 filial
10	"Buxoro Dori-darmon"	Ulgurji omborxona, 13 dorixona 49 filial
11	"Jizzax Dori-darmon"	Ulgurji omborxona, 13 dorixona 10 filial
12	"Sirdaryo Dori-darmon"	Ulgurji omborxona, 17 dorixona 32 filial
13	"Surxon Dori-darmon"	Ulgurji omborxona, 16 dorixona 69 filial

14	"Xorazm Dori-darmon"	Ulgurji omborxona, 12 dorixona 2 filial
15	"O'zbekiston Dori-Ta'minoti"	Ulgurji omborxona, 1 dorixona
16	Dori-Darmon Garant	

Назорат саволлари:

1. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги *вазифалари*.
2. “Дори-дармон” Акциядорлик компанияси.
3. “Ўзфармсаноат” Давлат Акциядорлик концерни ва унинг вазифалари

Фойдаланилган адабиётлар

1. Тошмухамедов э.Р., Зайнутдинов Х.С.ва бошқалар “Фармацевт ика ишини ташкил қилиш” Тошкент-2007, 221- бет.
2. Х.С.Зайнутдинов, Р.З.Зияев, О.С.Исоходжаев, Г.Э.Содиқова “Фармацевтика ишини ташкил қилиш ва иқтисодиёти” Тошкент 2012 йил 445 бет.

2-амалий машғулот: Ўзбекистон Республикасида дорихона очиш тартиби


Машғулотнинг мақсади: Талабаларни Ўзбекистон Республикасида дорихоналарни очиш тартибини меъёрий ҳужжатлар асосида ўрганиш.

Масаланинг қўйилиши: Ўзбекистон Республикаси дорихона очиш ўқитишда таълим технологияларидан фойдаланиши лозим.

Мустақил бажариш учун вазифалар

1-вазифа. Хусусий дорихона очишнинг умумий чизмасини Кластер усулидан фойдаланиб тузинг.

Ишни бажариш учун намуна:



2 – vazifa. Quyidagi ma’lumotlarni hisobga olgan holda farmatsevtika faoliyatiga litsenziya olish uchun hujjatlar to‘plamini tayyorlang:

- “Farmako” xususiy firmasining dorixonasi;
- faoliyat turi: dori vositalari bilan chakana savdo qilish, dori tayyorlash;
- pochta manzili: Toshkent shahar, Shayxontoxur tumani, Olmazor ko‘chasi 10-uy
- dorixona manzili: Toshkent shahar, Shayxontoxur tumani, 14-sonli poliklinika;

- hisob raqami 20208000404299837001 O‘zbekiston Respublikasi tashqi iqtisodiy faoliyati Milliy bankining shahar bo‘limida;

- MFO 00451;

- INN 207550042;

- Tel: 144-20-42

3 – vazifa. Quyidagi ma’lumotlar asosida farmatsevtika faoliyatiga litsenziya olish uchun hujjatlar to‘plamini tayyorlang:

- ulgurji farmatsevtik firma MCHJ “Tibtexnika” ;

- faoliyat turi: tibbiyot buyumlari bilan ulgurji savdo qilish;

- pochta manzili: Toshkent shahar Yakkasaroy tumani, Bobur ko‘cha 51 uy;

- ombor manzili: Toshkent viloyati, Toshkent tumani, Qibray 45 uy;

- hisob raqami 20208000824299922085 “Turon” banki;

- MFO 00358;

- INN 203225025;

- Tel: 54-36-28;

4 – vazifa. Quyidagi dalillar asosida farmatsevtika faoliyatiga litsenziya olish uchun hujjatlar to‘plamini tayyorlang:

- XF “Tabib”ning “Salomatlik” dorixonasining filiali;

- faoliyat turi: dori vositalaribilan chakana savdo;

